

ГУЛИСТОН

12 (24) • 1968

R 496
1968/12

Энв
№

ГБ УзССР
111



4 000 000





Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитети
журнали

R 496



**УШБУ СОН
мазмун**



**Тошкент. Кинофестиваль
Лениннома
Ширионбулоқ шеърлари
Фарзанд юраги
Хива — ёдгөрликлар
кўзгуси
Ҳазрати Навоий ҳузурнда
Ҳорғинликнинг чораси
Адабий мерос. Надимий
Мармарга битилган
байтлар**

Муаллифларимиз:

*С. Безносос, Д. Юсупов, И. Волин,
М. Бек, Сайёр, Очил Мавлонов, Кен-
гес Смамутов, Хўжабек Саитов, Жу-
маниёз Жабборов, Т. Бояндиев, Улмас
Умарбеков, В. Чимаров, Б. Бодянский,
Г. Муҳаммаджонова, М. Муҳитдинов
ва бошқалар.*

Ойлик ижтимоий-сиёсий ва
адабий-бадиий беақали журнал

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитетининг Бирлашган нашриётида
чоп қилинди




Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивали зўр муваффақият билан ўтди. Муҳташам Санъат саройида фестиваль байроги ўн кун давомида ҳилпираб турди.



САНЪАТ САРОИИ. Бирлашган Араб Республикаси кино арбоблари ва артистларининг пойтахт томошабинлари билан учрашув пайти.

Ҳиндистон кино арбоблари Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари нўрғазмасини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.






Кинофестивалнинг
расмий очилиш
маросими.



Фестиваль қатнашчиси
Қозоғистон ССР халқ
артисти Амина Умурзо
ва.



Сенегал кино юлдузи
Юнус Дьей.

Тошкент. Кинофестиваль

Тошкент халқаро учрашувлар марказига айланиб бормоқда. Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкент конференцияси ўтганига ўн йил тўлиши муносабати билан бўлган симпозиумдан кейинроқ Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивали очилди. Бу натта йигинга 46 мамлакатдан вакиллар келди.

«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтган кинофестиваль Осиё ва Африка халқларининг маданий алоқасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Фестиваль қатнашчилари Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар, шаҳар атрофидаги колхозларга бордилар, Самарқанд ва Бухородаги обидаларни бориб кўрдилар.



Иордания кинолаштириш
департаментининг
директори Али Сиам матбуот
конференцияси за
лида.

Бирлашган Араб Республикасининг машҳур кино артистлари Магда Комил ва Суҳар Муршиди.

Семён БЕЗНОСОВ
фотолари.



Кинофестиваль қатнашчиларидан (чапдан ўнга): Озарбайжон халқ артисти А. Иброҳимов (СССР), сенегаллик кино артист Иса Нянг, Лайло Шенна (Маронаш), Муни Маасри — режиссёр (Ливан).



Машҳур инглиз адиби, тараққийпарвар жамоат арбоби Герберт Уэллс 1920 йилнинг кўзида Совет Россиясига келиб, мамлакатдаги вазият билан танишиди, Кремлда Владимир Ильич Ленин билан суҳбатлади. Адиб Англияга қайтиб борганидан кейин, ўз таассуротларини «Зулматдаги Россия» номи билан китоб қилиб чиқарди.

Академик Кржижановский китобнинг 1958 йилги русча нашрига сўзбоши ёзиб, асар ҳақида бундай деган эди. «Зулматдаги Россия» китоби замонамиздаги ноқадрий адабий ҳужжатлардан биридир. Ўз китобида Уэллс эски Россиянинг барбод бўлгани ва мамлакатдаги ҳужалик вайроналари манзарасини тажрибали ёзувчига хос мушоадакорлик билан ёрқин баён этади. Китобда Уэллснинг Владимир Ильич Ленин билан учрашувига бағишланган саҳифалари совет кишилари учун айниқса қимматлидир.

Китоб ўзбекчага таржима қилинган. Қўйида «Кремль хаёлпарастси» номи бобини қисқартирилган ҳолда журналхонларимизга тавсия этамиз.

Лениннома

Кремль хаёлпарастси

Москвага боришдан асосий мақсадим Ленин билан учрашиш эди. Аммо шунга айтиб қўяйки, уни ёқтирмадим; кўришиб гаплагандан кейин эса, бу зот ҳақидаги фикрим тамомилан ўзгарди.

Ленин билан учрашувимга доир расмий тайёргарликлар жуда ҳам чўзилиб кетиб гашимни келтирарди; ниҳоят, вақт-соати етиб, Ротштейн жаноблари ва яна бир америкалик «ўртоқ» билан Кремлга йўл олдик.

1914 йили Кремлда бўлганим ёдимда. У вақтда Кремлга ёмалол кирилаверар эди; тоат-ибодат қилгани келганлар ҳам, сайёҳлар ҳам тўп-тўп бўлиб юришарди. Ҳозир Кремлга кириш жуда мушкул. Дарвоза олдидаёқ ҳужжат ва руҳсатномалар роса текширилади... Ленин хузуринга кирганимизгача беш-олти хонадан ўтдик, уларнинг ҳар бирини ҳам ҳужжатларимиз қайта бошдан текширилди. Эҳтимол, бундай қилиниши Ленин шахсининг хавф-хатардан олис бўлиши учун зарурдир, аммо бу нараса Россиянинг у билан жонли алоқа боғлашини қийинлаштиради, назаримда.

Ниҳоят, биз Ленин ишхонасига, деразалари Кремль майдонига қараган ёруғ хонага кириб бордик. Ленин каттакон стол ёнида, оёқлари ерга тегиб-тегмай ўтирар, стол усти китобу қоғозлар билан тўла эди. Мен столнинг ўнг томонидан жой олдим. Ленин мен томонга бурилди. У инглизчада яхши сўзларкан...

Ленин марксизмни роса қироат қилиб олган, у киши билан қаттиқ баҳслашишга тўғри келар, деб ўйлаган эдим. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Кейин, Ленин одамларга панд-насихат қилиниши яхши кўради дейшар эди, суҳбатимиз вақтида ҳеч бундай қилмади. Ленин ҳақида ёзганлар унинг кулгиси кишига дастлаб ёқади, кейин малол келади, дейшарди. Мен бунақа кулгини ҳам эшитмадим.

Ленин хушрўй, истараси иссиқ, бугдойрангроқ, чехраси мудом товлашиб туради, жилмайишлари самимий. Суҳбатдошининг сўзига қўлоқ солганда бир кўзини қисиброқ қарайди. У ўзининг фото суратларига унча ўхшамайди. Чунки унинг чехрасидаги товлаиш — айрим тоифа кишиларга хос хислатдирки, бу хислатни суратда акс эттириб бўлмайди. Суҳбат вақтида у қўлларини столдаги қоғозлар устидан узатганча силтаб-силтаб гапирди, бутун вужуди билан берилиб тез гапирди; ҳеч кеккаймадсан, ҳақиқий олимлар каби мақсадини тамом ошқора ва дангал айтди.

Суҳбатимиз икки асосий мавзу устида борди. Бир мавзунини мен бошқардим: «Россиянинг келажаги қандай бўлади деб ўйлайсиз? Сизлар тузаётган давлат қанақа бўлади?» Иккинчи мавзунини Ленин бошқарди: «Нега Англияда ижтимоий инқилоб бошланмапти? Нега сизлар унга замин тайёрламоқ учун ҳеч нараса қилмаяпсизлар? Нега капитализмни йўқ қилиб, коммунистик давлат тузмаяпсизлар?» Бу мавзулар бир-бирига боғланиб муштарак тус олди, бир-бирига тўқнашди ва бир-бирига жавоб вазифасини ўтади. Иккинчи мавзу бизни яна биринчи мавзуга қайтарди: «Ижтимоий инқилобдан муродларингиз ҳосил бўлдимми? Натижаси яхши бўлаётимми?» Бу эса ўз навбатида иккинчи мавзуга олиб келди: «Натижаси яхши бўлиши учун фарб дунёси бунга бош кўшини лозим. Нега шундай бўлмапти?»

1918 йилга қадар ҳамма марксистлар ижтимоий инқилобни тўб мақсад қилиб олган эдилар. Бутун дунё пролетарлари бирлашиб капитализмни ағдариб ташлайди ва сўнгра фақат роҳат-

М У Ё О Ф О Т

Ҳамза мукофоти лауреатлари



Сергей БОРОДИН,



Ғазир САФАРОВ,



Чингиз АХМАРОВ,



Ҳалима НОСИРОВА,

Беруний мукофоти лауреатлари



У. ОРИПОВ,



А. АЮХОНОВ,



Р. РАҲИМОВ,



Ҳ. ХАДМИМУХАМЕДОВ,



Ҳ. РАҲМАТУЛЛИН,

фароғатда яшайди, дейишарди. Аммо Ленин яқинда масалани дангал қўйиб, баъзи ўз издошларини ҳам эсанкиратди: «Капитализмни битиришдан иборат зўр ишни ўз зиммасига олганлар шунинг англашлари лозимки, улар ўзларининг мақсад ва вазифадарига тўла мос келадиган иш усулларини пироварди топиб олганларига қадар турли иш усулларини бирин-кетин синаб кўраверадилар», — деб ёзди.

Сўхбат давомида мен, Россияда шахарларнинг йўқолиб бориш жараёни қандай тус олади, деб сўрадим. «Шахарлар чоғроқ бўлади, — деб жавоб берди Ленин. — Шу билан бирга шахарлар бошқача бўлади, ҳа, тамом бошқача бўлади». Мен дедим: «Демак, ҳозирги шахарлар бўзиб ташланиб, янгидан қурилади, бунинг учун жуда кўп меҳнат сарф бўлади. Великий Новгороднинг храмлари ва қадимий бинолари ҳам, Петроград жомийлари ва мухташам бинолари ҳам тарихий ёдгорликларга айланади». Ленин гапимга тўла қўшилади.

Коллективизмнинг муқаррар оқибатларини тушунадиган киши билан сўхбатлашганига Ленин хурсанд бўлгандир, чунки унинг ҳаммаслақлардан кўплари ҳам бунинг тўла англаёлмайдилар. Россияни тубдан қайта қуриш, янгидан бунёд этиш керак...

Хўш, саноат нима бўлади? У ҳам буткул қайта қуриладими?

Масала шундаки, ҳамма «хайлпараст»ларини рад этувчи ҳақиқий марксист Ленин пироварди оқибатда ўзи ҳам хайлпарастликка, электрлаштириш «утопия»сига берилиб кетди. Тўғри, у Россияда қанчадан-қанча улусларга қувват берадиган катта-катта электр станциялари барпо этмоқ учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўряпти. Икки район электрлаштирилганини ҳам айтди у. Лекин серўрмон, деҳқонлари саводсиз, техникадан беҳабар, савдо ва саноати деярли сўнган бу улкан мамлакатда бундай режанинг амалга ошишини фақат хаёл осмонига парвоз қилибгина тасаввур этса бўлади. Ҳар қанақа ойнаижаҳонга қарамайини, Россиянинг бундай истиқболини кўрмайман! Фақат Кремлдаги ўрта бўйли кишигина бунинг кўришга қодир. Вайрона темир йўллар ўрнида янги, электрли темир йўллар пайдо бўлишини, бутун мамлакат бўйлаб янги тош йўллар ўтишини, янги қиёфа, янги мазмун касб этган бахтиёр, индустриалашган коммунистик давлат қад кўтаришини у кўриб турибди. Шунинг қизиқки, сўхбат вақтида у ўз башоратининг албатта рўёбга чиқишига мени ишонтира олди деса ҳам бўлади.

— Хуллас, сизлар ерга ёпишиб олган мужикларингиз билан шу ишларни қилмоқчимисизлар? — савол бердим.

— Ҳозирдаёқ бизда қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳаммасини фақат деҳқон бераётгани йўқ, — деди Ленин. — Шароит йўл қўйган жойларда ҳукумат катта ер мулкларини ўз қўлига олди, буларда деҳқонлар эмас, балки ишчилар ишлаяпти. Шундай хўжаликлар энг аввал битта улусда ташкил қилинади, сўнгра бошқа улусга ўтилади, шу равишда кенгайиб боравериши мумкин. Бош-

қа улуслардаги саводсиз ва худбин деҳқонларнинг бу ишларда хабари бўлмайди, навбат ўзларига етганидигина билишади.

Деҳқонлар ҳақида гапирганида, Ленин мен томон энгашиб, гўё деҳқонлар эшитиб қолмасин дегандай қилиб, ўзини бахш қилди.

Мен у билан баҳслашдим, большевиклар олдида жамиятнинг фақат моддий ҳаётини қурибгина қолмай, бутун халқнинг онг ва фикрини ўзгартириш вазифаси ҳам туради, деб ишоратлашга уриндим. Руслар аёнана ва одатлари эътибори билан шахсиятларастидирлар, савдо билан шуғулланишни яхши кўрадиган халқ; янги дунё кўрмоқ учун энг аввало халқнинг суяк-суягига сингиб кетган одатларини ўзгартириш керак, — дедим.

Ленин, маориф соҳасида қилинган ишлардан нималарини кўрдингиз, деб сўради мендан. Мен баъзи ишларни мақтадим. У хурсанд бўлиб жилмайди. У ўз йўлининг тўғрилигига беҳад ишонади.

Ленин билан сўзлашар эканман, Марксдан қатъи назар, коммунизм ҳар ҳолда буюк ижодий кучга айланиши мумкинлигини англадим. Синфий кураш борасида коммунистлар орасидаги мутаассиблар ва сафсатабозларнинг гапларини эшитавериб безор бўлганимдан кейин, марксистини қирати қилиб, ёдлаб олган қанчадан-қанча кимсаларнинг пуч кибрланишлари қўнғилимга текканидан кейин, пироварди, бу ажойиб киши билан учрашув руҳини кўтариб юборди. У мавжуд катта қийинчиликларини ва коммунизм қуришининг мураккаблигини ошқора эътироф қилади ҳамда коммунизмни рўёбга чиқариш ишига ўзининг бутун куч-қувватини бағишламоқда. Ҳар ҳолда у янгича мазмун касб этадиган ва янгидан қурилажак дунё қандай бўлишини кўриб турибди.

У, Россиядан олган таассуротларини кўпроқ сўраб эди. «Фикримча, — дедим, — кўп масалаларда коммунистлар ўз йўлларини керагидан ортиқ тез ва шиддат билан амалга оширяптилар, ўзлари барпо этиш имкониятига эга бўлмаддан турибқоқ бордларини бузиб ташлашяпти»...

Баҳс вақтида жуда танг аҳволда қолганимни эътироф қилишим керак. Ленин тўсатдан Кюнца Моейининг «Национализация зафарлари» номли китобини олиб кўрсатди.

— Мана, кўрдингизми, сизларда жамият учун локал салгина фойдала, коллективчилик ташкилоти пайдо бўлиши биланқоқ капиталистлар уни дарҳол йўқ қилиб юборишади... — У бармоғи билан китобини чертиб туриб деди: — бу ерда шуларнинг ҳаммаси ёзилган.

Кўп масалалар устида баҳс юритдик, лекин бир фикрга келолмадик.

Ленин билан самийини хайрлашдик. Кремлга кириш вақтидаги каби, қайтишда ҳам мендан ва ҳамроҳларимдан рухсатномаларини қайта-қайта текширишди.

Фозил ИСҲОҚОВ
таржимаси.

М У Б О Р А Ё!



М. Н. НАБИЕВ.



В. БАЗИЛЕВ.



К. КАМОЛОВ.



В. ЕРОФЕЕВ.



А. ВИШНЯКОВА.



М. ОДИЛОВА.



А. ВВЕДЕНСКИЙ.



Қ. ЗОКИРОВ.



А. БУТКОВ



М. М. НАБИЕВ.



С. КОВАЛЕВСКАЯ



В. ПАЗИЯ.

ЛЕНИНГА СОВҒА

Ҷирқ беш йил бўлибди шунга. Октябрь ойи оёқлаб қолган, кузги йигин фасли эди. Фарғоналик икки ўймакор уста — Қурамой Юнусов билан Қодиржон Хайдаров Москвадан, Мария Ильинична Ульяновадан самимий миннатдорлик хати олдилар. Иккаласи севинч ҳаяжонини ичига сиғдиролмас, жаҳон меҳнаткашларининг устози Ленинга тез шифо тиларди. Ҳа, улар Ленинга миннатдорликларини изҳор қилиш, у билан дийдор кўришни учун совға-салом олиб борган эдилар. Афсус, Ленин бетоб эди ўша кунларда... Кейин шу хатни олдилар.

«Қадрли ўртоқлар, — деб ёзган эди Мария Ильинична: — Салом ва совғангиз, ишда муваффақият тилаганингиз учун Владимир Ильич Сизларга чин кўнгилдан миннатдорлик билдиришни менга топширди».

Ильич бетоб бўлмаганда Туркистон ҳунармандларининг турмуши ва иш шариати ҳақида сизлар билан бажонидли гаплашарди, бунга аминман. Афсуски, бу суҳбатни у соғайгунча кечиктиришга тўғри келади, ишонаманки, Ильич тездан соғайиб кетади.

Сизларга, қадрли ўртоқлар, самимий салом билан Мария Ульянова».

Ўзбек усталари олиб борган совға нима эди? Кейинчалик кўп одам кўрган. Гулдор столча ва стулчалар эди. Ильич буларга завқ билан узоқ тикилар. Ўзбек усталарининг сеҳрлар қўли бунёд қилган гўзал буюмларда Шарқ халқларининг буюк истеъдодини, иқболлини кўрар, бу истеъдодга ривож йўлини изларди.

А. АКОПОВА.

ТАЪЗИМ БАЖОЛАБ КЕЛДИК

Эрта кузан. Улуг Ленин қадами теннан жой. ларни зиёрат қилиш ниятида саҳарлаб поездга чиндик. Сафимизда уч юз қирқ киши бор эди.

Биз тушган «Дўстлик» поездиди ўн олти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мунофотининг лауреатлари, республикада хизмат кўрсатган механизаторлар, агрономлар, моҳир пахтакорлар, шахсий пенсионерлар, жамоат ва давлат арбобларидан ташқари ташвиқотчи ёшлар, хонанда ва созандалар, шифонорлар бор эди.


4 сентябрь нуни эрталаб поездимиз Волгабўйининг энг йирик шаҳарларидан бири — Куйбисhevга кириб борди. Майдонда уйинкулги тугагач, 1905 йил инжиқлиб клубига йўл олдик. Автобусда кетар эканмиз, Куйбишев шаҳрининг келажаги ҳақида саҳат бошлиғи Клара Константиновна Зеленина мароҳ билан сўзлаб берди.

1967 йили шаҳар аҳолиси бир миллион кишига етибди. Бу ерда Италиянинг энг йирик «Фиат» фирмаси автомобиль корхонаси қураётган экан. Ишчи кўчаси муюлишидаги 1889—1893 йилларда Ульяновлар оиласи яшаган уйга бордик. 1889 йили бу оила Қозондан кўчиб келишган экан.

Муҳаммаджон САЛОМОВ.

ОЛТМИШИНЧИ МАНЗИЛ

Очерк



Неъмат РИЗАЕВ.

Правление мажлиси қарийб тугаган эдию, қутилмаганда яна авж олди. Бунга колхоз боғдорчилик агрономи Неъмат Ризаев сабаб бўлди. Мажлисда галдаги ишлар энди режалаб бўлинганди Ризаев сўз сўради-ю, яна ҳамма жимиб қолди.

Одатда кекса боғбон сўз олдини — бекорчи гоп бўлмайди: ё муҳим фикр айтилади, ё бирор тадбир мухокамага қўйилади. Аммо бугун-чи, нима гап чиқаркин агрономдан?

— Қани, марҳамат, «раис бува», — деди колхоз раиси Бурхон Ҳимматов бироз ҳайронлик билан. — Эшитамиз Сиздан.

«Раис бува» бирпас таратдудланиб турди. Колхоз раисининг «раис бува» сўзига ургу бериб айтиши унга аллақандай галати туюлди, сал кесатиқли оҳанг борлигини сезагандай бўлди. Тўғри, уни ҳамма, ҳатто қариялар ҳам худди шундай қақришади, турмаст қилишади. Бўлмаса, раислякин ташлаганига кўп йиллар ўтиб кетган.

— Кечирасизлар, ўртоқлар, — Ризаев ҳар хил мулоҳазалардан ўзини соқит қилиб, ўтирганларга бир-бир қараб чиқди, ўз фикрининг уларга қанчалик ботиш-ботмаслигини ўзича чамалаб кўрди. — Мен эски бир дардини кўзгамоқчиман.

— Дардини? — кўпчилик бирдан сўрашди.

— Ҳа, буни дард деса ҳам бўлади, орзу, орзу деса ҳам бўлади.

— Яна боғ масаласи бўлмасин, та-

ғин! — кинояли кулганча луқма ташлади мўйловти, сарғиш бир киши.

— Балли! Айнан шу боғ масаласи! — Ризаев луқма эгасини топиб, унга ҳам кинояли қараш қилди, лекин боғбоннинг озгин, қорамғиз юзларида кинояга нисбатан қатъийлик кўпроқ балқиб турарди. У яна нигоҳини ўртага тикиб, эғнидаги қора камзулнинг тугмаларини ечиб қўйди, охишта сўз бошлади.

— Ургутни Ургут қилган, унинг шуҳратини ёйган нима? Собиқ, Сталин номли колхозни, ҳозирги Алишер Навоий номидаги хўжалиқни, Кенегасимизни республикага танитган нима? — Ризаев ҳаммага яна бирров қараб чиқиди, ўз саволига ўзи жавоб қайтарди. — Бунинг ҳаммаси — боғдорчилик, узум, ажойиб мусаллас, шини, кишмишлар! Энди қани ўшалар! Қани, хум-хум мусаллас, арава-арава узумлару кўзига қамаштирадиган майизлар... Тўғри, булар тамоман йўқолиб кетган эмас: ҳар йили узум топшириб турибмиз давлатга. Шахсий хўжаликларда ҳозир ҳам майиз, мусаллас, аҳён-аҳён шини учраб туради. Аммо-лекин шундай ноз-неъматлар кескин камайиб борапти.

— Ҳақ гап, — ўтирганлардан бири луқма ташлади.

— Бу эҳтиёжда, ўртоқ Ризаев, — мўйловли киши жиддий тус олди.

— Йў, тамакини мен никор қилмайман, — деди Ризаев босиқлик билан. Эн-

дилда Ургут райони тамаки билан шуҳрат қозонди. Лекин боғдорчилик ҳисобига, мевазор ва узумзорларни сиқиб чиқариш ҳисобига ўсшига қўшилмайман.

— Гапингиз тўғри, Неъмат ака, — орага тушган колхоз раиси ётғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди. — Биласизми, биз, берилган топшириқни бажаряпмиз. Бундай ташқари, бир килограмм биринчи нав тамакини давлатга олти сўм сотганимиз холда шунча майизни атғи бир сўму ўн тийинга пуллаймиз. Хўш, колхозчи учун, колхоз учув қай бири устун? Бунинг устига узумчилик билан боғдорчиликнинг ҳосилдорлиги ҳам ўзига яраша... Ҳазингиздан қолар гап йўқ...

Неъмат ака янига қўлнинг тираганича бирпас сукут сақлади, қўй қўзлари кичрайгандек, олов югурган юзлари қўяни



Ўзбекистонлик сабҳатчилар В. И. Ленин мақбарасига гулчамбар қўйгани Қизил Майдон сари боришаёти.

С. УМАРОВ.

тусиғ киргандек бўлди. У бир нафас жим қолган бўлса ҳам қалбида алланималар туғён урарди, миёсида ҳисобсиз сўзлар, тақдос ва исботлар сел бўлиб оқарди.

«Ҳосилдорлик дейишади,— ўйларди у.— Ахир, ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига ким сабаб? Ўзимиз эмасми? Бир вақтлар гектардан 300—400 центнергача узум топширганамизни, бозорларда киши-киши ва шиниларимиз талаш бўлганлигини паноҳки ёддан чиқарсалар?! Дарвоқе, тамаки билан узум бир-бирига нечоғлик зид эканлигини наҳот тан олишмасая?

Қиммат сотилгани билан тамаки, барибир, захар-ку. Узум эса шакар дегани, соғлиқ учун малҳам дегани... Буни ҳамма биллади-ку...»

«Ранс бува» чекмайдилар-да, шунинг учун тамакини ҳам тан олмайдилар,— ҳазиллашган бўлди тамакичилик бригадирларидан бири.

— Минг марта шукр чекмаганимга. Қани энди оламда ҳеч ким чекмаса уни. — Афсуски илож йўқ. Юқоридан топшириқ бўлаверар экан — тамакини экаверамиз...

— Йўқ, ўртоқлар,— шу вақтгача жим ўтирган правление аъзоси Насим Бердиқулов мунозарига қўшилди.— Гап инсон учун қайбирининг афзаллигида!

— Тамакини бутун жаҳон чекади!— Яна мўйловли киши бўш келмади.— Ана буни афзаллик деса бўлади!

Агрономнинг ҳам юраги жўшиб кетди. У, энди чинакамига сўз жангига киришмоқчи, жаҳон учун, одамлар учун қай бирининг устуллигини далиллар билан исботлаб беришга шайланган ҳам эдики, ранс ўрнидан туриб, аниқ мақсадга кўчди.

— Кишишманглар, биродарлар,— деди ранс ва алланимани мулоҳаза қилгандек, тўхтаб қолди, сўнг Ризаевга тикилганча:— Агар Неъмат ака яхшироқ бирор маслаҳат берсалар, ўйлаб кўрганимиз дурст,— деди.

Неъмат ака шундай вазиятни кутиб турган эди— аини мудио бўлди. У ён чўнтагиндан қора муқовали кичик ён дафтариин олди-да, ўз мулоҳазаларини баён қилди: колхоз қишлоқда бекор ётган ер-

ларин, ҳисобсиз қирликларни тоқзорларга, мевазорларга айлантириш фикрини ўртага ташлади. Бироқ бу осон иш эмасди — сув билан, обн ҳаёт билан битадиган катта тadbир эди. Кенагас учун эса ҳар бир томчи сув зар билан баравар.

— Агар қишлоқда сув масаласини ҳал қилса— иш енгил кўчади,— деди бош агроном ўз сўзига яқун ясар экан.— Хонадонлар ҳам сувдан баҳраманд, бекорчи жойлар ҳам ям-яшил бўлади ана ўшанда.

— У, бу жуда қийин иш-ку? Қўп маб-лар талаб қилади-ку?

— Бизда ишчи кучи ҳам чатоқ.

— Бу томонларни менга қўйиб бера-сизлар,— деди Ризаев дангал.— Труба масаласини Ташкентга борганимда министрилик билан гапшилаб келганим. Тахминий ҳисобимча, дастлаб икки ярим минг газдан ошқироқ қувур керак экан. Харитаси ҳам тузиб чиқарилган,— агроном ён дафтар орасидаги юпқа қоғозни қўлига олиб, кенг ёйди, ҳамма қизиқиш билан уни ўраб олди.

— Сувни албатта Янги ариқдан ола-миз,— яна изоҳ берди у.— Агар сувни қувурлар орқали 34 газ юқори кўтариб, экинзорларга таратсак, марра бизники! Ундан ташқари... қишлоқни тўла-тўкис сув билан таъминлаш пайти ҳам келмадимки-ки?...»

Мажлис яна чўзилди, муҳокама яна авж олиши мумкин эди. Аммо шундай хайрли ишни, Кенагасини сув билан таъминлаш масаласини кекса боғбон ўз зиммасига олди, иш енгиллашди...

Бу оқшом қаҳрамони — баланд қомат, аммо бирмунча вазмин, доим ўйчан юра-диган Неъмат Ризаев ҳам ўзгача кайфият-да уйга қайтарди. «Чолларга, соҳибкор боғбонларга учини чиқарсам бас,— дея шивирлади у.— Ҳаммаси жам бўлишади, ҳатто ўз ишларини ҳам йиғиштириб, бу ишга кўмаклашадики. Чинакам боғбонга бўйруқ берма, лекин қўнглини топ — шун-да кўрасан уларнинг мўъжизасини...»

Ҳақиқатан ҳам тез орада Кенагас қи-лоқда «мўъжиза» бошланди. Колхоз қи-лоғини ободонлаштириш — сувга сероб қилиш учун кексалар оёққа қалқиди. Қа-

Аваллига Ульяновлар oilаси Алакаевка қишлоғи яқинидаги хуторда истиномат қилиб, сўнг шаҳарга кўчиб келишган. Самарга кў-чиб боришгач, Владимир Ильич бир ярим йил ичида тўрт йиллик дорилфунун курсини тайёрлаб, Петербург дорилфунунига битириш имтиҳонини топширган экан.

Айниқса, Ульяновски (Симбирски) шаҳрида бўлишимиз бизда унутилмас таассурот қол-дирди. Володянинг болалиги ва ўсмирлиги кечган шаҳарда қизинқарли ҳиқояларни тинг-ладик. Хотираларимизни бирма-бир айтиб берсан, бир нитоб бўлгулик, Ленин биз бўл-ган жойларни зиёрат қилган ҳар бир киши ҳам шубҳасиз зўр шавқ-завқу бой таассурот билан қайтади.

Хуллас, Ульяновски ёни Қозондами, Москва ёни Ленинградда бўлмайлик, доҳий Ленин-нинг табарруқ хотирасини меҳр-муҳаббат билан ёдга олдин. Қадамжоларда бўлиб, буюқ доҳий ҳақида ўнлаб ҳиқоялар эшитдин. Ҳеч муболагасиз Ленин улкан виждон ва даҳо толиби, намтарлик ва гамхўрликнинг намунаси эканига яна бир бор ишонч номил қилдин.

ландар ота билан Бойқобил бобо, Омон ота билан Раҳмат амаки — хуллас, ўттиз-дан ошқ «фароғатдаги» кишилар енг шимариб, қўлга кетмон, белкурак тутишиб, Неъмат ака ҳузурига келишди.


* * *

Бу воқеадан кейин орадан бир йил ўт-ди. Ҳаёт уммонида тинимсиз сузиб келаёт-ган умр кемаси навбатдаги манзилга лан-гар ташлади. Бу манзил ҳар ким учун ҳар хил. Эндигина туғилганлар бу ман-зилни энди кўришяпти, кўплар эса, мун-дай манзилларнинг неча-нечасини кўриш-ган, ҳар қайси манзилда ўз изларини қол-диришган. Ҳозиргина лангар ташланган манзилда бизга таниш бўлган ажойиб ин-сон, «тиниб-тиничман» Неъмат Ризаев ҳам бор. Унинг учун бу манзил анча сал-моқдор, ҳисоб-китоб қиладиган — олти-шинч манзилдир.

Қаранг-а, биргина йилда шунчалик кат-та ишлар қилчибди. Бошқа йиллар, бош-қа манзиллар нима ҳақда сўйларкин? Ус-пирилик йилларидаги оловликларни, колхоз тузумини мустаҳкамлаш учун ку-рашларини; муаллимлик, агрономлик ёки ранслигида амалга ошган ишларини... Қайси бирини гапирсин бу йиллар? Еки бўлмаса, қишлоқни бош режа асосида қай-та тиклаш, янги-янги маданий бинолар қу-риш, тоқчиллик ва мевачиликда республи-када биринчи бўлиб механизацияни жо-рий қилиш, тоқларни темир-бетон симба-ғазларига олиш, Самарқанд вилоятининг ҳамма районларига, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг колхозларига мевали қўчатлар етказиб бериш ҳақида тўлиб-тошиб гапирсинми бу йиллар?

«Йўқ, қарилликка бар тугилмайди,— дея Ризаев узоқларга тикилганча яна хи-тоб қилди.— Ҳали қиладиган ишлар жуда кўп экан. Ахир, қани ҳали ажойиб кишишларимиз, доривор шиниларимиз, ҳали ечилганим муаммолар-чи?...»

Умр кемаси эса, эндигина олтишинчи манзилга лангар ташлади. Нима бўлиб-ди олтиминч? Майли, бу кема жадаллик билан сузаверсин, манзиллар ошаверсин, ўз изини қолдираверсин...



Ширмонбулоқ шеърлари

Бир гуруҳ дўстларим билан Андижон областининг Ширмонбулоқ қишлоғига борган эдим. Ушбу мисралар ўша сафар таъсирида битилган.

МУАЛЛИФ.

Йўллар

Йўллар олс,
Йўллар бепоев,
Уфқни уфққа боғлайди
Йўллар.
Йўл юрган — дарёдир,
бу ҳақ бегумон,

Йўллар
одамларни одамга йўллар!
Йўлларда одами топади одам...
Мен ҳам дўст орттирдим йўл юрган чоғим.
Юртимда
қайгаки қўймадим қадам,
Очиқ кучоқларга очдим кучоғим.
Шундай...
Одам бўлса йўлларда ташна,
Даво излаб қолар қаттиқ чанқоққа.
Йўл усти,
қайнайди бир зилол чашма;
Қўниб ўтинг, Ширмонбулоққа!

Ширмонбулоқ

Тоғ этаги,
Сув оқади бир анҳор.
Тоғ этаги,
Сув зарраси сочилар.
Тоғ этаги,
Гулга макон, гул баҳор,
Тоғ этаги,
Боқиб баҳринг очилар.
Тоғ этаги,
Ширмонбулоқ қайнайди,
Зилол сувга ташна қалблар шундадир.
Сувга боқиб-боқиб кўзлар яйрайди,
Шоир қалбин шеър ёзишга ундайдир.
Тоғ этаги,
Пахтазордан чиқарлар,
Пахтакорлар чанқоғини босар у.
Ширмонбулоқ элни ўзига чорлар,
Эл қувончи,
эл бахтига у кўзгу.
Тоғ этаги,
Ширмонбулоқ,
булоғим,
Юртим меҳри,
Юрта меҳрим қайнайди.
Сенинг билан гулга гулар гулбоғим.
Сенга боқиб,
дилим сендек яйрайди.

Ўртада тоғ

Қуёш чиқди.
Олтин нурлари
Тоғ бағрига келиб урилди.
Сачраб кетди ҳатто кўккача
Зарралари сочилди ҳар ён.
Бу томон нур,
У томон салқин,
Ўртада тоғ шўълани тўсган.
Қўзгади-ю қуёшнинг рашки,
Кўтарилди,
Ана кўтарилди,
Зиё тоққа ёйилди!
Кўтарилди,
Нур тоғдан тошди.
Кўтарилди,
Тоғдан юмалаб,
Водийларга ёйилди зиё.

Назир-раис

— Назир-раис келади ҳозир,
Салом айти,
Ўз сўради,
Тиними йўқ
қишдами,
ёздир,
Эл ичида юради.
Кабинети — уруғ макони,
Тоғу тошда ўстирди дарахт.
Ҳар нав ниҳол Назирнинг жони,
Ҳар дарахтда, — дейди у, — бор бахт!
Чилустунинг қоқ бошига у
Чамандагул дўппи кийгазди.
Элни йиғди,
Тоққа оқди сув!
Тошни ўйди,
Ҳовонча қазди.

Машинада тош гашиб тоғдан,
Ҳамқишлоққа тошдан қурди уй.
Обод қилди тоғни тупроқдан,
Ҳовончада ниҳол чўзди бўй!
Неча юздир дарахт хиллари,
Олам билан алоқаси бор.
Барқ уради боғда гуллари,
Бутун қишлоқ — каттақон гулзор!
Ширмонбулоқ бўйида ҳам у
Тиклаб қўйди жинжима шийпон.
Шинда жимир-жимир қилар сув,
Шийпон акси сувда намоев.
Ҳар ишида унинг
бор режа,
Пахтаси ҳам ётар барқ уриб.
У Киевдан қайтди кун-кеча
Боғбон дўстлар ишини кўриб.
Сув чиқарди еринг остидан.
Меҳрин кимё қилди тупроққа.
Тош қолмади унинг дастидан,
Файз киритди Ширмонбулоққа!
Ишлари кўп,
Ишлари тигиз,
Доктор бўлиш кўни ҳам яқин.
Аллақанча иши бор тағин.
Ана ўзи...
Келмоқда эди
Оқсоқланиб бир ёнга аста.
— Салом, мени кечиринг... энди?..

Мен юзига боқдим ҳавасда.
Мўйлаби ҳам йўқ унинг — ўсиқ,
Ранс сифат эмас жуссаси.
Оддий,
Қотма,
Юзлари чўзиқ...
Тугар шунда ранс қиссаси.

Терак

Тоғ устида новча бир терак;
Ой ёнади унинг учида.
Тунда бир шам ёнади.
Тоғ устида новча бир терак
Ялтирайди қуёш нурида.
Тонгда пуф деб ўчрилган шам.
Тоғ устида новча бир терак.

Бодом

Тош ҳовонча —
одам кафтидай...
Шунда бодом ўсиб,
гуллабди.
Исинибди қуёш гафтида,
Субҳ шабнамда япроқ ҳўллабди.
Шоҳчалари тақмиш тақинчоқ,
Барг остида
терилган гуж-гуж.
Ўзиб олиб,
тишда чаққан чоқ,
Деймиз:
— Мағиз тўқми ва ё пуч?
Тўқ чиқади.
Ҳамма мағиз тўқ,
Ранс дейди:
— Меҳнат кетмас пуч!
Эгилмаган бодом шохи йўқ,
Ҳамма шохда меваси гуж-гуж!

Йилқичи чол

Тошдай қотма,
Илдиздай чайир
Қўнғир қўлин чўзди отахон.
— Меники, — дер, — шу тоғ, шунча ер,
Қишлоғим бор шундоқ каттақон.
Тоғ бошида туриб,
атрофга
Бургут янглин кўз тикади жим.
Тик боқади бошда офтобга —
Уни саман той дерми балким...
Атрофиди:
тоғ,
тош,
Йилқилар,
Капа тикиб ётар ёз бўйи.
Йиллар..
Бунда тоғ-тош йилқилар..
Чол йилқилмас,
бир йилгит қўйи,
От чоптирсам,
олсам, — дер, — улоқ,

Отдан тушиш хайлида йўқ.
 Қўл бўлса,— дер,— йилқи ва ўтлоқ,
 Қўрада бор, демак, қорним тўқ!
 Сўзлашайлик десак кўнгиладан,
 — Ганим,— дейди,— қимиз — бир коса!
 Кела берсин ишлар ўнгидан.
 У узатди,
 Биз ичдик роса!
 — Ота, сўзланг, қалай ҳол-аҳвол?
 Умрингизни сўзланг бир бошдан...
 Отадан бир гап олиш маҳол,
 Осон садо чиқиши тошдан.
 Кулиб қўяр,
 Қисиқ кўзлари
 Юмилиб қолади,
 Ўйга толади.
 Ниҳоят отахон аста сўзлайди:
 — Биздан шу... йилқилар, йилқи қолади!
 Йилқи эмга завол, йўқот, деди,
 Биттаси,

кимлигини сўрамадим ҳам.
 Гўшт бўлсин,
 Йилқини гўштга сот, деди,
 Қўрқувдан ёрилай деди ўтакам.
 Колхоз йилқисини шу тоққа хайдаб
 Чиқиб кела бердим,

олмай ижозат.
 Ҳечким исқанжага олмади, қайдам,
 Устимдан бир ёққа ёзмади ҳам хат.
 Мана йилқиларни боқиб юрибман,
 Ҳеч ким мени нотинч қилмайди.

Мен чолга хайратда боқиб турибман,
 Йилқини асраб қолиб,
 ўзи билмайди!

Дехқон ва дехқон эмас

Атроф дала,
 Атроф бешоён,
 Ўртада турибди тикка тоғ.
 Гўё чапдаст, елкадор дехқон,
 Эғнида тўн,
 Белида белбоғ.
 Бодомхуса дўппи бошида,
 Гул мавжида югуради нур.
 Турганча юрти қошида,
 Меҳри тошиб, қилади ҳузур!
 Дехқон эмас,
 тоғ уша турган,
 Дехқон уни хўб ясантурган!

Шаршара

Тикка тоғдан қулаб тушса сув,
 Шаршара аталар,
 шаршара.
 Сув рақси,
 Оққушдан таралар нарқу!
 Чинидай жаранглар
 тош, дара!
 Энди
 бир дарё сув кўкка ўрласа,
 Булоқдан отилиб чиқса тик тоққа,
 Шаршара,
 Шаршара
 отилар роса,
 Дарёдек тошамиз қирғоққа!
 Бу инсон қудрати,
 Тоғни пастлатиб,
 Соини тоғлатишга етади қурби.
 Инсон табиятини ўзга мослади,
 Табиятни янгидан қурди!

Чўпон чироғи

Тунда кириб келдик қишлоққа,
 Нур чамани кўзин олгудак.
 Салом-алик.
 Сўнг чиқдик тоққа.
 Тун-ку,
 тоғда яйраймиз — гўдак!
 Юлдузлар чарақлар — чўққига туташ!

Чўпон чироғидек ўзига имлар!
 Гашт завқин сураман,
 хайқираман:

— Гашт!
 Дўстимдан сўрайман:
 — Ҳов атта кимлар?
 Атрофга тикилар,
 Тикилар хайрон
 — Қайни сўзланг, қайи боқиб чўққига?
 Боладай яйрайман,
 Тилларим бийрон,
 Тикилиб қоламан юлдуз чўғига!
 — Ҳов атта,— тўрига чўзаман қўлим.
 Дўстим тупшунолмай анқаяр тагин.
 Юлдузлар чамани қалбимда лим-лим,
 У эса
 сўрайди кўрсатиб тоғин!
 — Ҳов чўққи бошида ловуллар чироғ,
 Чўпон ўтовизни уша, қадрдон?
 — Уларми, бу ердан нақадар йироғ,
 Чўпонлар ўтмайди нари адирдан.
 — Дўстим,

ишонмадим,
 қайда йироғ у
 Липиллиб турибди қисиб кўзини.
 Юлдузлар,
 Юлдузлар — чўпон чироғи!
 Еритиб турибди юртим юзини!
 Тун.
 Атроф чарогон.
 Тоғ елкасида
 Беш жўра оламини кузатамиз хуш.
 Ким яйраб энтисмас ўз ўлкасида,
 Қайси қалб дарёдек урмас экан жўш?!

Ҳордиқ уйи — тоғ усти

— Пахтада ишлайман,
 долзарбда айни
 Раис, дам ол деб қувди шу ёққа.
 Ғўза шоналайди,
 Мен дам олайми,
 Қаровсиз,
 кун тугди ғумай, шувоққа!
 Бир қўл кучи,
 Ҳа деган туяга мадор,
 Боғда юраманми бир ҳафта ишсиз.
 Ғўзам сув ичарми,
 текис,
 бир қатор,

Е кунда куярми кишисиз?
 Раис хўп қизиқ-да.
 Ота-бувамиз
 Дам олиб ўрганган эмас, ҳар қалай.
 «Ким гапга кирмаса, элдан қувамиз»,
 Дейди.
 Оғиз очсам дея:
 — Мен қолай?
 Аста чопган,— дейди, етар олисга,
 Ғўза парвариши — умримиз иши!
 Рухсат йўқ ҳеч кимга қолишга,
 Ҳар бригададан борар бир киши!
 Қўндик
 Мана шахматни суриб,
 Ўтирибмиз даладан йироғ.
 Истасак ухлаймиз,
 Истасак туриб,
 Ўйнаймиз,
 Куламиз...
 Ўрмаймиз ўроқ.
 Дам олиш — ўтармиш иш ҳисобига,
 Эмиш меҳнат кўни ёзилар.
 Бу кунлар...
 Етамиз кун савобига
 Ушалсин,
 ушалар
 орзулар!

Барн яхши.
 Дам олиш фақат
 Колхозчининг ишимас экан.
 Бу боғда,
 даласиз бўламиз диққат,
 Гуллар ҳам ботади худди бир тикан!..
 Пахтамиз мўл бўлсин,
 шунинг истаймиз,
 Байрам бўлар чиндан очилса чаноқ.
 Шундоқ кўнгиля ёзим.
 Билмасин Раис,
 Яна «бошимизда чақмасин ёнгоқ».

Тоғда

Тоғ айланаб, сой оқиб ўтар,
 Сой айланар,
 Тоғдап боқамиз.
 Сокилиги тоғдан ҳам бадтар,
 Хаёл — бир сой.
 Биз жим оқамиз.
 — Юринг дўстлар дарё бўйига,
 Сокиликни тинглаб қайтамиз.
 Қулоқ тутиб майин куйига,
 Сой кўнглини англаб қайтамиз.
 Тушиб келдик.
 Хайқириб дарё,
 Тўлғанади санчиб қирғоққа...
 Қўлдан сокин кўринар дунё,
 Пастга тушинг ўзин кўрмоққа!

Беш оғайни қўшиғи

Беш оғайни от қўйиб,
 От бошин азот қўйиб,
 Учдик Ширмонбулоққа,
 Дўстга қўноққа!

Беш дўстга битга саман,
 Бўш қўйсанг гар учаман.
 Етдик Ширмонбулоққа,
 Дўстга қўноққа!

Ширмонбулоқ — ширин сув,
 Ташнамизни босди у!
 Тундик Ширмонбулоққа,
 Дўстга қўноққа!

Миниб «газик» устига,
 Ким иятилса дўстига,
 Келар Ширмонбулоққа,
 Дўстга қўноққа!

Дўст қўйни қайноқ экан,
 Сут ичсанг, қайноқ экан,
 Қолинг, Ширмонбулоққа,
 Дўстга қўноққа!

Сайил

Булоққа баробар қозонлар...
 Булоқдай қайнайди паловлар.
 Ўтиб қанча йилу қанча замонлар,
 Қишлоқда ёнмаган бунча оловлар.
 Оқиб келар дарё-дарё халқ,
 Боғ-денгиз нисоли олар қўйнига.
 Булоқдай тошди қувончидан қалб,
 Қалб тушар — шодликнинг шўх ўйинига.
 Қордек оппоқ ахтак,

кўкраклар очиқ,
 майда қадам...
 Чиройлари ер узра сочиқ,
 Атлас ловулайди қизлар келган дам.
 Унда тўп,
 Бунда тўп,

қизийди суҳбат,
 Салом чехраларда кулиб таралар.
 Аския даврани безайди,
 Қаҳқаҳа янграйди барала.
 Олисдан,
 Яқиндан

келган меҳмонлар.
 Колхоз боғи нақадар гавжум.
 ... Наҳридан тошмоқда уммонлар...
 Куй авжин эшитинг,
 Қаҳқаҳа авжин.
 Колхоз боғи,
 Роҳат боғи

бу!
 Ширмонбулоқ деб аталади.
 Бугун файзга тўлиб кетди у,
 Келган бунда юрт катталари.
 Бунда

йўғин бўлди шу кунин,
 Мажлис эмас,
 сайл,
 халқ сайли.
 Шунақа боғ бўлсин!
 Сайл мазмунин!
 Боққа боғланганди ҳамманинг майли!

ҲОРМАНГ, УСТОД!

Профессор Аҳро
р Тўлаганов
60 ёшга тўлди.



Аҳрор ТўЛАГАНОВ.

Фан ва маданиятимизнинг кекса арбоби, таълиқи олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, профессор Аҳрор Тўлаганов 60 ёшга тўлди.

Олим тадқиқ қилаётган фаннинг соҳаси фитогельминтология — ўсимликларга текинхўрлик қилувчи ва қишлоқ хўжалигига катта зиён келтирувчи чувалчанлар (нематодлар)ни ўрганади. Олим ва у бошчилик қилаётган фитогельминтология фани масалалари билан шугулланувчи тажрибахона кўз илғамас зараркундаларнинг турини, кўпайишини ва унга қарши кураш устида иш олиб бормоқда. У 1922 йилда ибтидоий мактабни тугатиб, Ўзбекистон маориф институтига кириб ўқий бошлаган. Кейинчалик Гафур Ғулوم директорлик қилган боқимсиз болалар уйида муаллим ва мураббий бўлиб ишлаган.

Аҳрор Тўлагановнинг ўсиб қамолотга етуви ва илмий-мураббийлик фаолияти Самарқанд Давлат дорилфунуни билан узвий боғланган. 1930 йилда дорилфунунни муваффақиятли тамомлагач, зоология кафедрасига ассистентлик вазифасида қолди. Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Коммунистик дорилфунунинида биологичдан дарс беради. 1936 йилга келиб, дорилфунунининг зоология кафедрасида доцент, сўنгра кафедра мудири вазифасида ишлаб бошлайди.

Улуғ Ватан уруши даврининг барча қийинчиликларига қарамай, Аҳрор Тўлаганов ўзининг халқ хўжалиги учун жуда муҳим бўлган илмий-тадқиқот ишларини давом эттирди. У партия ва ҳукуматимизнинг хавфли зараркундаларга қарши кураш бўйича муҳим топшириқларини бажарди. 1941 йилда олим Урта Осий Давлат дорилфунунинида ишга таъин қилинди. 1958 йилгача унвортқасизлар зоологияси кафедрасининг мудири бўлиб ишлади.

Аҳрор Тўлаганов қишлоқ хўжалик экинларининг турли зараркундалар ҳаширатларини ва тарқалиши сабабларини ҳамда унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш учун кўп меҳнат сарф қилди. У фанга номаълум бўлган 15 чувалчан турини аниқлаб берди.

Аҳрор Тўлаганов 1958—1963 йилларда Са-

марқанд Давлат дорилфунунининг ректори бўлиб ишлади. Дорилфунунинида илм-фанни ривожлантириш ва ёш мутахассисларни тарбиялаш ишига жон куйдириди. 1963 йили уни яна Тошкент Давлат дорилфунунинида ишга қақиршиди. Ҳозиргача бу дароҳда зоология кафедрасининг мудири ва фитогельминтология тажрибахонасининг бошлиги вазифасида ишлаб келмоқда.

Ҳўрматли мураббийни Урта Осийда фитогельминтология фанининг отаси, деб атаيمиз. Дарҳақиқат, 38 йил давомида бу фаннинг ривожланиши учун у бутун куч-гайратини ва истеъдодини сарфламоқда. У Иттифоқимизда биринчи бўлиб, фитогельминтология тажрибахонасини ташкил этди. Устоз мураббий дастидан қанчадан-қанча ёшлар тарбия олди, оталарча маслаҳатидан неча юзлаб кишилар баҳраманд бўлди. Унинг паноҳида 16 фанлар номзоди таъин қўрди.

Олимнинг фитогельминтологияга доир 60 дан ортиқ илмий асарлари босилиб чиққан. Устознинг шўхрати фақат Ватанимиздагина эмас, чет элларда ҳам маълум. У ўзининг тажрибасини Венгрия, Германия Демократик Республикаси, АҚШ, Янги Зеландия, Канада, Франция ва бошқа мамлакатларнинг олимлари билан ўртоқлашиб туради.

Партия ва ҳукуматимиз олимнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги хизматларини муносиб тақдирлади. Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳўрмат Белгиси» орденлари ва бир неча Фахрий ёрликлар билан мукофотлади.

Отаҳор фан арбоби Аҳрор Тўлаганов ўзининг 60 йиллик тўйини самарали меҳнати билан кўтиб олмоқда. Мўхтарам отахон олимизни шоеирлари, талабалари, самимий қўлайдилар, ижодий фаолиятларида янги зафарлар тилайдилар.

Очиқ МАВЛОНОВ,

биология фанлари номзоди, Тошкент Давлат дорилфунунининг катта ўқитувчиси.

КИМДИР уйга тасир-тусир бостириб кирди: «Дадаг келди!» деб қичқирди. Саираб турдим. Рўпарамда хотиним. Чеҳрасида таажуб-ҳайрат.

— Нима дединг?

— Кўчада турибди,— деди у овози қалтираб,— отанг!

— Отанг!— товушим борича бақириб юбордим.— Отанг келдими? Ростданим? Тиринг эканми?!

Елкамга костюминини ташлашни ҳам унутиб, эшикка югурдим. Ленин...

Қандайдир номаълум куч йўлдан қайтариб, яна каравотга миҳлаб қўйди мени. Бошимни икки кўллаб ушлаганча қолдим. «Епирай! Мен уни қандай кўраман? Йўқ...»

Йўқ-йўқ-йўқ!!!

Шунда ўлик хотиралар жонланиб кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлади: Кўнгиротбой қорасоқол деган ёш қўшнимиз бўларди. Унинг Жалғас деган ёлғиз ўғли бор эди. Йўқ ердаги баҳонани топиб, мен билан ёқалашгани ёқалашган эди.

Бир кунни яна ёқалашиб қолдим. Жалғас офтобда жингиртоб бўлиб ётган бир таёқ билан тўпинимга солди, кўзларимдан ўт чиқиб кетди. Мен эсам бир қўлим билан томоғини бугиб, бир қўлим билан бурнига икки марта туширдим. Жалғас отаси ўлгандай дод солиб юборди. Икки кўллаб бурнини босганича, уйлари томон югурди.

Илгарилари уришиб қолса, уйимиздагилар инкнализни яраштириб қўйишар эди.

Бироқ бу сафар ундай бўлмади: Уйга бориб утиргандим, эшик шитоб билан очилиб, Жалғаснинг онаси Ширингул кириб келди. Углининг билагидан ушлаб олган.

— Ма, итдай талаб ўларди! Нувонмагинга сўйдир боламини!— дея Жалғасни итариб юборди.

Онам:

— Ҳой, овсин,— деб оғиз очган эди, Ширингул сўз бермади:

— Кучим этади деб ураверасизларми? Болагинами тириклигў гўрга кўмсам қутуламанми сизлардан?!

Онам ҳам чидолмади шекилли: — Овсин, чинини айтганда, ўглиннинг ўзи-даям бор-да,— деди.

Ширингул бирпас гезариб турди-да:

— Уялмайсан, уялмайсан!— деб шангилай кетди. Маҳмадоналик қилгунча, эрингни эплаб ол! Ҳар йили бир хотинга хуштор бўлиб юради. Сенда мия бўлса, анови Ақморолдан эрингни акратиб оллардинг!

Ширингул, гўё ойнага шу гапларини айтиш учунгина келгандай, шартта орқасига ўгирилиди чиқиб кетди.

Илон захридан ўткир бу сўзлар юрагимга ўқдай санчилиди. Онамнинг юзига зехн солдим, у бўздай оқариб ўтирибди. Жоним жуда ачиб кетди.

— Ойикон...

— Нима дейман, қароғим?— дея қадоқ кўллари билан бошимни силади.— Ҳали ёшсан. Кейин тушунасан...

Яқшанбадан бери сувга чўккандай дом-дарансиз кетган отам олти кун деганда қорасини кўрсатди. Худди айби йўқ одамдай ўзини гоз тутиб, уйга кириб келди.

— Соғ-омон ўтирибсизларми?

Онам ўчоқ олдида ип йиғириб ўтирган эди. Кўзлари сансувал чўғидай бир ўлб этди, отамга боқди. Дадам парвойи фалак, бароқ қошларини чимирганча, хомага кўз югуртирди. Кейин бақирди:

Хўжабек

СЕНТОВ.

Чўпон қиз

— Нега индамайсанлар, ё танималсанларми?!

Онам яна жавоб бермади. Дадам тўсатдан кетига тисарилди. Қарасам онам ўрнидан даст туриб, дадамга нафрат ва алам билан тинилиб турибди. Елкасидан рўмоли ҳам тўшиб кетди. Босиқлик билан астагина:

— Шу вақтгача қаерда юрдинг?— деди даг-даг титраб.

— Мехмонда,— деди у салмоқлаб,— бунинг нима кераги бор сенга?

— Керак!

— Сабаб?

— Сабабини ўзинг билмайсанми?!

Онам, азбаройи қони қайнаганидан, столни қарсиллатиб урди. Улкан чоёнан, отдан йиқилган чавандоздай, учиб тўшди. Дадам турган ерида қотиб қолди. Кейин ҳолсизланиб ўтирди. Киссасидан папирос олиб чекди. «Ҳа-а» деб қўйди хўрсиниб.

«Эҳтимол, дадамнинг айби йўқдир,— деб хаёл сураман ўзимча.— балки бу овулимиздаги айрим гийбатчи хотинларнинг миш-мишидир...»

— Кечир, Гулжамол,— деди онамга дардли ўғирлиб,— одамгарчиликка кирмайдиган уят иш қилиб қўйдим. Чин сўзим шу. Кечир мени...

Онам фарёд аралаш даҳшат билан ўшқирди: — Адо бўлгур, веномус! Бировнинг қўйнида ётиб келиб, тагин менга кечир, дейсан-а?! Сендай саёқ харомининг менга нима кераги бор?!

Дадам миқ этмади. Эгилган бошни қилич кесмайди қабиллида, ун чинармай ўтираверди. — Чиқ уйдан!— деди онам қўли билан эшикни кўрсатиб.— Чиқ! Кет, нет, кўзимга кўринма, юзи қора!!

Дадам ялт этиб қаради-ю, бақириб берди: — Менга осон деб ўйлаётсанми, а, менга осон деб ўйлаётсанми?!

Сўнг гандирақлаб ўрнидан турди. Қўтирган нор туядай кўзлари ёниб, онамга яқинлашиб келди. Идиш-товоқ турган курсию бир тепиб, онамга рўпара бўлди.

— Барбир мен сен билан турмайман, йўлинг очил!— деди онам.

— Шу сўзингдан қайтмайсанми?

— Қайтмайман. Кет!

— Хўн!— у бошидан тушаёзган шапкасини тўрилади, нейин болни тарақлатиб эшикка юзланди.

Даҳлиз эшиги жаҳл билан очилиб, яна қаттиқ ёпилди. Секин-аста оёқ товуши тинди.

— Дадам энди қайтиб келмайдами?— сўрадим.

— Ҳа,— деди онам,— энди қайтиб келмайди.

Тап этиб ўтириб қолдим. Ақлу ҳушим ўзимга қайтганда:

— Дада-а-а!!— деб бақирганча уйдан отилиб чиқдим. Ҳеч кимдан нидо чиқмади. Мен дарё соҳилига қараб югурдим.

Кўзни қора булут босган экан. Пайқамабман. Юзларинга мунчоқ-мунчоқ совуқ томчиқлар уриланетди. Оёқ остим бир дамда сирпанчиқ дум-думалоқ дўл билан тўлди.

— Дада-а-а!!

Шумшайиб уйга қайтдим. Шалаббо кийим-бошини даҳлизда сиқиб олдим-да, мехмонхонага кирдим. Онам йиғлаб ўтирибди. Мени пайқамади.

— Ойи, дадам йўқ...— дедим зўрга. У мени бағрига босди. Юзимдан ўпдио, челақ кўтариб сувга кетди.

Меҳнат кўнгли ярасига малҳам, дил қай-

Кенгес Смакутов

Фарзанд Юраги

Қорақалпоқ адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги ўн кунлиги

гусига ҳамдам экан. Онам ўчини ишдан ола бошлади. Саҳар туриб, далага кетади. Келиб, рўзгорга қарайди. Гоҳо мени тиззасига ўтказиб эркалаган бўлади...

Шум хабар тез тарқалади, дейдилар. Уч-тўрт кун ўтиб, дадамнинг бизни ташлаб кетгани овулнинг ҳамма ёғига ёйилди. Фаросатли қўни-қўшиларибиз бизга кўнгли билдирган бўлишди: «Кўчдадаги бир қалангини деб, гулдай боласи билан ойдай хотинидан безган эркак баранга топмайди, бир кунни ўз бошини еяди». Лекин беш бармоқ баравар эмас. «Гулжамол яхши бўлса, эри ўт тўла ўчоғини ташлаб нетармиди?» деганлар ҳам бўлди.

Бир кунни эрталаб уйимизга посёлка Советининг раиси Зулфиқор ога келди. Учоққа ўт ташлаб, ўтирган ойимга қараб:

— Номусингни оёқ ости қилган ярамасдан ўч олмай, қандай чидаб юрибсан?— деди.— Мен у номусини эсидан чиқмас қилиб жазо-латаман. Кўлттига кирадиган мана бу болани тарбиялаш ўрнига суюқлик қилиб ўтирса... — Мен у билан судалаш ўтирмайман,— деди онам,— у шарманданинг башарасини иккинчи бор кўришга тоқатим йўқ.

Ленин онам бир кун бетобланиб қолди. — Айтқонини қақриб кел, Айтқонини,— деди инграбди. Айтқон— дадам!.

Мен дадам яшаётган уйни суриштириб олиб, отга миндим. Тушга яқин усти кўн тунуна билан ёпилган уй ёнига келиб отдан тушдим.

Ичкарига кирдим:

— Дада!— деб бақирдим.

Хона тўрида катта тошойнага биқинлаб ўтириб сочини тараётган ёшгина аёлга кўзим тушди. Бақбақали, оппоқ бу жувон менга парво қилмади.

— Дадам қаерда? Шу ерда турадимми?— деб ёнига бордим. Шундагина у елкасига рўмолини ташлаб, сузилиб ўрнидан кўзгалди.

— Кел, яқинроқ кел-чи,— деди у нулиб.— Кел, ахир мен ҳам ойингман-ку! Дадангга келдингми?

— Ҳа, у қайда?

— Дадангни яхши кўрасанми?

— Ҳа, яхши кўраман!— дедим.

— Мени-чи?

— Йўқ! Сизни ёмон кўраман!

Авлинги киприклари пилриради. Мендан газабланди шекилли, шартта теснари ўғирил-

ди. Рўпарадаги уйдан дадам чиқиб келди. Уша-ўша... Мени кўрдию:

— Аскар!— деб юғуриб келиб кучоқлаб олди. Мен бўйинга ёпишдим.

— Юринг, дада, кетайлик!— дедим овозим қалтираб.— Ўзимизнинг уйга кетайлик! Ойим каттиқ бетоб. Мени сизга юборди. Юринг, дада!.. Ўзимизнингга кетамиз...

У мени кучоқлаганча кўзлари ёниб:

— Юр, нетдик!— деди.

Қозиндаги ёмғирпўшини олишга ўғирилган эди, аёл чайқалиб дадамга яқинлашди. Оппоқ, момқидай билаларини дадамнинг бўйинга солиб, нозланди:

— Мениям ола нет... Сени соғиниб қоламан ахир...

Дадам аста-секин мени бағридан бўшатди. Аёл унинг бўйинга илондай чирмашиб олди, чўпиллатиб ўна бошлади...

Мен бўзлаб кўчага отилдим. Отга сақраб миндим, овулимизга қараб ҳайдадим. Бирим айланади. Еру омон бир бўлиб қўшилиб кетатгандай. Бетимга аччиқ шамол урилади. Кўзларимдан тинимсиз ёш оқади.

Дадамни тамом эсдан чиқардим. Ойимнинг ҳам кўнгли совиди, лекин унинг кўз ёшлари фақат қаёрда тинди...

Мана, мантабини тугатиб, етуклик шаҳодатномаси олганимда ҳам, қурилиш билми юртига кирганимда ҳам ёнимда дадам бўлмади. Уйланганимда ҳам, унинг юзини кўрамадим.

Отанг касалмиш, деб эшитардим. Нозанин ташлаб кетганимиш... Мана, ҳозир у менинг эшигимда турибди. У фарзандининг уйига кирришга ботинолмай, кўчада изн сўраб турибди.

Чиндим, кўримсизгина бир одам шошиб:

— Болам! Уелим, ўғилганим!!!— дея менга талпинди. Аёзон баданимдан дармон аригандай лол, қарақт туриб қолдим. У эса:

— Оҳ, бўйингдан, менинг фарзандганим!— дея жон-жаҳди билан кучоқлади. Шунда кўзларимдан беихтиёр ёш қўйилиб кетди. Кўзига юзимни босиб, ёш боладай хўнграб йиғлаб юбордим. Сўнг... сўнг оғзимдан шу сўзлар чиқиб кетди:

— Кет!, Кет, дада!..

Қорақалпоқчадан Саъдулла
СИБЕВ таржимаси.

Ироқда азм тоғлар,
Қори турар ялтираб.
Мовий кўзли булоқлар
Отिलाди шарқираб.

Тўлқинлар аста-аста
Тоғ тошини емираб.
Тоғларнинг орасида
Бўтакўз қош чимираб.

Ютиб тоғлар ҳавосин
Бу қиз меҳри қонгандай.

Юзида кун зиёси,
Кўзида ўт ёнгандай.

Чайқатди-да мешини,
Қимиз қўйди менга қиз.
Шеригим дер:
— Айт, чинин,
Қиз ёқдимми ё қимиз?

Бу ҳазилдан уялиб,
Ерга боқди у нигор.
Қимиз ҳиди таралиб,
Кўнглилар бўлди баҳор,

Шеригим қиз таърифин
Қилаверди тўхтамай:
— Узинг битта қарагин,
Бўладими мақтамай?

Чидолмасдан қиз охир
Ўрнидан турди шартта.
Кетди ошиб қирма-қир,
Биз қолдик хижолатда.

Қиз қўлидан яна бир
Ичмоқчи эдим қимиз.
Кезиб сахро ва адир
Юрсақ дердим иккимиз...

Товус каби говланиб,
Энди боқар узоқдан.
Юрагим оловланиб,
Мен қарайман бу ёқдан.

Ёшлгимда қани, о,
Кўрган бўлсайдинг жонон,
Орқангдан қолмай асло,
Югурар эдим қаққон.

Қорақалпоқ тилидан
Юсуф ШОМАНСУР
таржимаси.

Таштентнинг гавжум Алишер Навоий кўчасини билмайдиганлар кам. Бу кўрама, кенг кўчада анча-мунча йирик маданий муассасалар жойлашган: Санъат саройи, Ҳамза номидаги академик театр, «Пахтазор» стадиони, ойина жаҳон маскани... Бу саноқлар қаторига яна бир улкан зияратгоҳ — адабиётимиз, маданиятимиз кўзгуси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи қўшилгани кўп яхши иш бўлади.

Музей атрофи Алишер Навоийнинг 525 йиллиги арафасида таъмомила янги қиёфага кирди. Муҳташам бинога яқинлашганда даст-ававал улуг шоирнинг ўлмас сиймоси намён бўлади. «Шеърят бўстони»дан ўтиб борар экансиз, гўё улуг Навоий Сизни тазъим билан кутиб олаётгандай бўлади. Ундан ёвронда атоқли шоир-ёзувчиларимиз ҳайкали саф тортган. Пештоқида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турган бино девориде етти тилдаги «Хуш нелибсиз» деган ёзуви ҳаяжонланиб ўқир экансиз, Навоийнинг хийбон тўридаги шу байтини эслайсиз.

Хушдур ул боғ, коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Адабиёт музейига қадам қўйишдан олдин узримни айтмоқчиман. Музейнинг ўзбек маданияти ва адабиёти тарихий йўлини кўрсатувчи етмишдан ортти хоналари бўлиб, булардан ўн биттаси улуг Алишер Навоийга бағишланган. Камина музейнинг ундан бир хонасинигина айланиб кўришга улғирдим. Ушбу лавҳада ўша кўрганларимни ҳикоя қилмоқчи бўлдим.

Алишер Навоий адабиётимизнинг, она тилимизнинг бобо калони. Унинг сўз санъатига, буюк шижоатига қойил қолмаган улуг зотлар кам. Бунин турли даврлардаги хатотлар зўр эҳтиром билан кўчирган, расомлар наъш ва расмлар билан зийнатлаган, неча асрдан бери жаҳондаги йирик музей, кутубхоналарда сақланиб келинаётган асарлари тасдиқлаб турибди. Навоий на фақат шоир, у — донишманд, давлат арбоби, адабиётшунос, расом, қомусил аълам зотдир.

Адабиётда Навоий ўз мактабини яратган. Бу адабий мактабда Фузулий, Бобир, Нодира, Муңимий, Фурнат, Ҳамид Олимжон, Гафур Гулом, Ойбек наби шоирлар етишиб чиқди. Нишини хурсанд қиладиган ҳол шуки, музейнинг Навоийга бағишланган хоналари ниҳоятда гўзал, ўткир дид билан безатилган. Мўғуллар истибодини тутгани, ерлари Тянь-Шандан Бос-форгача, Узоқ шимолдан Ҳинд океанигача чўзилган буюк империя тузган, бутун дунёни титратган Амир Темури сулоласига аталган хона ҳам, буюк мунанжиким Мирзо Улугбек ҳаёти, машғулот тасвирланган хужра ҳам, Амир Алишер Навоий лирикаси тасвирланган хона ҳам маҳорат билан дастилган. Буларни бирма-бир таърифлашга имконимиз йўқ ҳисоб. Чунки бизни Алишер хоналари кутмоқда...

Мана, Навоий билан Жомий сиймолари рўпарасидамиз. Ёзув лавҳалари: «Навоий Жомий ҳақида:

Ул сафо аҳли пок фар жомий,
Пок фар жомий пок фар Жомий,
Ул фано сори дастгир манга,
Муршиду устоду пир манга.

Жомий дейди Навоий ҳақида:

Туркий тилда бир аюбийб
наш пайдо бўлдимки,
У муҳирлаб қўйди лабини
сўзда ўткир бўлса ким.
Ҳайратомуз ёзди чарх олдию
тарих дафтарин,
Янги наъш ижодисиз олтин
қаламга офарин».

Буюк сиймоларга нигоҳ ташлайман. Навоий малларанг зарбоф чопонда, бошида оқ салла ва кирмизиранг бош кийимда. Қўлида қизил жилди девон ушлаган холда, даст-ававал улуг шоирнинг ўлмас сиймоси намён бўлади. Ундан ёвронда атоқли шоир-ёзувчиларимиз ҳайкали саф тортган. Пештоқида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турган бино девориде етти тилдаги «Хуш нелибсиз» деган ёзуви ҳаяжонланиб ўқир экансиз, Навоийнинг хийбон тўридаги шу байтини эслайсиз.

Музейнинг Навоий достонлари

Йирик достондан иборат бу асар эллик бир минг икки юз ўттиз миқрадан иборат бўлиб, бадний ижоднинг энг йирик маҳсули ҳисобланади.

... Мана бу хонани Навоий ва фуқаролар хонаси деб номлаш мумкин. Кичкина, ним қоронги хона. Супагача нақшдор хонтахта ва курсилар қўйилган. Шийлон шифтидаги хари, вассаҷуфтлар ҳам гулдор қилиб ишланган. Бу — кўчонлик халқ усталарининг улуг Навоий тўйига тўёнаси.

Шу хона девориде Алишер Навоий чизган «Занжирбанд шер» сурати ослган. Бу расмининг асл нусхаси Дублин шаҳрида сақланади.

Навбатдаги катта хона тўрида аюбийб манзара тасвир этилган.

Ҳазрати Навоий ҳузуриде

РЕПОРТАЖ

Бекмирза МАҲМУДОВ,
«Гулистон» муҳбири

хонаси — энг мазмундор, кўрғаз-маларга бой хонага кирилган заҳоти Навоий бюсти киши эътиборини ўзига тартади. Н. Крымская яратган бу асар кенг хонага салобат бағишлаб турибди. Хона тўрида Бухоро зардушлари тайёрлаган сўзана. Муассар, Матлуба, Мақсума, Муслима, Раҳима, Тамара исми чевар қизлар меҳр кўрини, кўз нуруни, ўткир дидини кўшиб тиккан бу заргилам уртасида улуг шоир сиймоси. Атрофиде эса олтин, нумуш, қирмизи ва ҳаворанг зарларда тинилган расмлар: от чоптириб борётган Баҳромгур, чаканакзорда ёвҳиши ҳайвонлар қуршовида турган Лайли ва Малжун, урушга борётган икки отлиқ сарбоз тасвири туширилган...

Урта саҳда Навоийнинг шоҳ асари «Ҳамса»нинг турли давр хатотлари кўчирган ҳамда сунги йилларда чоп этилган жилдлари қўйилган.

Навоий қирқ икки ёшида икки йил давомиде туркий халқлар адабиётининг муаззам шоҳ асари бўлган «Ҳамса»ни яратган. Бешта

Фуқаро солиқ — ўлпонга қарши қўзғолган. Халқни тинчитгани Навоий неляпти. Халқ уни ҳурмат, ишонч ва умид билан қарши оляпти... Алишер Навоий ҳамisha халқ манфаатини ўйлагани, деҳқонлар, носибларнинг турмушини енгилятиш учун ўз ғайратини, ҳимматини, мол-мулкни аямагани тарихдан маълум.

Хусайн Бойқор Мозондарон вилоятга қилган сафари вақтида Хиротга Амир Валибек исмига фармон йўллаб, пойтхат аҳолиси ва атроф қишлоқлардаги деҳқонлардан юз минг танга тўплашини буюрарди, шунда Навоий бу бемаврур солиқни халқдан ундиришга рози бўлмайди. Талаб қилинган маблағни ўз ёнидан бериб юборади.

Хонанинг иккинчи томонидаги лавҳада улуг шоирнинг қурилишга келган пайти ақс эттирилган. Бинокорлар Навоийни зўр мамуният билан кутиб оляптилар. Бу расмининг ҳам тарихи бор:

Хиротнинг шимол тарафидан шоир ер олган. У ерга қурдирган «Ихлосия», «Шифония», «Унсия» деб

номланган бинолар меъморлиқ санъатининг энг гўзал намуналари бўлган. Бу мадраса, шифохона, кутубхонадан ташқари Навоий мамлакатда 300 га яқин турли жамоат бинолари қурдирган. Йўлларни тузаттирган, кўприклар содирган, қўлларда роботлар тиллаган.

Яна бир расм кишини тўқинландириди. Бунда расом Маҳмуд Музаҳҳиб олтиш ёшли Навоийни гавдалантирган: мункайиб қолган Мир Алишер ҳассага сунйиб турибди... Маҳмуд Музаҳҳибнинг қўли билан чизилган бу расмининг асл нусхаси ҳозир Истамбулдаги «Гулистон» музейида сақланмоқда.

Яна бир хонага ўтамиз. Деворда дунё харитаси ослган. Унинг кўр. саткич чизиқлари Европа, Осиё, Америка қитъаларига ча етиб борган. Бу Навоийнинг ноёб қўлёзмалари сақланадиган маърифат ўчоқлари.

Биринчи чизиқ — Париждаги француз музейи кутубхонаси: 1526—27 йилларда кўчирилган Навоий асарларининг тўлиқ куллиёти шу ерда сақланяпти. Уша куллиётдан олинган фото кўчирманинг бир саҳифа лавҳаси музей деворига қўйилган. Унда Навоий асарларидан 33 тасининг номи келтирилган. Навоийшунос Ҳамид Сулаймон шу йилнинг ёзида Францияга борганида Париж кутубхонасининг бош директори жаноб Дин Рининг ижозати билан куллиёт фото кўчирмаси ва ми. ниатураларнинг рангли фотоплёнкаларини олиб келди.

Иккинчи чизиқ — Британия музейи: Абдул Жамил кўчирган Навоий асарлари антологияси, XV — XVI аср расомларининг наъш ва расмлари билан безатилган «Ан. барнома» қўлёзмаси, Темури ва бир қанча темурийларнинг сиймолари тасвирланган расмлар шу жойда сақланади.

Учинчи чизиқ — Оксфорд до. рилфунунининг Бодлеян кутубхонаси: шоирнинг шоҳ асари — машҳур «Ҳамса»нинг Бадкуззамон учун кўчирилган нодир нусхаси шу ерда сақланяпти.

Навоий қўлёзмалари Нью-Йорк метрополитен санъат музейи, Ватикан, Упсала, Берлин, Гамбург, Рим ва бошқа шаҳарлардаги кутубхоналарда ҳам сақланмоқда.

Филология фанлари доктори Ҳамид Сулаймон Европа сафаридан 43 қўлёзма, Навоий даврига мансуб бир прим минг рангли фото лавҳалар олиб қайтди. Шунинг ўзи ҳам Навоий ва унинг асарлари қанчалик оламшумуллигини кўрсатиб турибди.

Навоий ҳаётлик даврида унинг фақат форсий ва туркий тилларда китобхоналари бор эди. Бугунги кунда унинг Совет Иттифоқида ўн беш қардош тилда, шунингдек немис, инглиз, француз, япон, хинд тилларида ўқувчи миллионлаб китобхоналари бор. Бунинг рамизи сифатида шу кўрғазма хоналари де. ворига Навоий ҳикматлари йигирма бир хил тилда ёзилган.

Бобакалон шоиримиз, олимимиз Навоий ҳазратлари бизга жуда катта адабий мерос қолдирган. Унинг ғазаллари бугун муслиқда, халқ оғзиде янграмоқда. Унинг номи ҳалқимиз дилида чуқур илдиз отган. Бу ўлмас сиймо ўзи ор. зу қилган ниятига эришганига ҳаммаимиз гувоҳимиз. У орзуну қилган эдики:

Бу гулшан ичра йўндир бақо
гуллага сабот,
Ажаб саодат эрур қолса
яхшилани била от.

СЕВГИ ДАФТАРИ



Ўзингдан кўр

Агар шайдои ҳуснингман,
Буни, жоним, ўзингдан кўр,
Тикибман суҳбатингга жон,
Буни болдай сўзингдан кўр.

Умр осмонда дуч келган эрса
Юлдузим сенга,
Буни оҳанрабо янглиғ дурахшон
Юлдузингдан кўр.

Баҳори васлинг ичра гар жунуни
Сунбулинг бўлдим,
Паришон ҳолатим энди бу фасли
Наврўзингдан кўр.

Агар офтоби оламнинг забундир
Ҳоли кўк ичра,
Бу савдони кўшини ҳам қамаштирган
Юзингдан кўр.

Агар тунлар қароликда
Уятдан юз қаро бўлди,
Бунинг боисини, дилбар,
Қошингдан-қундузингдан кўр.

Назокат бирла кулсанг
Нур, меҳр ёққай жамолингдан,
Бу инсоний савдатин
Шарафли қундузингдан кўр.

Бўлибсан ағду одоб бобида
Танҳойи давроним,
Бу олий хислатинг маҳзини
Мендек мухлисингдан кўр.

Нечун?

Бунчалар маъюсу гамноксан,
Кўзингда нам нечун?
Кипригинг аяроқларинда
Бемаҳал шабнам нечун?

Ғунчадек нозик кўнгилда
Бунча оташ, бунча ўт,
Айни гул ёзган чоғингда,
Эй дилором, гам нечун?

Нега ўртандинг, хаёлот
Гирдибоди ичра ғарқ,
Бунчалик ёнишларингдан
Еммасин олам нечун?

Жисми зоринг чулғамни
Қандай синоат, қайси дард,
Бунчалар ёқчиллаурда
Куймасинишу шам, нечун?

Айтки, дилбар, иштиёқингда
Яшарму ишқ-вафо,
Ёди васлинг шўъласидан
Сўнмайин кам-кам нечун?

Сабзалар барқ урди оламни
Баҳористон этиб,
Қўксинг ичра мавжи кўклар
Этмагай кўклам нечун?

Огоҳ эт асрори кўнгли,
Мен давосин излайин,
Ушбу жонни жонларингга
Этмайин малҳам нечун?

Меъмор

Сингдириб сиркор нақша
санъату илҳомини,
Қурди у машҳур Самарқандда
нафис эҳромини.

Неча кўклам лол эди
пештоқининг гулзоридан,
Гумбази ҳайратга солди
осмонинг томини.

«Шоҳизинда» тожидек
феруза кошнлар ёнар,
Мот этарди бу назокат
буддаю исломини.

Қошида бир шиша урвоғи
Сқандар кўзгуси,
Бир сополдек кўрса бўлғай ёки
Жамшид жомини.

Зулфизар номли гўзалинг ишқиди
ёнди куйиб,
Тошга ўйди севгининг аччиқ,
аламли шомини.

Бағри қони, кўз нуридан тошга
жон этди ато,
Бахш этиб авлодларга иззату
икромини.

Кўрдию оқсоқ Жаҳонгир, ҳайратидан
қотди лол,
«Ким кетурмиш бу бинонинг бунчалиқ
андомини?!»

Тез тонинг, келсин саройга,
бу маҳоратлар учун
Майли, тақдир айлағумдир
истаган нийомини».

У, Бухоро ўғли эрди, шоҳ
лутфин истамай,
Ёзди «Зайниддин иши» деб тошга
камтар номини.

Бул кеча

Оппоқ-ойдин, нозли тун
Богимда машғул бул кеча,
Гулга изҳори кўнгли
Қилмоқда булбул бул кеча.

Кўкда юлдузлар навозиш
Бирла кўзни суздилар,
Ел билан ёйилди ҳарён
Атри сунбул бул кеча.

Сой шарақлаб, ханда айлар
Кўксига сигмай дили,
Во ажаб! Бунча назокат
Ҳам назоғул бул кеча.

Ўлтирибсан ёнгинамда,
Ер, хаёллар ичра банд,
Яшнатиб борлиқни, жоним,
Жилмайиб кул, бул кеча.

Нега ўйландинг, наҳот,
Кўнглингни ёзмайдир бу тун,
Меҳр бир кўрсатмасанг,
Ошиққа машғул бул кеча.

Истасанг борлиқни,
Пойингга пояндоз айлайин,
Бўлмасин мувоҳам хаёллар,
Фикри мажҳул бул кеча.

Кулди, айтди: — ишқ учун
Сўзлашми ёлғиз мудардо,
Ким, хаёл сурмоқ бўлибдир
Менга мақбул бул кеча.

Англадим пинҳони ўртанмоқ
Азобу лаззатин,
Ишқ аро зўр имтиҳондир
Менга, масъул бул кеча.

Ихчам тақриз

ТЕАТРИМИЗ ТАРИХИНИ ВАРАҚЛАГАНДА...

Яқинда «Фан» нашриёти ўз китобхоналарини яна бир илмий асар билан хушнуд этди. «Ўзбек театри тарихи» деб номланувчи бу тадқиқот театригнос олим М. Раҳмоновнинг ўзбек театр санъати тарихни ўраниши борасида олиб борган кўп йиллик заҳматлари мевасидир.

«Ўзбек театр тарихи»ни варақлаган китобхон шарқинчи қадимий ва миллий анъаналарга бой театрларидан ҳисобланган ўзбек театрининг қарийб икки юз йиллик тарихи, унинг халқимиз ҳаётида, жамиятда тугган ўрни, оғзаки драматургия ва артистлик санъатининг ўзига хос хусусиятлари ўзбек театрининг рус шағр театри санъати ва бошқа халқлар театр маданияти билан алоқалари, Октябрь инқилоби арафасида тугилган янги ўзбек миллий театри ҳамда драматургиясининг шаклланиши жараёнлари билан батафсил танишади.

Олим ўзбек театрининг икки асрлик тарихини икки қисмага бўлиб ўрғанади: XVIII асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр—биринчи қисм; XIX асрнинг иккинчи ярмидан Октябрь инқилобигача бўлган давр—иккинчи қисм.

Тадқиқотда ўзбек театрининг тарихи унинг йирик вакиллари ижоди, ўша даврнинг ижтимоий, сийсий, маданий ҳаёти, ўзбек демократик адабиётининг ривожланиши жараёни ўзбек классик музыкаси, рақ санъатининг ривожланиши тарихи билан боғлиқ ҳолда ўранилади. Китобни варақлар эканмиз, Қадимий ўзбек

театрининг репертуари ва унинг характери», «Ўзбек артистлик санъатининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг бадиий маҳорат даражаси», «Ўзбек театрининг голявий-эстетик асослари» бобларида дуч келамизки, буларда шу пайтгача ўзбек театригнослик фанига маълум бўлмаган кўпгина голя қизиқарли маълумотлар билан танишамиз; XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошида Фарғона музофотида яшаб ижод қилган, Фарғона артистлик мактабининг раҳбари машҳур қизиқчи Мухаммад Солиҳ Бидирийум ва XIX аср оғзаки драматургиясининг йирик вакили Зокир эшон-

нинг ижоди, артистлик санъатида бўлган қарашлари борасида келтирилган маълумотлар ҳам шулар жумласидандир.

Китобнинг «Рус-Европа театрига ерли халқларнинг муносабати», «Фурқат ва рус бадиий маданияти», «Икки рус инқилоби йилларида рус театрига қизиқининг ўсиши», «Театр биналари қурилиши ва уларнинг янги ўзбек театри барпо топшидаги аҳамияти», «Ўзбек, татар, озарбайжон, арман театр алоқаларининг бошланиши ва унинг янги ўзбек театри барпо топшидаги ўрни» каби боблар ҳам ўзбек театри тарихиди янги саҳифалардир.

Китобхон маъруз китобнинг «Янги ўзбек театрининг майдонга келиши» деб атаган бобини варақлар экан, бунда ўзбек театрининг тарихига оид кўпгина муаммоларга жавоб топади.

Тешабой БАЯНДИЕВ.



Улмаc Умарбеков

Уруш фарзанди

ҚИССА

Синглим дарҳол кийим-кечакларимни ҳозирлашга тушиб кетди. Овқат еб бўлишган бўлса ҳам ойим мен ҳозир кетаётгандек янгитдан овқатга унади.

Хуллас, бир ҳафта сафар орасида ўтиб кетди. Уругликларим жўнатдим. Раҳбарларимдан керакли маслаҳатлар, китоблар олдим. Ҳафта охирида ўртоқларим, ҳаммасларим билан қуюққина хайрлашиб, Москвага жўнадим. Икки кундан кейин эса, Болгария тупроғига қадам қўйдим.

II

Болгария ажойиб мамлакат. Бир борган киши унинг мафтۇни бўлиб қолади. Кўкўпар тоғлар, қишин-ёзин зумрад ранг ўрмонлар, гоҳ бирлашиб, гоҳ ажралиб оқадиган кумуш дарёлар бу йўлнинг хусни, гурури. Унинг қишлоқлари, йўлларини айтмайсизми? Икки ёқаси олма-гилос, ёхуд олхўри; бу йўллардан ўтганда, ўзингизни ченсиз мевазор ичида бораётгандай сезасиз. Ва ҳеч қутилмаганда қишлоқ устидан чиқиб қоласиз. Қишлоқлар бир-бирига ўхшамайди, ҳаммасининг ўзига хос архитектураси бор. Бир қишлоқ икки қаватли жимжимадор уйлардан иборат бўлса, иккинчиси унинг тескариси — уйларнинг ярми йўлнинг пастида, кенг айвонли, ясси; айланма зиналардан тушилади. Баъзи уйларнинг томига гараж қурилган. Ҳаммасига одамнинг ҳаваси келади, ҳаммаси бежирим, чиройли. Шаҳарлари ҳам худди шундай. Бутун Болгарияни айланиб бир-бирига ўхшаган иккита бинони топиш қийин. Хуллас, бу мамлакатда ҳамма нарса — ер ҳам, суя ҳам, ҳаво ҳам гўзал, мафтункор. Болгарлар ўз юртлари ҳақида шундай ривоят тўқишган: Худо ҳаммага ер улашиб, болгарларни унутди. Улар ҳафа бўлиб худого арз қилишбди. Худо жазинатнинг бир бўлагини нисиб, болгарларга берибди.

Бу ривоят. Аммо дунёда жаннат дейиладиган жой бор бўлса эгар, у Болгария, уни болгарлар ўзлари пратган. Шунинг учун ҳам дунёнинг ҳар бурчагидан бу ерга дам олгани, томоша қилгани ҳар йили минг-минглаб одамлар келишади, кўриб ўзларини бахтиёр ҳис қилишади.

Мен ҳам шундай бахтиёрлардан эдим. ХаскОВОДА бир йил ишладим. Кооператив ходимлари мендан хурсанд эди. Мен ҳам улардан хурсанд эдим. Ф-8 яхши эдим. Яхши ҳосил кўтарилди. Шу вақт ичида мен болгарчани тушунадиган, ҳатто учма-мунча гап-лашадиган бўлиб қолдим, анчагина дўст орттирдим. Айниқса, кооператив агрономи Йордан Цонев билан жуда қалин бўлиб кетдик. У икки йил Боевуда ишлаб кетган эман. Икки гапнинг бирида ўзбекларнинг меҳмондўстлигини маътар ва Боевудга келган ҳақтини завқ билан эсларди.

Пахта икки марта териб бўлингач, менинг ишларим анча енгиллашди. Кўп вақтинми округнинг хушманзара ерларини кўриш, чўмилиш билан ўтказиб бошладим.

Бир кун и эрталаб энди нонушта қилиб ўтирган эдим, Йордан нелиб қолди.

— Табриқлайман дўстим! — деди у қаршимга ўтирар экан.

— Нима билан? — ҳайрон бўлиб сўрадим мен.

— Кооператив бизга кўрсатган ёрдамнинг учун сени бир ойга Златни Пясцига юборишга қарор қилди.

— Нахотки? — севиниб кетдим.

— Бу ёғини эшит. — Йордан қўлини кўтариб мени тўхтатди. — У ёнда бир ўзинг зериниб қолма тагин деб мен ҳам борадиган бўлдим.

Еш боладек чапан қалиб юбордим.

— Эртагаёқ йўлга тушамиз. Тайёргарлигингни кўравер.

Йордан шундай дедию, шошиб чиқиб кетди. Кечқурун кооператив боғида зиёфат бўлди. Кооператив аъзолари номидан директор гапириб, менга ва институтимизга миннатдорлик билдирди. Эртасига эса, тонгги салқинда Йорданнинг машинасида Йордан, унинг хотини Лада, икки ёшли ўғли Матей ва мен Қора денгиз томон жўнадим. Ошмон пайти доғи жаҳонга таралган Златни Пясцига кириб бордим.

Златни Пясци Болгариянинг йирик порт шаҳри Варнадан ўн олти километр нари бўлиб, тоғ ва денгиз оралиғига жойлашган куюрт шаҳар. Нимдир бу шаҳарни жаҳоннинг келажиги деган экан. Бу финр ҳақиқатдан йироқ эмас. Бутун шаҳар гулга ўралган. Ҳар қадамнингизда мева... бир ёнда гилос, бир ёнда олма, узумзорлари баланд қояларга чирмашиб кетган. Ақлни шоширадиган сайлгоҳлар, истироҳат боғлари, бир-биридан гўзал хоҳли-жойлар, меҳмонхоналар кўзни қамаштиради.

Биз шаҳар уртасидаги «Нимфа» меҳмонхонасига жойлашдик. Бу меҳмонхона шундай соҳилда бўлиб, денгиздан атиги эллик қадамча нарида эди. Ўз хонамга кириб ечиндик, кейин балконга чиқдим. Муздек денгиз нафаси гуп этиб димоғимга урилди. Тўйиб симиридик, денгизга қарадим. У ер-бу ерида қозоқлар ўтовидек булут парчалари сузиб юрган кўм-кўк осмон билан туташ бу мовий денгиз тинч, сокин эди. Ботиб бораётган кўш нуридан у атласдек товланиб кўзни оларди. Енгил шамол турди. Камалак тус тўлқин оҳишта сузиб келиб қирғоққа урилди. Соҳилда олтин ранг кумини нам қилди, кейин шундай оҳишта қайтиб кетди. Яна келди, яна қайтди. У худди тун бўйи ов қилган, аммо ҳеч нарса тополмай чарчаб тин олаётган шерга ўхшарди.

Йордан кирди.

— Қалай?

— Зур, — дедим ҳамон денгиздан кўз узмай.

— Овқатдан сўнг чўмилиамиз. Нима денгинг? Мен ҳа дегандай бошимни қимирлатдим.

Кўп ўтмай ресторанга тушидик. Одам нам эди. Зал уртасида оркестр қандайдир майин куй чаларди. Официант келди.

— Моле?

— Мешана снара, ракип, — деди Йордан ҳозиржавоблик билан.

У ўзи каби мени ҳам бу ажойиб қовурма таомни ва олхўридан тайёрланадиган арқони яхши кўришимни биларди. Официант кетиши билан қаёқдандир шўх аёл кулгуси эшитилди. Залга қарардим. Кичкина Матей галати қилиқлар билан раис тушарди. Оркестрдагилар кўйини тезлаштиришди. Матей янада шўх ўйнай бошлади. Яна аёл кулгуси эшитилди. У жуда тинчи ва жангардон эди. Бор одамларга бир-бир қараб чиқдим. Денгизга қараган очиб дераза тағида бир йигит ва икки қиз ўтирарди. Кулаётган шу қизлардан бири эди. Ленин қайси бирилгини ажрата олмадим. Иккаловини кўзлари Матейда бўлиб, юзларида табассум ўйнарди. Иккалови бир хил енгиз оқ кофта кийган. Бери қорамга, аммо сочи (булган бўлса керак) оппон, иккинчиси эса, оқбадану, қош-кўзн қора, қубба қилиб туғилган қалин сочи ҳам зулуудек эди. Шу иккинчи қиз, рўпарасида сигарет чениб ўтирган йигитга нимадир деди. Йигит кудди. Кейин бошини қимирлатди. Қиз қаён урнидан туриб, дўмбоқ қўлларини ёзиб ўйнаётган Матейга яқинлашди ва унга шўх тинланганича рақсга тушиб кетди. Худди шуни кутиб тургандек оркестр ўйноқи бир кўйини қалиб юборди. Қиз Матейни қучоқлаб олиб, элли айлана кетди. Оч хаворанг шим узун, келишган оёқларига чиппа ёпишган, нофтаси

Ёзувчи Улмаc Умарбеков бир неча вақт Болгария Халқ Республикасида яшади, қардош болгар халқининг ҳаёти ва маданий турмуши билан яқиндан танишди, у ердан ёр-оғайин орттириб қайтди. Ушбу қисса Улмаc Умарбековнинг Болгария сафарлари натижасида яратилган асардир.

«Уруш фарзанди» қиссаси журналимизда тўла босилади.

I

— Киши ҳаётида шундай воқеалар бўладики, умрбод хотирдан кўтарилмайди, — деб хикоясини бошлади Азиз Комилов. — Уларни эслаганимда дам севинасан, дам қайғурасан. Бундан етти-саккиз йил муқаддам менинг бошимдан ҳам шундай бир воқеа кечди. Ушанда мен ўқишни тамомлаб, қишлоқ хўжалик илмий текшириш институтинида ишлардим. Бу институт, билсангиз керак, деярли ҳамма пахтакор республикалар билан, ҳатто чет эллар билан пахтачиликни ривожлантириш бобида алоқа қилади, пахтанинг янги навларини еттиштириб беради. Институтнинг бир қанча илмий ходимлари Миср, Жазаир, Яман ва бошқа бир неча мамлакатда ишлашарди. Мен уларни табирдим, отпуснага келишганда уларнинг ҳикояларини мароқлиниб эшитардим, уларга ҳавасим келарди. Ленин бу соҳадаги ишда ҳали ўзини дуруст кўрсатмаган ёш агрономни олис, ўзга мамлакатга ким юборарди? Бунга умид боғлаб бўлармиди?! Ҳарқалай мен шундай деб ўйлардим ва ўзини шу билан овутардим. Аммо бундай бўлиб қиқмади. Бир кун мени институт директори қақириб қолди.

— Сизни Болгарияга юбормоқчимиз, Нима дейсиз? — деди у.

Тўсатдан қилинган бу таклифдан гангиб, нима дейишимни билмай қолдим.

— Хасноводан Ф-8 ни сўрашибди, — жавобимни кутмасдан гапида давом этди директор. — Янги очилган ерларига эншиар эмнш. Олиб борасиз, эншида кўмаклашасиз. Мавсумни туғатиб қайтасиз.

— Эплай... эплай оларимкинман? — вужудимни ҳам севинч, ҳам кўрқув қамраб олгандай.

— Эплайсиз, — деди директор ва гап тамом дегандай ўрнидан туриб менга қўл узатди.

Маст одамдек унинг қабинетидан чиқдим.

— Табриқлайман, — деди секретарь қиз менга ҳавас билан тикилиб, — Неча кимни юборишни ўйлаб анча ўтиришди. Кейин сизни лозим топишди!

— Раҳмат, — дедим миннатдорлик билан, гўё мени у юборётгандай, маҳкам биланларини қисиб. — Қачон кетаман?

— Бир ҳафтадан сўнг. Хўжатларингизни тўғриланг.

Бошим осмонда эди. Уша кунийёқ шошаниша ҳужжатларимни тайёрладим, суратга тушидим. Кейин уйга жўнадим. Уйимиз институтдан анча олис бўлиб, икки ҳафтада бир келиб кетардим. Отам урушда ҳалок бўлган. Уйда ойим билан синглим туришарди. Севинчли хабардан улар ҳам шошиб қолишди.





Адабиётимиз кўзгуси ма-
на шу муҳташам бинода жам
этилган. Унга Шерият бўс-
тонидан кириб борилади.

АЛИШЕР НАВОИЙ


номидаги

Адабиёт музейи



Музей хоналари.
Алишер Навоий
манзиллар хартаси

Ўтган



Мирзо Улуғбек хонаси.
Г. ГРАФКИН фотолари



Козим ЭМИНОВ. Сут соғувчи.

хилча белини таранг тортиб турарди. Ингична, оппоқ бўйнидан маҳкам қучоқлаб олган Матей ўзида йўқ шод, қириқ-қириқ нуларди. Қиз шериклари ёнига келганда нимадир деди. Яна қувноқ аёл кулгиси эшитилди. Бу — шу қизнинг ўзи эди. Кулги аралаш яна нимадир деди-да, Матейни ерга кўйиб қўлларидан ушлаганича тивстага тушиб кетди.

— Тузу-ку,— дедим мен унга маҳлиё бўлиб.

Лада менинг гапимни ўзича тушуниб:

— Етсираниш билмайди,— деди.

Оркестр тинди. Ҳаммамиз, ҳатто оркестрдагилар ҳам бехиҷиб чалап чалиб юбордин. Қиз Матейни етаклаб столимиз ёнига олиб келди. Кейин:

— Мерси, мусъе,— деди-да, қўлидан ўлиб Йорданга туттаздди.

Унинг овози ёнимли, қўнғироқдек эди. Биз унга бирон нарса дегунча жойига бориб ўтирдик.

— Таклиф қилсак бўларди столимизга,— деди Лада эрига.

— Сен нима дейсан?— Йордан менга қаради.

— Чанки бўлмайди,— дедим мен.— Лекин, чакирсак ҳаммасини чақирайлик.

— Бу ишни манави мусъега топширамиз,— Йордан шундай деб ўлига уларнинг столини кўрсатди.— Иккала опангни қўлидан ушлаб олиб кел. Амакинг ўзи келади.

Матей дадаси айтгандек қилди. Кўп ўтмай икки столини бирлаштириб, янгитдан овуқат, ичимлик буюрдик. Кейин, танишиб олдим.

Янгит — Драгомир Шопов, Болгария граждан ҳаво флотиди штурман экан. Оқсоч қиз унинг қайлиги — Лили, Стюардесса. Матей билан рақс тушган қиз эса Анна-Мария. У ҳам стюардесса бўлиб, Венгрия граждан ҳаво флотиди ишларкан.

— Анна-Мария эски қадрдонимиз,— деб изоҳ берди Драгомир.— Отпускани бизда ўтказишни илтимос қилувдир, келди. «Нептун»-да гурибмиз.

Йордан менч таништирди.

— О, Тошкент, Самарқанд!...— ҳавас билан деди Анна-Мария.

— Хорошо!

Унинг оппоқ тишлари марварид доналарига ўхшарди.

— Борганмисиз?

Анна-Мария йўқ дея бошини қимирлатди.

— Но оччен-н, оччен- по-бывать...

У русча тўғри гапирдимми, дегандай Драгомирга қаради.

— Тўғри,— деди Драгомир. Кейин, менга ишора қилиб кўйиб қўйди.— Мана, яхши таниш орттирдик. Бу киши фақатгина русчани эмас, ўзбекчани ҳам ўргатиб қўлди.

— Қизиқиш бўлса бас,— дедим мен.— Маркс ўн кунда лотинча ўрганган экан.

— О,— кулди Анна-Мария.— Маркс қаёқдаю, мен қаёқда?

Ҳаммамиз унга қўшилиб кулдим.

— Қани, танишганимиз учун,— деди Йордан ўз қадаҳини кўтариб.

Ҳаммамиз ичдик. Анна-Мария мен билан қадаҳини уриштираётиб галати табассум билан қараб қўйди. Унинг йирик қора кўзларида севинч порларди. «Жуда шўх, қувноқ бўлса некан» хаёлимдан ўтказдим мен.

Чиндан ҳам бутун суҳбатимиз давомида унинг чеҳрасидан табассум аримади. Кимга қарамасин кўзлари, лабларида кулгу ўйнади. Озгина қизишиб олганимизданми, суҳбатимиз қизгин тус олиб кетди. Нималар қаҳида гаплашганимиз ҳозир эсимда йўқ. Ҳар ҳолда анча ўтирдик. Суҳбатга фақат Анна-Мария аралашмади. У гоҳ Матейни тиззасига олиб эркалар, гоҳ ўзидан ўзи менга қараб кўлиб қўларди. Мен нималариндир гапирсам ҳам, кўзим унда эди. Тўғрироғи, кўпича унга тушарди. Нега бундай? Мен бунини ўша пайти биллолмадим. Лекин бир нарса аниқ эди: бунақа чиройли қизни мен ҳали учратмагандим. Назаримда у бизнинг олдимизга тўппа-тўғри ажойиб севаги қаҳидаги китобдан, ё бўлмаса олиб бир афсонадан тушиб келгандай эди.

Бир маҳал у шошиб ўрнидан турди.

— Мирчо!— у Драгомирга французчалаб нимадир деди-да, соатини кўрсатди.

— Бизни кечирасилар,— Драгомир ўрнидан турди.— Анна-Марияни Будапештдан онаси телефонга чақирибди.

— Учрашгунча,— деди Лили.

Анна-Мария бошини қимирлатиб хайрлашди. Кўп ўтмай биз ҳам турдик.

— Яхши қизлар экан,— деди Лада кўчага чиқганимизда.— Айниқса Анна-Марияси.

— Игит ҳам дуруст,— деб унга қўйибди Йордан.

Мен индамадим. Соҳилга тушдик. Минг хил чироқлардан сокин денгиз туби ҳозиргина Анна-Мария тушиб келган афсонавий шаҳарга ўхшарди. Анчагина айландик. Матей отасининг қўлида ўхлаб қолди.

— Хурсандимсан?— сўради Йордан меҳмонхонага еганимизда.

— Жуда,— дедим менч.

Чиндан ҳам хурсанд эдим. Юрагимни севинч ва аллақандай ширин орзулар қоплаган, ҳеч нарсага уйлагим, истагим келмаса ҳам хаёлимда ўзини тушунмаган фикрлар, орзулар кезарди.

Йорданлар билан хайрлашиб (улар Матейдан чўчиб биринчи қаватга жойлашган, мен эса ўнинчи қаватда эдим). Ўз хонамга кўтарилидим. Етгим келмади. Балконга чиқдим. Шамол туриб денгизда туя ўрначидек баланд-паст тўлқинлар пайдо бўлган, аллақерда музика янгради. Бирпас денгизни, ола-була тўлқинлар қирғоққа урилди, сонсиз-саносиз юлдузлар пайдо бўлаётганини томоша қилиб ўрнимга чўзилдим. Юрагимни қоплаган севинч ва қандайдир бахт ҳисси ҳамон тарқамас, кўз олдимдан эса янги танишларим, Анна-Мариянинг кўлиб турган сиймоси кетмасди. Кўп ўтмай олис йўл машаққати ўз ишени бақарди, ухлаб қолдим.

III

Эрталаб энди тонг ёриша бошлаганда Йордан эшигини тақиллатди.

— Тур,— деди у хонага кириб устимдан чойшабини тортар экан.— Соҳилни ион босиб ётибди. Чўмиламиз.

Унинг эғнида плавни ва олачипор кўйлаб бор эди, холос. Мен ҳам шундай кийиниб, қора кўзойнагимни тақдим-да, паства тушдик. Юмшоқ нам қум оёқча чилп-чилп ёпишарди. Ҳали чиқмаган қўёшнинг қизғин нурули осмонга найза наби санчилган, денгиз оҳиста қирғоққа урилиб шердек пишилларди.

— Кўрпсанми?— деди Йордан денгизда, қирғоқдан икки юз кучлоча нарида қаққайиб турган қора қолни кўрсатиб.— Шунга бориб келамиз. Кетдик!

У, денгизга шўнғиди. Муздек сув томчилари юзимга урилди. Сесаниб кетдим. Бирпас совуб олай деб шундай денгиз лабига ўтирдим. Йордан анча жойга бориб менга ўғирилди.

— Тушмайсанми?

— Ҳозир,— кўлимни силнидим.

Шу пайт мен томон оқиб келаётган думалоқ, оппоқ бир нарсага кўзим тушиб қолди. У худди коптокка ўхшарди. «Нима бўлдикин?»— кўзойнагимни олиб унга тикилдим. Коптоқ оқиб келаварди. Анча яқинлашди. Урнимдан туриб қарардим. Бу — одамнинг калласи эди. Кўзлари юмилган, қўл-оёқлари денгиз остида жуда тинч, овозсиз ва эркин ҳаракат қиларди. Ҳавас билан томоша қилиб турдим. Қирғоққа озгина қолганда у ўрнидан туриб, мен томон ўғирилди. «Ним экан бу сув париси?»— дедим ўзимча ундан кўз узмай. У, оёқлари остидаги сувни шалоқлаптиб, қирғоқ томон юрар экан, менга парво қилмасди. Мен эса, унга тикилиб қолган эдим. Қадди-қомати бунчалик расо, нелишган қизни қамдан-кам учратиш мумкин. Ингична оқ плавни бир қарич белини таранг торган, ҳар қадам босганида офтоб бирозгина қорайтирган силлиқ баданидан сув томчилари гўё гавҳардек дув-дув тўкиларди. Плавни тусидаги ингичка оқ мато остида софотган думалоқ кўраиқларининг учи иккита кўзmunчоқдек қорайиб турарди. Соҳилга чиқиб бошидаги оппоқ қалпоқчасини олганда қалин қора сочлари нозик елкалари билан битта бўлиб ёйилди. Севиниб кетдим. Бу — Анна-Мария эди.

— Қалай, сув ёқдими?— мен у томон юрдим.

— О, сизмисиз?— Анна-Мария тишларини ялтиратиб жилмайди.— Сув жуда яхши.

Биз кўришдик.

— Сиз ҳам эрталаб чўмилишни яхши кўрасизми?

— Жуда ҳам.

Анна-Мария ўтирди. Мен ҳам унинг ёнига чўкиладим.



— Эрталаб одам нам бўлади соҳилда, баъзан ҳеч ним бўлмайди.

— Тинчликни яхши кўрар экансиз-да?

— Анна-Мария кудди.

— Тинчликни ҳам, тиниқ сувни ҳам. Эрталаб сув жуذا тоза бўлади, музден бўлади. Сиз неча чумилмайсиз?

— Ҳуҷилпман.

— Нимадан?— у кўзларини йирин очиб менга қаради.— Сузишни билмайсизми?

— Ҳар ҳолда сизчалик эмас. Яхши сузар экансиз.

— О, мен Дунайни сузиб ўтганман.

— Оҳ-о-хо!— қоя устидан Йорданнинг овози келди. У бизни чақирди.

— Ким?— сўради Анна-Мария.

— Йордан.

— Юринг, борамиз.

— Анна-Мария сакраб турди-да, менга қўлини узатди.

— Юринг,— дедим мен ҳам унинг завқига қўшилди.

Иккаламиз ёнма-ён сузиб кетдик. Мен ёмон сузмасдим. Ленин, Анна-Мариячалик эмас. У дам ёнбошлаб, дам бир қўллаб сузар экан, худди дельфинга ўхшарди.

Қояга этиб келганимизда Йордан унга қўлини узатди.

— Мана,— дедим мен.— Бир ўзим эмас, сув парисини ҳам олиб келлман.

— Анна-Мария ҳаҳолаб кудди.

— Олтинсоч Лорелай дегин!— деди Йордан.

— О, йўқ,— деди Анна-Мария сочини сиқар экан.— Уни мен тушунаман, лекин унга ўхшагани келмайди.

«Уҳ-хў!»— ҳаёлимдан ўтказдим мен.— Уэ надрини яхши биладиганга ўхшайди». Кейин овозимни чиқариб дедим:— Бизнинг давримизда муҳаббатдан ҳеч ним зарар кўрган эмас. Нима, кўрмасизми?

— Йўқ,— Анна-Мария жиддийлашди.— Севгидан кўрмайман, унинг оқибатидан кўрқаман.

— Шунинг учун...

— Шунинг учун қайтамиз,— гапимни кесди у бирдан ўзгарди.— Нонушта вақтин бўлди. У, бизни кутмай сувага шўнғиди. Соҳилга қайтшдан бошча илоҳимиз қолмади.

— Курорт жойда жиддий суҳбатни қўй,— деди Йордан, сувдан чиққанимизда.

Мен қизариб кетдим. Ленин, айб мендами? Узи бошлади-ку? Гапимни тасдиқламоқчиден атрофга қарадим. Аммо, Анна-Мария ҳеч наерда кўринмасди. Наҳотки, хафа бўлган бўлса?

— Жуذا бўлмаса хайрлашса бўларди,— дедим ўзимни оқлашга уриниб Йорданга.

Йордан елкаларини қисди.

Шу кунни кечгача уни ва шерикларини кўрмадим. Ўзимиз ҳам уларни кўришга ошинмасдик. Нонуштадан сўнг Йорданнинг машинасига ўтириб, Златин Плясини айланиб чиқдик. «Лўдиллар чодир», «Кунари», «Тегирмон» наби ресторандарни томоша қилдик.

Болгарларнинг меҳнатсеварлигига қойил қолдим. Одий магераллардан ҳам шундай ажойиб сайлгоҳ, меҳмонхона, ресторандар кўриб ташлашганим, кўриб тўймайсиз. «Лўдиллар чодир»да биронта стол ёки стул йўқ. Стол ўрнида арава, стуллар эса эгарлардан иборат. Табиий бўлсин учун бир-иккита аравага от, ашан боғлаб қўйилди. «Кулба» деган ресторан эса фақат қамишдан, ўзимизнинг оддий қамишдан бўлиб, тўрт кишилик, олти кишилик, икки кишилик чайлалардан ташкил топган. Чайлалар шундай чиройли тўңилганки, одамлар ҳашаматли ресторандарга боришдан кўра, шу ерни афзал кўришади. Икки-уч

кун аввал жойни банд қилиб қўйишади. Бизда қамиш кўп, аммо қадрига етмаймиз. Узи ўсади, ўзи кўрияди, кейин чириб кетади.

Пешингача айланиб «Тегирмон»га кирдик. Бу ресторан дарё бўйида бўлиб, илгарилари чиндан ҳам тегирмон бўлган экан. Унга зарурат қолмагач, ресторан қилишибди. Қизиги шундани, кўрандалар учун ҳозир ҳам бугдой шу ерда тортилади, шу ерда нон ёпилади. Шунинг учун ҳам бу ресторандан фақат нон билан ёйиладиган овқатлар тайёрланади.

Одам кам эди. Кабоб буюрдик. Официант иссиқ нон билан пиво, мағиз олиб келди-да, ангашиб Йорданга нимадир деди.

— Нима деди?— сўради Лада у кетгач.

— Ҳозир кўрмасан.— Йордан кулиб менга галати қараб қўйди. Кейин чидамади шекилли, айтди.— Азизни СССРдан эканини билиб меҳмонга паламут қовуриб келсам майлими, дедди.

— Йўғе?— севиниб кетди Лада.— Паламут бор эканми?

— Кеча бир нечта тутиб келган экан.

— Паламутнинг нима?— сўрадим қизиқиб.

— Антича балиқ,— тушунтирди Йордан.— Камдан-кам бўлади. Жуذا ширини, семиз. У фақат қовурилади. Оқ вино, коньяк билан жуذا кетади-да.

Ҳаммамиз бу галати балиқни орзиқиб кутдик. Ниҳоят официант келди. У тантана билан қўлидаги лаганни столга қўйди. Амжойиб қовурма таом ҳиди димоқча урилди. Лагандаги балиқ унча катта эмас эди, келса ярим килодан ошироқ келар эди. Аммо, туси галати эди. Қора, тим қора, ҳар ер, ҳар ерида кўндалангига кумушранг қалин чизиллар бор, боши-танаси теги. Лаган устидан худди думба ёғден титраб турарди.

— Кечирасизлар,— деди официант ҳаммамизга бир-бир қараб қиқиб.— Шу битта қолувди.

— Зарари йўқ, раҳмат,— дедим мен.

— Мен партизан бўлганман,— деди официант менга қараб.— Бизнинг отрядда бир ўзбек бор эди. Зиёват Ҳусанов. Яхши одам эди. Танимайсизми?

— Йўқ,— дедим мен.

— Узбекистон катта. Таниш қийин. У билан Италиягача борганмиз урушиб. Мени икки марта ўлимдан кутқариб қолган. Урушдан кейин икки марта хат ёздим. Жавоб келмади.

— Суриштираман,— ваъда қилдим мен.— Балки топарман.

— Раҳмат,— официант миннатдор бўлиб балиқча ишора қилди. Олинглар. Ҳозир, кабоб ҳам тайёр бўлади.

Лада севинганича бор экан. Балиқ жуذا мазали эди. Ленин, бирпасда тамоом бўлиб қолди.

— Бир танишим бор,— деди Йордан.— Паламут топтираммиз?

— Бай Ефтимми?— сўради Лада.

— Ҳа. Ҳозир ўзи бар очган. У топади.

Овқатдан сўнг меҳмонхонага қайтдик. Лада билан Матей дам олгани ўз хоналарига кириб кетишди. Биз эса бай Ефтимни идириб кетдик. Уни топиш қийин бўлмади. У, очган бар шундай меҳмонхонамизнинг тағида бўлиб, йўғон занжирлар билан қирғоқча тортиб қўйилган иккита қайиқдан иборат эди. Аммо, иккала қайиқда ҳам ҳеч ним кўринмади. Бардан сал нарида пастак фанердан ясалган уй бор эди. Шу ёқча юрди.

— Бай Ефтим!— қичқирди Йордан.

Эшик очилиб ичкаридан матросларнинг олачипор майкасидаги серсоқол бир мўйса-

фид чиқди. Афтидан у энди уйқудан турган бўлса керак, йирин кўллари билан кўзларини ишчаларди.

— Здаравей, бай Ефтим!— деди унга яқинлашиб Йордан.

— Ай Йорданчо! Салом, азизим!— мўйсафид уни таниб қўл берди.— Қачон келдинг?

— Кеча. Лада ҳам келди. Уғилчани ҳам олиб келдик. Мана бу— меннинг дўстим. Узбекистондан,— Йордан мени таништирди.

— Демак, СССРдан?— сўради бай Ефтим менга қўл узатиб.

— Ҳа,— дедим мен.

— Жуذا соз. Кечкурун келинлар, Яхши нарсаларим бор. Меҳмон қиламан.

— Бай Ефтим,— деди Йордан.— Менинг дўстимга паламут ёқиб қолди. Лада ҳам қўймапти. Шундан топиладими?

— Бай Ефтимда нима топиладими ўзи?!— деди ғурур билан чол.— Кечкурун келинлар. Жияним ҳам қайлиги билан шу ерда. У ҳам паламут буюрган. Ҳаммамга биттадан қовуриб бераман.

— Раҳмат!— деди курсанд бўлиб Йордан. Биз тепага кўтарилдик. Меҳмонхонага етай деганимизда олдимизга «Волга» келиб тўхтади. Драгомир тушди. Машинада Анна-Мария, Лили ҳам бор эди. Сўрашдик. Анна-Мария яна тишлари яранлаб жилмайди. Кўнглим жойига тушди. Демак, хафа бўлмапти.

— Кечкурун нима қиласизлар?— сўради Драгомир.

— Паламут буюрдик, шунга борамиз,— деди Йордан.

— Биз ҳам буюрганмиз. Мен сизларни таклиф қилмоқчи эдим. Қизлар ҳам илтимос қилишди.

Мен ялт этиб Йорданга қарадим. У мийғида кулиб қўйди.

— Қарда?

— «Дракон»да,— деди Драгомир.— Амаким очган бар.— У, бирдан кулиб юборди.— Иккита ишдан чиққан қайиқча «Дракон» деб ном қўйилди. Жуذا галати одам.

— Тўхтаган?!— деди Йордан.— Бай Ефтим амакинғизми?

— Ҳа.

Ҳаммамиз кулиб юбордик.

— Ҳозир биз унинг олдидан келялмиз,— деди Йордан.— Сизни айтган экан-да, жияним келади деб?

— Ҳа.

— Бўпти бўлмаса. Кечкурун учрашамиз.

— Бўпти.

Биз хайрлашдик. Машина кетди.

— У ҳам илтимос қилган бўлса, жиддий қизга ўхшайди,— деди Йордан меҳмонхонага кирар эканимиз.— Ленин хайрлашса бўларди эрталаб.

— Ҳозир хайрлашди-ку!— дедим мен.

— Кўрганним йўқ.

— Сен ўзи кўп нарсани кўрмайсан,— негадир ҳозир Анна-Марияни химоя қилгим келиб кетди.— Қўл силкитиб хайрлашди.

— Кўрмадим,— ўжарлик қилди Йордан.

— Мен кўрдим!— дедим, мен ҳам ўжарлик қилиб.

— Майли, майли,— Йордан қўлларини кўзига тутиб кудди-да, (у доим шундай нуларди) қўшиб қўйди:— Ишқилиб зеринмасанг бўлгани. Яхши қиз экан.


Жаҳлим чиқиб кетди. Ленин, унга жавоб қайтариш ўрнига ёш боладен қизардим.

«Чиндан ҳам яхши қиз!»— ўйладим хонамга кирганимда яна Анна-Марияни кўз олдимга келтириб ва тунги учрашувни орзиқиб кута бошладим.

(Давоми бор).

Семён БЕЗНОВ,
«Гулстон» мухбири

Оқсоқол



Археолог Сергей Николаевич Юренев.

Бухорон шарифда уни ҳамма танийди. Новча, қотма, сийрак соқолли бу чолдан каттаю кичик саломини дариг тутмайди. Тўй-ҳашамда уйнинг тўри шу кишиники.

Гап — кекса археолог Сергей Николаевич Юренев ҳақида бораяпти.


Бухороликларнинг самимий ҳурматига Юренев осонликча мушарраф бўлгани йўқ. Бунга унинг суҳбатидан баҳраманд бўлган киши дарров ишонч ҳосил қилади. Оқсоқолдан Шарқ маданиятига нега меҳри товланганини сўрадим.

— Саккиз яшарлигимда бир саргузашт роман ўқиб чиқдим, — деди у, — шу-шу, Урта Осиёнинг сеҳри тортиб қолди. Улғайган сарим афсонавий Шарқ ҳаёлимга маҳкамроқ ўрнашиб бораверди. 1907 йилда гимназиянинг ҳуқуқшунослик бўлимида ўқидим, кейин Москва археология институти аспирантурасида таҳсил қўрдим. Тверда (ҳозирги Калинин) иш бошлаганимда Урта Осиёни тўла-тўкис ўрганишга бел боғладим. Уша йиллари ўзбек, қозоқ, қирғиз, уйгур, чуваш қўшиқларини тўпладим. Қар-

тага ёзилган бу қўшиқлар менга гаройиб туюларди.

1931 йилги Ўзбекистонга таклиф қилинишим, менга зўр шодлик келтирди. Фарғона Педагогика институтида, кейинчалик Бухорода ишладим. Бу шаҳар менинг иккинчи Ватанимга айланди. Бу ерда ўзим эътиқод қўйган машғулотим билан абадий қўним топдим...


Оқсоқолнинг ана шу икки оғиз хотирасидан ҳам унинг таҳсинга лойиқ киши эканини англаб оласиз. Ахир, оқсоқол кўҳна тарихимиз, мисли йўқ маданий меросимиз учун озмунча иш қиляпти, дейсизми. У Бухородаги ҳар бир тарихий ёдгорликни ўзининг дахлсиз мулкидай эъозлайди. Ҳар бир топилма оқсоқолга донишманд халқимизнинг ўтмишидан эртак сўйлайди. Қўлга киритган осори антиқа буюмларини Ленинград, Москва, Тошкент, Самарқанд, Бухоро музейларига топширган. Тарих шайдоси Сергей Николаевич Юренев миллий маданиятимиз учун заҳмат чеккани туфайли ундан Бухоро аҳли миннатдор.



Бухородаги ҳамма обидалар: ўйиб ишланган кунгуралар, китобларга чизилган бозаклар кўз олдингиздаги мана шу оддий асбобларда яратилган. Тадқиқодчи-археолог олим бу қаламдон ва асбобларни ўттинчи йилларда кекса усталардан йиғиб тўплаган.

Хива тарихий музейи
биниси айвонидаги ус-
тунлардан бири.

Хива тарихий музейи.




КҲҲНА ХИВА ШАҲАРИ —
ИЧАНҚАЛЪАНИНГ ТУЗИЛИШ ШАКЛИ



1. Кӯҳна Арк; 2. Муҳаммад Раҳим-
хон мадрасаси; 3. Муҳаммад Аминхон
мадрасаси ва Калта минор; 4. Саид
Оловиддин мақбараси; 5. Паҳлавон
Маҳмуд мақбараси; 6. Шерғозихон
мадрасаси; 7. Исламхўна мадрасаси
ва минораси; 8. Жоми мачит; 9. Ой
мачит; 10. Анушахон ҳаммоми; 11.
Полвондарвоза; 12. Қутлугмурод ина-
на мадрасаси; 13. Оллоқулихон мадр-
расаси; 14. Хуржун мадраса; 15. Ол-
лоқулихон саройи — Тошқовли; 16.
Оллоқулихон нарвонсаройи ва тими;
17. Жанубий дарвоза.

Қадиқги
ёдгорлик

Хива
шаҳри




Хива хонлари шу деворлар ичида жон
сақлаганлар.

Қадиқий обидаларни
қайта тикловчи усталар-
дан бири — Самандар
Қаландаров.

С. БЕЗНОСОВ фотолари.

Қадиқий обидаларни қайта тиклаш мах-
сус илмий устахона директори Шавкат
Раҳимбоев прораб А. С. Усенко билан оби-
дага мос бўёқ танлапти.



Қадиқий обидаларни қайта тиклаш мах-
сус илмий устахона директори Шавкат
Раҳимбоев прораб А. С. Усенко билан оби-
дага мос бўёқ танлапти.

Хива шаҳрининг умумий кўриниши.



Хорғинлик- нинг чораси

Хозирги даврда ҳаёт миёни бетўхтов ишлатишни таъозо қилади. Ғоҳо жисмоний ҳолдан тойиб йиқилиш даражасига бора-миз. Бундай пайтда ишни тўхта-та-миз. Ақлий меҳнат қилгани-мизда эса ҳолдан тойганимизга қарамай, ўзимизни ўзимиз зўр-лаб ишлайёрамыз.

Миёнинг имониятлари катта. У хорғинли билан курашиб ен-га олади.

Мия говлаб турса ҳам, уйку келса ҳам, барибир, ирода нучи, тамани, совуқ сув ёни аччиқ чой билан ўзимизни ишлашга мажбур қиламиз. Бундай аҳвол ҳафталаб, ойлаб давом этади.

Ҳатто дам олганимизда ҳам янги билим олишга, тасавури-мизни неггайтиришга, мантиқ, фаҳм-фаросатимизни оширишга интиламиз — шахмат уйнаймиз, кроссвордлар ечамиз, китоб ўқий-миз. Натижада хорғинлик янада ортади; асабийликка замин ҳо-

зирланади. Арзимаган майда-чуйдага ҳам жаҳлимиз чиқади-ган, портлаб нетадиган бўлиб қоламиз. Тамом! Қон босими (ги-пертония), юрак (стенокардия, атеросклероз) касалликлари, ҳат-то юрак ёрилиши (инфаркт мио-карда) худди панада сичқонни пойлаб турган мушундай бирдан сизга қараб сапчийди.

Фан, техника, маданият юксан чўқиларга нўтарилаётган бир даврда ақлий меҳнатни сусайти-риш тўғрисида гап бўлиши мум-кин эмас. Агар замон билан ба-равар қадам ташлашни истасанг, миёни ишга солишинг керак бўлади. Ахир, оламда ҳар хил маълумотлар борган сари ортиб бораётгани-да! Уларни қамраб ола билиш, ўз билимингни оши-ришинг керак. Шу билан бирга соғлиқни ҳам сақлашинг керак. Бу икковини бирга кўшиб олиб боришда сиз билан бизга ақлий меҳнат гигиенаси қўл келади.

Ақлий меҳнат жисмоний меҳ-натга қараганда, шубҳасиз, му-раккабдир. Киши қаттиқ ўйлаган вақтида дам олиш пайтидаги қараганда мия қон билан 8—9 ба-равар кўпроқ таъминланади. Он-сигенга талаб ҳам ортади. Шу-нинг учун ҳам ақлий меҳнат аҳллари ишлайдиган хоналарнинг доимо ҳавоси тоза бўлиши керак. Уй ичида иссиқлик 18—20 дара-жа бўлгани маъмул. Еқа бўйин-ни сиқмасин. Миёга қон, нисло-род бўйин томирлари орқали ўтиб боради.

Кўз — ақлий меҳнатда асосий сезги аъзоларидандир. Ишхона меъёрида ёритилган бўлсин. Май-да ёзилган ёзувни ўқимасин ке-рак. Чироқ чал томонда турсин. Еруғ кўз нуруни қайтарадиган бўлмасин. Ҳатто ишхона девори-нинг ранги ҳам муҳимдир: врач-лар девор нўнимтир ёни сарғим-тир ранга бўялгани тузуқ дейи-шади. Аммо ёрқин бўлмаслиги

ОЛМОС

Боланинг тили ширин

Ичида ўтириб туринг

— Алло! А... Аммажон, кимни, аям-нимни? Ҳозир қаҳираман. Фақат сиз те-лефондан чиқиб кетманг, ичида ўти-риб туринг...

Чекувчи кучук

Мухтор ердаги нос юқини кўрсатиб сўради:

- Бувижон, бу нима?
- Билмадим, болажоним, шу ерда Қоплон юрган эди.
- Ие, буви, Қоплон нос чекадами?

Ғалати шим

Мухтор кўчадан ўтиб кетаётган йў-ловчининг ғалифе шимига ишора қи-либ:

Вой, ая, анави кишининг шимини қаранг, манавнақа экан, — деди икки лувжини шишириб.

Кампир қўл

Юлдуз ҳаммомдан кела туриб, зор-ланди:

— Ие, қааяг, қўлимни юявейиб кам-пий қилиб қўйинман.

Сурат

— Ая, суратимизни олиб келдим, мана, мен билан ўқийдиган болалар.

Аяси расмин олиб, синчиклаб қара-дио, ўғлини тополмади.

— Сен суратда йўқсан-ку?

— Борман, мана, анави чекадаги қулоқ менинг қулоғим-да, яхши тушиб-ман-а, ая?

Аспирантура қиялпти

Кўчадан кириб келган дада ўғлидан сўради:

- Аянг қани?
- Уйдалар.
- Нима қиялпти?
- Аспирантура қиялпти.

Тиш

- Ая, қачон укамнинг тиши чиқа-ди-а?
- Унинг тиши сенга нега керак бўлди?
- Тиши чиқса у билан гаплашиб юрар эдим-да.

Туғилиш тарихи

- Дурбек, сени ким туққан?
- Меними? Мени дадам.
- Дадагни-чи?
- Дадамними? Уни мен туққанман.

Қарзга ҳуштак

Мухтор акасининг ҳуштак чалганига ҳаваси келди, оғзини, тилини ҳар хил шаклга солиб кўрди ҳамки ҳуштак ча-лолмади. Шунда ўқиниб:

— Ака, ҳуштагингиздан озгина бе-ринг, — деб ялинди.

Зарда

- Дурбек, ўртоқларинг билан хайр-лашдингми?
- Йўқ.
- Нега?
- Улар биз билан кўчиб келишмага-ни учун пом бўлдим.

XX АСР ҚУЛДОР ЛАРИ

Буржуа матбуоти қул сотишининг тўхтати-ганига юз йил тўлганини яқиндагина нишон-лаб ўтган эди. Лекин далилларнинг кўрсати-шича, инсоният қул сотишдек шармандаликдан ҳали батамом қутула олгани йўқ. Маълумот-ларга қараганда, фақат 1960—1963 йиллари Африканинг майда мамлакатларида беш юз мингдан ортиқ аҳоли қул қилиб сотилган. Тв-егишли халқаро ташкилотларнинг маълум қи-лишича, қул савдоси буғунги кунда ҳам ўсиб бормоқда.

керак. Ишхона деворининг мансагда мувофиқ бўлиши кишининг иш фаолиятини анча-мунча оширади.

Кўп вақт киши иш пайтида столда оқулай ўтиради. Бош олдига эгилб кетган, гардан мушаклари тортилган бўлади. Бу мушакларга алоқадор асар манзалари эса тез чарчаб қолади. Диққат жуда пайсаяиб кетади. Натихода гардан, бўйин мушаклари толиқиб, киши мурдай бошлайди.

Столда энкайиб ишлаб ўтирган одамнинг умуртқаси чагга эгилгароқ бўлади. Шунинг учун ҳам кўирак эркин кенгайиб торамайди, ҳаво олиш ва чиқариш сусаяди — ўпка қисилари. Кислород еттишмай юрак ёмон ишлайди, миянинг ва юрак мушакларининг қон билан таъминланиши етарли бўлмайди. Натихода юрак санчади, бош оғрийди, киши бўшашиди, иш қобилияти пасаяди.

Шунинг учун ҳам бошни иложини борича эгмай тўри ўтириш керак. Узоқ ўтириш туфайли пайдо бўладиган оёқ-қўл уюшишга йўл қўймай, ҳар эллиқ дақиқада беш минут-беш минутдан танаффус қилиш керак. Бундай пайтда бадانتарбия қилинса янада яхши. Деразани очиб гавдани гоз тутиб, бирнеча бор чуңкур нафас олинса ҳорғинчилик енгилсга ёрдам беради.

Ҳозир олимлар иш столини бошқача қилиб ясашлигини маслаҳат беришмоқда. Улар тикка туриб ишлаш маъқул дейишяпти. Стул эса бироз дам олиш учун керак бўлар экан. Бу таниф илмининг жиҳатдан асосланган бўлиб, янгилик эмас, албатта. Д. И. Менделеев, К. А. Тимирязев, И. П. Павлов, Э. Хемингуэй тикка туриб ишлаган. Шундай қилинса кўл-оёқ бақуваат, серхаракат бўлиши турган гап.

Уйқунинг аҳамияти зўр. Аф-

сусини, гоҳо уйқунда ҳам мия ишладан тўхтамайди: кечас билан тушингизга ҳар хил нарсалар кириб чиқади. Эрталаб ўрнингиздан насал одамдай лаж бўлиб турасиз. Бунинг чораси кечаси ётишдан олдин ўттиз-қирқ дақиқа айланиб юришдир. Сарф бўлган вақтингизга ачинманг — у сиҳат-саломатлигингиз учун фойда, умрингизни узайтиради.

Дам олиш, байрам кунлари, тушки танаффус пайтлари зинҳор ақлий меҳнат қилманг. Дам олиш, байрам кунлари, таътил пайтлари ҳамда уйда рўзғор ишларига кетадиган вақтнини бирга жамласан, анча-мунча вақт бўлади. Шу вақтнинг ақалли ярмини мияни дам олдиришга сарфланганми? Қара! Бирор китобни ўқиё қолай, бирор нарсани ёза қолай, битмаган ишни битказа қолай деб бош қотирамиз. Яна нималарингдир режасини туз-

Нихоят, туйғу, ҳис-ҳаяжонни ҳам унутмаслик керак. Улар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзилари қийинчиликни енгиб ўтишга, мия, юрак, ўпканинг хизматини осонлаштиришга ёрдам беради. Баъзилари мурдаб ётган ортиқча кучни ишга солади. Баъзи туйғулар (эмоция) бори турган битгани зарар. Қўрқув, ҳадис, ишонсизлик, талваса ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай ҳис-туйғулар кишининг иш қобилиятини сусайтиради, бўшашириб юборди.

Юрагидан нимадир тошдай бўлиб ётса қўлинг ишга борармиди! Шундай бўлган, ҳамма нарсани ҳам кўнгилга олабериш керак эмас. «Бургага ачиқ қилиб кўрпа кўйдирма», деган мақол бор халқда. Киши ўз ҳис-ҳаяжонини жиловлаб билиши керак. Ақлий меҳнатда бу ниҳоятда зарур.

В. ЧИМАРОВ, врач.

Соудия Арабистони ўз ҳуқуқини таниган «озод мамлакатлардан бири» ҳисобланади. Очигини айтганда, қўл савдоси бу ерда ҳеч тўхтатилмаган, аксинча, қўл савдоси бу ерда шарафли ҳисобланади.

Қўл савдоси ҳақидаги қонун 1936 йили таъсис этилган эди. Ана шу қонунга биноан, қўлларни мамлакат ичкарисига бемалол олиб сотиш мумкин бўлиб, уларни чекланмаган миқдорда асраш, хоҳлаган кишига мажбурлаб сотишга руҳсат бериларди. Уша қонун кейинги ўн йилликлар даврида ҳам деярли ўзгармай қолди. Шунинг учун ҳам Соудия Арабистонида қўлаб қўл бозорлари пайдо бўлди. Уларнинг энг йирикларидан бири Макка, қўллар майдони, деб аталар эди.

Қўл бозорларига ажнабийларнинг кириши тақиқланган бўлса ҳам, лекин ҳақиқатини яшириб бўлмайди. Таниқли инглиз шарҳшуноси Х. Филби ўзининг «Қирқ йил қўлликда» китобида Соудия Арабистонида бўлаётган қўл савдосидек дахшатли ҳақиқатни биричилардан бўлиб очиб ташлади. Ана шу бозорларда қўлларни битта-лаб ҳам, олти-еттита-лаб ҳам сотишар экан, деб ёзади у. Сотилган келтирилган қўлар ёпиқ жойда асралиб, уларга нон ва сувдан бўлак ҳеч нима беришмайди. Фақат бозор кунларигина бу қўлар эсга олинади.

1960 йили Соудия Арабистонида борган ҳинд журналисти Ф. Колабавала бугунги кунда «қўлларни сотиш учун бозорда ҳайвон сингари айланганди» юришибди, деб ёзади «Вилт» газетасида босиб чиқарган мақоласида. Соудия Арабистонида бир гуруҳ қўл болаларни занжирга боғлаб, бозорга ҳайдаб келтирилганлигини кўрганлар ҳам бор.

Яқинда уша мамлакатларда бўлиб, инсон қадр-қиммати қанчалар ҳақоратланганини ўз кўзи билан кўрган машҳур да-ниятилик ёзувчи ва журналист П. Бич ўзининг «Арабистон чодирини ичида» китобида қўлидагиларни ёзади: «Қиз болани қўл бозорига сотиш учун келтиришганда, даст-лаб уни ечинтиришмайди... Лекин харидор талаби биланқў, қўлдор уни махсус чодирга олиб кириб, «шаҳсан қўриб чиқиш учун» харидорга кўрсатади. Харидор кўпинча ўзининг бўлгуси қўлида ҳеч қандай юкюмли касалик йўқлиги ҳақида табиб берган гувоҳномани ҳам талаб қилади...»

«Ўзгараётган Эрта Шарқ» китобини ёзган Америка профессори Э. Ленгвель ҳамда унинг ҳаммаси «Соудия Арабистони» китобининг муаллифи Ф. Липскийнинг берган маълумотларига қараганда, нефть тармоғининг юксалиши, мамлакатда қўлликни сақлабгина қолмай, балки унга бўлган эҳтиёжни қуяйтириди, қўл нархини ошириб юборди. Х. Филби ўз осдаликларида

30-йилларда қирқ ёшгача бўлган эркеклар беш юз, ҳарам канизаклиги учун сотилган суданлик, ҳиндистонлик ёки эронлик оқ танил қизлар икки юз йигирма бешдан — тўрт юз тўқсон долларгача, негр қизлари эса арзонроқ баҳоланган, деб ёзади.

Уша вақтдан буён кўп ўзгаришлар рўй берди. 60-йилларга келиб, эркек қўлларга қўйилган баҳо етти юз эллиқ доллар ва ундан ҳам ортиб кетди. Оқ танил қизларнинг нархи эса икки мингдан, икки минг уч юз долларгача ортди. Италиянинг «Жорно» газетасида босилган мақолада Соудиянинг Рим шаҳридаги элчиси, Соудия шохининг ўғли Ибнга 15 яшар қизни йигирма минг долларга харид қилиб, совға этилганлиги ёзилган эди. Бугунги кунда эса ёш қизлар учун ундан ҳам кўпроқ ҳақ тўланади.

Хуллас, қўл савдоси кўпгина маҳаллий кишиларнинг катта фойда келтирадиган манбага айланиб қолган. 50-йилнинг ўрталарида француз попи Э. Я. Гравьер Соудиянинг энг катта қўлдорлари бўлган Эль-Гарру, Мимиша, Ибн-Назир, Абдулла Ибн Мараванларнинг номларини аниқлади. Шарқча бирмунча кечроқ борган «Нью Стейтсмен» журналининг муҳбири Б. Карней бу қўлдорлар қаторига Ибн-Грубайба, Эль-Мирини ва бошқаларнинг номларини ҳам киритди. Совет тадқиқотчиси Н. И. Прошиннинг берган маълумотига қараганда, қўл савдоси билан баъзи юқори табақа кишилари, масалан шох саройининг бошқарувчиси Юсеф Ясин, Жидда шаҳрининг ҳокими Абдулла Ваухейронлар ҳам шугулланганлар.

Хўш, бугунги кунда қўллар қаердан келиб чиқади? Чегара қабилалари ўсмир болалар ва қизларни ўғирлайдилар, Осиё ва Африканинг майда мамлакатларида яшовчи қашшоқ халқнинг болаларини сотиб оладилар, дейди Н. Бич. Бундан ташқари, дейди Г. Липский, ҳар йили Маккага тўп-тўп бўлиб келадиган аҳолининг кўпи ҳам аста-секин қўлга айланади.

Соудия Арабистонида қўллар кун сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунда подшолик қилаётган шох Фейсал «Монд» газетасининг муҳбири билан қилган суҳбатда, «бизда қўллар умуман деярли кўп эмас», деб айтди. Лекин далиллар бунинг аксини тасдиқлайди. 50-йилларнинг ўрталарига келиб, АҚШлик Мультернинг берган маълумотига қараганда, Соудия Арабистонида икки юз эллиқ минг қўл бўлса, 60-йилларда қўллар беш юз мингдан ортиб кетди.

Жамоа бошлиқлари ҳамда шаҳарнинг катта савдогарлари йирик қўл эгаларига кириди. Яқинда, «Ньюс-уик» номли америка журналида босилиб чиққан бир ма-

қолада, сўнгги Соудия шохининг ўн мингга яқин қўли бўлган, дейлади.

Соудия Арабистонида ўн минггаб қўллар энг қийин ишларда ишлатилади. Масалан, саҳроларда қарвон етаклаш, хўжайиннинг молларини боқиш, ёқиларни сугориш, ёнилги тайёрлаш каби ишларнинг ҳаммасини қўлар бажаради. Қўллар балиқ овлайди, денгиз остидан қимматбаҳо тошлар топиб чиқади. Қўллардан ҳамшира, ошпаз, фаррошлар ҳам бор. Ҳатто ўйнаш қўллар ҳам бўлади. Қўлларнинг ёш қизлари, шайх ва амрларнинг ҳарамлари «безайдила», ёши ўтган чўрилар хизматкор сифатида ишлатилади.

Қўл қочини ёки хўжайинга қарши хуружин ихтиёр қилса, қийнаб ўлдирилади. Ф. Колабавала ва бошқа шохидларнинг айтишларича, қўл қочётганда қўлга тушса, олдин уни сулайтириб урадилар, кейин қўлочини кериб боғлаб ташлайдилар. Қочмоқчи бўлган бошқа қўлларга ўрناق, деб шундай қиладилар. Эр Рияд майдони ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир гуруҳ бўйсунмаган қўллар «кўрғазма» тариқасида ўлдирилгани маълум.

Соудия Арабистони тарихида ҳалигача қўлларни ҳимоя қилувчи битта ҳам қонуни чиқарилмаган. Қўлдорликни тутатининг бирдан-бир натижаси қўллар нархини ошириб юборди. — деб ёзган эди Габрий Германия журнали «Ревью». Тўғрли Ойини этак билан ёпиб бўлмайди. Бугунги кунда қўл нархи ортиб бормоқда. Аҳвол шу даражага етдики, 1965 йилнинг охирида Аден газетаси «Фатат ул Жазира»нинг эшича, Соудия Арабистони ҳукумати яқинда эркекларни етти минг доллардан, айёлларни эса тўққиз минг саккиз юз доллардан зиёда сотиш ман қилинади, деган янги қонун чиқарди.

В. БОДЯСКИЙ.

(«Азия и Африка сегодня» журналидан қисқартриб олинди).

Журналлар

саҳифаларидан

ТИЛИМИЗДАГИ АРАБ

СЎЗЛАРИ

Араблар VII-VIII асрларда Ўрта Осиёни забт этганларидан кейин ўз ёзувларини, ислом динини зўраб киритдилар, араб тили давлат тили ҳисобланди, илмий, қисман баъдий асарлар араб тилида ёзилди. Бу ҳол араб тилининг таъсирини кучайтирди.

Араб тили Шарқда Европа халқлари тилида лотин тили ўйнаган вазифини ўтаган. К. Маркс сўзлари билан айтганда, араб тили кун чиркиннинг лотини ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Шарқдаги мусулмон халқлар тилида араб сўзлари кўп учрайди. Масалан, форс тили луғат таркибининг аллик-олтмиш фоизи, баъзи туркий тиллар луғат таркибининг ўттиз-ўттиз беш фоизи араб сўзларидир. Луғавий жиҳатдан араб ўзагига алоқаси бўлган баъзи сўзлар ҳозирги тил тафраккуримиз нуқтан назаридан бошқа тилдан олинганлиги сезилмайди. Масалан, қалам, китоб, ватан, дунё каби баъзи араб сўзлари эски давлат тузуми ва диний тушунчаларни ифодалагани учун тарихийликка айланган. Масалан: қози, амир, муфти, имом, ҳамда каби. Бошқа бир қатор сўзлар кучли маъно ўзгаришга учраган ҳолда ҳозирги адабий тилимизда қўлланилади. Масалан: муқаддас, имон, арафа, савоб, шаҳид, зиярат, мухлис, табаррук каби.

Араб сўзларининг асосий қисми ўзбек тилига от кўрнинида қабул қилинган. Кўпчилиги маъмув тушунчаларни ифода қилиб, китоб, ёзув орқали ўтгандир (Ф. Абдуллаев). Араб тилида аниқ нарсалар билан боғлиқ бўлган сўзлар ҳам ўзбек тилида фақат маъмув маънодагина қўлланилади. Масалан: галаён (сув қайнаши), миқёс (ўлчов, ўлчов асбоби), мавж (сув тўлини), соҳиб (ҳар нарсанинг эгаси), қомат (ҳар қандай бўй), айём (кунлар), гўбор (чанг), Шунинг ҳам айтиш керакини, араб сўзлари ўзбек тилига бевосита ўтишдан ташқари ўзбек халқи билан тарихан яқин алоқада бўлган эроний гуруҳдаги тиллар (асосан тожик тили) орқали ҳам кирган.

Бунинг, араб сўзларига тожикча морфемалар қўшиб ясалган. Дарҳақиқат, дарҳол, бакуват, бадавлат, гамхўр, ҳаваскор, мансабдор, мулкдор, қарздор, ноҳақ (С. Усмонов) каби сўзлардан биланса, яна ўзбек тилида баъзи маъноси ўзгарган араб сўзлари тожик тилидаги ўзгариш орқали ўзбек тилига ўзлашган. Масалан: арабча шойи, тожик тилида шойи ва ундан ҳам юпқа газлама (газ) маъносига касб этиб, шу кейинги маъносига ўзбек тилига кирган. **Фалз** — араб тилида: 1) қалин — катта, 2) қўпол, қаттиқ маъноларини бидирса, тожик тилида қалин, зич маъноларидан ташқари баҳазим, оғир овқат, тушунилишни қийин нутқ маъноларини касб этиб, шу охириги маъносига сўз ўзбек тилига ўтган.

Араб сўзларининг кўпчилиги ўзбек тилига бирлик шаклида қабул қилинган: аввал (авоия), боб (авбооб), вази (авзап), ваҳм (авҳом), ватан (автом), ваҳш (вуҳуш), дин (адён), даҳиқ (даҳойиқ), зеҳн (азҳон), заиф (азуфоя), мансаб (маносиб), нур (аквор), нафис (нафонс), рақам арқом), синф (асноф), уфқ (афоқ), унсур (аносир), лойиҳа (лавойиҳ), сокин (сакана) каби.

Айём, алвон, ашё каби сўзларнинг фақат кўплик шакли қабул қилинган.

Ҳолва — ҳаловот, хотир — хавотир, нав — анво, хабар — ахбор, сабаб — асбоб, худқ — ахлоқ, узи — аъзо, руҳ — арвоҳ каби сўзларнинг бирлиги билан бирга кўпчилиги ҳам ўзлашган бўлиб, маънолари ўзaro фарқланган. **Расм-русум, ҳол-аҳвол, шарт-шароит, ҳақ-ҳуқуқ** каби сўзлар баъзан жуфт қўлланилиб, умумлашма маънони ифодалайди. Тарихий асарларда **олим-уламо, вазир-вузаро, амир-умаро, фақир-фуқаро** кабилар ҳам учрайди.

Араб тилидан кирган бир қанча сўзлар ўзбек тили заминидан ўз маъносини ўзгартирди. Масалан «**ватан**» сўзи араб тили заминидан уйғор, туркидан ер маъносидадир. Ўзбек тилида бу сўз кенг маънода — **ер, туПРО, яшаш жойи, мамлакат** каби маъноларини касб этган: **Советлар Ватани, Ватаним Ўзбекистон**. Шу кейинги маъноси орқали «**ватан**» сўзи ўзагидан **ватанпарвар, ватанпарварлик, ватандош** каби янги сўзларнинг ясалishi ҳам янги ижтимоий-иесий маъно ажралишини кўрсатади.

Айём — арабча кунлар демакдир. У ҳозир умуман байрам, яхши дамлар маъносига қўлланилади.

Боб — ашн маъносига бўлиб, ҳозир **қисм, бўлан** маъносига келади. Бундан ташқари бу сўз баъзан «**ҳақида**», «**соҳасида**» каби кўманчи вазифасида ҳам ишлатилади.

Басир — сўзи **кўриш, билиш** маъноларига бўлиб, ўзбек тилида унга зид бўлган **кўр** маъносини ифодалайди. **Кўр бул, басир бул!**

Юқоридagi сўзлардаги маъно ўзгариши тил тараққиётининг ички ўзаро маъно ажралиши қонунлари асосида бўлса, меҳнат сўзидagi маъно ўзгариши ижтимоий муносабатлардаги ўзгариш билан боғлиқдир.

Меҳнат тарихан **заҳмат, эмгак** сўзлари билан маънодош бўлиб, **азоб, уқубат, алам, машаққат** каби салбий маънони ифодалаган. Ҳақиқатан ҳам инқилобгача ёзувчи синфининг фойдаси учун қилинган меҳнат халққа азоб-уқубат, оғир юк бўлган. Улут Октябрь инқилобидан кейингига озарбайжонларда — **заҳмат, киргизларда — эмгек, қозоқларда эмбек, татарларда — хизмат** сўзлари орқали ифодаланган меҳнат чинакам роҳатнинг манбаига айланди.

Гулшод МУҲАММАДЖОНОВА,

А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

Қува сўлим табиати, ширин-шарбат мевалари билангина эмас, балки ажойиб шоирлари билан ҳам фахрланса арзийдиган маскандир. Бу ерда яқин ўтмишда бутун бир адабий мактаб бўлиб, унга олим, рассом, ҳаттот, наққош ва истеъдодли шоир Абдуқодир Маҳсум — Нозик бошчилиқ қилган. Бунинг устод санъаткорнинг ўз қўли билан тузган нодир девонини қўлга киритишимиз, етук шоир, ҳаттот Надимийнинг тўрт юздан ошиқ пароканда ҳолидаги шеърларини тўплашимиз, Қувада яшаб ижод этган Корича Ҳожи-Розий, Мулла Ҳошим Домла-Насимий каби шоирлар ижоди исбот-лайди.

Нозик мактабига мансуб бўлган етук шоирлардан бири Турсунали Қаландар ўғли — НАДИМИЙ инсон ва санъаткор сифатида ажойиб шахсдир. У 1876 йилда Фарғона область Қува районидagi Мозорқишлоқда (ҳозирги «Коммунизм» колхозида) ўз даврининг маърифатли, маданиятли оиласида дунёга келади. Унинг маънавий шаклланишида отаси — Қўқондаги Мадрасайи Гиштининг иккинчи мударриси Қаландархожи ва онаси Зебинисо муҳим ўрин тутади. Ота-она шеъринатга қизиқибгина қолмай, ўзлари ҳам дурустгина шеърлар ёзганлар. Шоирнинг катта қизи Саодат яқин айтишчица, Надимий тўққиз яшарлигидан шеър ёза бошлаган. Ҳар ҳолда, у инқилобгача истеъдодли шоир бўлиб танилган.

НАДИМИЙ

Октябрь инқилоби кўпгина ёзув, чилар қатори, Надимий ижодига ҳам ижобий таъсир қилди. Бу даврга келиб, шоир шеърларининг мавзуси кенгайди, уларда қишлоқ ҳужалигини коллективлаштириш, комсомоллар ҳаёти, кураши, мактаб-маориф, қулоқларни синф сифатида тугатиш, хотин-қизлар озолиги каби янги мавзулар ёри-тига бошлайди. Надимий янги ҳаётнинг кўйисигина бўлиб қолмайди, уни куриш ва мустақамлашда фаол қатнашади.

Гражданидан уруши, колхозлаштириш ҳаракатининг ветеранлари Бойбобо Абдуллаев, Орифжон Қорабоев, Раҳимжон Ақромов, Турғунбой Маддровлар Надимий ҳақидаги хотираларида: «...шоир бизта комсомолларнинг ишимизга катта ёрдам берар эди. Айниқса, шюрлар, байроқларни гўзал, нафис қилиб ёшида ҳечким Маҳсум аванинг олдига туша олмасди. Надимийнинг бу иши руҳонийларга,

НАДИМИЙ

Кўрсатуб қўзларга бу дам машқи чанг айлар рубоб,
Навмед этманглар бу тургон ошиқи бағри кабоб.

Пардайн жон комидин қўлса наво созандалар,
Машқи таъсири танимга бўлғуси мисли симоб.

Нағмайи нори хаёлимга тушур қилса наво,
Жон турурга сабри қолмай, тап бўлур бетобу тоб.

Дийдалар ичра йўлида ташнайи дийдор ўзум,
Жону дил ўтлуг кўнгул ичра ёнур бу тан хароб.

Қадди зебо сарву рафторида доим жилвалар,
Мунтазир йўлида бўлсам арзигай хоки туроб.

Зоҳидо, аҳли маломатларга тушса партавинг,
Масъи беҳушинг бўлур бир журъайи ичмай шароб.

Кимса таслим айламас норинг қадинг рафторига,
Бағри қонлиғ нечайи аҳли хирадлар кўзда об.

Бир кўруб гулчехра хандонинги бўлдим мубтало,
Ҳасрат учун ёзғуси ётмай Надимий бир китоб.

Ҳукумат тартиби дунё тузуб юрмоқда бор ўлсун,
Ҳақиқатчилар бу Шўро ичинда бегубор ўлсун.

Топар роҳат кимники бўлса бу дунёда меҳнаткаш,
Кўруб юрсам рафтори жаҳонинг бирла ёр ўлсун.

Очуб ёшларга дехқон курси бирла агрономи бор,
Ўқуб янги усуллардин знеда ҳушёр ўлсун.

КУБОГИЙ

қулоқларга ёқмаганидан уни «Шўрога сотилган», «Байроқчи Мулла» деб камситмоқчи булар, ивго қилиб унга зарба беришга уринар эдилар» деб ёзадилар.

Шоир Надимийнинг қадрдон дўсти, республикада хизмат кўрсатган ирригатор, Усмон Юсупов номли Ката Фаргона канали бошқармасининг бошлиғи Бузрукўжа Усмоишўжаев шоир Надимий ҳақида шундай ҳикоя қилади: «1929 йилнинг куз қушларидан биринчи область партия комитети мени Қувага Маҳаллий Советларга сайлов ўтказиш учун вакил қилиб юборди. Бу вақтларда кишиларга совет сайловининг моҳиятини тушунтириш осон иш эмас эди. Шунда шоир Надимий жуда катта иш кўрсатди. У кечани кеча, кун, дунини кундуз демай, шорлар, байроқлар битар эди... Шоир қизил чойхоналарда, халқ тўпланган ерларда Совет ҳокимиятини улуғловчи, маҳаллий Советларга яқ-

диллик билан овоз беришга чакирувчи шетрларини ўқиб берар эди. Агар адашмасам, шоир шетрларидан бири шундай бошланар эди:

Бугун Шўрони сайлашга
Белингни боғла меҳнатнаш...

Иўлдош ота Охунбобоев ҳам Надимий билан қалин дўст бўлган. Ота Надимийнинг истезодли шоир эканлигини, уни эҳтиёт қилиш ва унга ҳар томонлама ёрдам бериш зарурлигини ўқтирар эди».

Надимий Ҳамза Ҳакимзода билан ҳам шахсан таниш ва яқин алоқада бўлган. Бу тўғрида шоирнинг қизи Саодат ая бундай дейди: «Дадам Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан жуда қалин дўст эди. Ҳамза бизнинг уйимизда бир неча марта бўлиб, дадам билан суҳбатлашган, шетрхонлик қилган».

Надимий ўз шетрларидан биринчиси:

Деди ўртоқларим
табъи равонинг бўлса назм
этиги,

Замон бардошига лойиқ,
Надимий, бир шоир ўлсун,—
деди. Фирқимизча, «замон бардошига лойиқ» асарлар муаллифи Надимий Қубогий чуқур илмий тадқиқотга лойиқ санъаткордир.

Муҳаммаджон МАДҒОЗИЕВ,

Улугбек номли Фаргона Давлат педагогика институтини ўзбек адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси.

НЕГА ШУНДАЙ ДЕЙМИЗ

Ўлик бўрини ит тишламас

Одатда ит бўри билан тириликда олишади, аммо ўлгач, унга қўрамайди. От, ҳўни ва бошқа ҳайвонларнинг ўлигини еяверадия, ўлган бўрининг эгини емайди.

Маъжозий маъноси шундай: киши бир-бирига ҳар қанча душманлиги бўлса, ҳаётлик даврида олиша аризи. Ленин ўлгандан кейин унга душманлик қилиш, уни ёмонлаб, ҳақоратлаб юриш номардлик ҳисобланади. Халқ бу мақоли билан: мард бўлсанг, нега тириликда олишмадинг? Ўлгандан кейин улигига кучинг етдими? Ахир, ит ҳам бўри ўлигини тишламайди-ку. Игдан ҳам бақтар экансан! — демоқчи бўлади.

Сан солор, ман солор, отга чўпни ким солар?

Хонлар замонида инки сипоҳ-солор* бўлар экан. Иттифоқо улар йигитсиз** сафарга чиққанлар (одатда солорлар йигитсиз юрмас эдилар). Бир манзилга нелиб, тушланмоқчи бўладилар. Ҳар инкиси қанжигасиди*** пишириган овқатларни, нонларни ўртага қўйиб, еябошлаган. Қоринлари тўйғач, ёнобшобла, у ёқ бу ёқдан гаплашиб ётишган. Бир маҳал отларининг от қолгани эсларига тушиб қолади. Ҳозир йўлга тушишлари керак, оларга хашақ солмаса бўлмайди. Ленин, ким соларди? Инқови ҳам асар бошлиғи — ҳуқуқи бир. Улар сипоҳлик қилиб, отга қарашни ўзларига ор билиб, ким ўтираверганлар. Агар йигитлари бўлганида одатлари бўйича «тур, отга чўп сол!» деб буйруқ берардилар. Энди отга чўпни ким соларди? Ахир, биттаси чидавалмай, ҳамроҳига: «Сан солор, ман солор, отга чўпни ким солар?» депти...

Бу гап халқимиз ўртасида мақолга айланиб кетган. Агар инки киши манманликини ташламай, «мен фалончи бўлатуриб, шуни қиламанми?!» деса, инқинчиси ҳам шундай деса, ишлар сансолорликда қолиб кетади. Мана шундайларга юқоридоғи мақолини ишлатадилар ёки қисқача қилиб, «сан солор — ман солор қилмаларинг», деб қўядилар.

Қайнсингил — қайнона сингил

Баъзи қайнсингил келинини худди онасидек тергаб, койиб, иш буюриб турадиган бўлади. Ҳатто уни камситиб, личинг отиб, ўтирса ўпоқ*, турса сўпоқ**, деб масҳара қилади.

Шундай қайнсингилдан нўйган бир келин ўз яқинларига: «Э, у қайнсингил эмас, қайнона сингил!» — деган экан. Бу гап мақолга айланиб кетган.

Чекингга тушганга чекчайма

Илгари замонда ҳоким, бек, амин сингари амалдорлар хонга бирор фойдали хизмат кўрсатиб, ёқиб қолган бўлсалар, хон уларга шаҳардан ташқари ерлардан бир ё инки чек инъом қиларди. Бу чек минг ботмом, инки минг ботмом ёхуд ўн минг ботмом, беш минг, ўн минг, йигирма минг танооб бўларди.

Табии, бунча ерни уларнинг ёлғиз ўзлари эплай олишмас, шунинг учун юз-инки юз эрсиз деҳқонга бўлиб беришарди-да, чиққан ҳосилига шерик бўлишарди. Албатта, бу ерлар бир текисда бўлмай, қирли-сойли, сувли, сувсиз, шўроч, сизот, тепалик, чуқурликдан иборат. Шундай бўлгандан кейин ер олувчилар текис ва сувли ерларни таллашиб, жанжаллашдилар ҳам турган гап. Шунинг учун танообчи ўн, йигирма ё ўттиз кишини мўлаллаб арқон тортарди-да, бир парча-бир парча қорозга одамларнинг номини алоҳида-алоҳида ёзиб, бирма-бир ўраб, қалпоқча соларди. Кейин ёш бола ё ҳолис бир одам ҳалиги ўроғлиқ қорозларни бирма-бир олиб, одамларнинг номини айттаверар, шунга қараб танообчи ерни бир чекадан бўлиб бераверар эди. Кимга текис ва сувли, кимга қирли-сойли ер тушгани билан унинг иши йўқ. Чекига тушган ерни ўша одамнинг номига ёзиб, васнича қилиб беради.

Шунда ҳар ким ўз чекига тушганга рози бўларди. Мабодо бирортаси рози бўлмай, жанжал кўтарғудай бўлса, атрофдагилар «чекингга тушганга чекчайма», дер эдилар.

Бу гап маъжозга ҳам кўчган. Масалан, уч-тўрт одам шерикчилик бир иш қилади-да, чиққан фойдани бўлиб олади. Агар уларнинг бирортаси тенан улуддан норози бўлса, шериклари «чекингга тушганга чекчайма!» деб танбех берадилар.

Шотурсун ШОМАҚСУДОВ,
Шўхрат ШОРАҲМЕДОВ.

* Сипоҳ-солор — асар бошлиғи.

** Йигит — бу ўринда адъютант маъносига.

*** Қанжига — ёғар орқасига боғланадиган қайиш. Унга овқат халта, юк боғлайдилар.

* Ўпоқ — асли увоқ — кичкина, майда.

* Сўпоқ — қийиш.

ҒАЗАЛЛАРИДАН

Тараққиёт оламда илмсиз бўлса бебаҳра,
Бу кўрмоқ илм ташкилоти ичинда ахтёр ўлсун.

Бу Шўро хизматида юрмакни қасд этса ҳар қилнинг —
Саводи хат ҳисобу ҳандаса билмоқда бор ўлсун.

Бутур мактаб, кетур матлабини ёшлар, имтиҳонлик бўл,
Яшаб ёшлар бўлб ёш юруб саф-саф қатор ўлсун.

Келиб дунёга инсонлигинини элга нэхор қил,
Илм ёки ҳунарсиз юрмагини оламда ор ўлсун.

Азиз жонинг саломат мулки танда боқадар, ёшлар,
Ўқуш, илму адабхону дилнинг бирла қарор ўлсун.

Деди ўртоқларим табъи равонинг бўлса назм этгин,
Замон бардошига лойиқ, Надимий, бир шоир ўлсун.

* * *

Жаҳон ойинасини истар эрсанг, кел, ғазалхон бўл,
Талаб хотирда бўлса тахти кўнгул узра султон бўл.

Ғазалхонлик фақирю подшога дил насибдур,
Муносибму бўлиб инсон таворихларга нодон бўл.

Фикрлик яхши инсонлар била зикр айлашиб доим,
Жаҳон турмушларини ўйлаб халойиқча суҳандон бўл.

Енар кўксингда, эй дил, оташи шавқи муҳаббатдин,
Урур тоши маломат тешасин жисм ила сангдон бўл.

Кимини зарра шавқи бўлса гулшан бўйини истар,
Баёзи мақсади дил боғини истаб гулистон бўл.

Надимийдек яшаб қирқ олти ёшга ёш кўнгул бўлсанг,
Сенга суд йўқ, юрмуш қилгон ишга минг пушаймон бўл.

Мураббийлар

қўлдоши

«Совет мактаби» журнали илгари наш қилинган «Маориф», «Билим йўғочи», «Маориф ва ўқит-ғувчи», «Политехник мактаб ва педагогика», «Совет педагогикаси» журналларининг давми сифатида дунёга келди.

Журналнинг 1951 йилда чиққан биринчи сони ўн минг нусхада чоп этилди. Ушга пайт республикамизда беш мингта мактаб бўлиб, уларда қарийб эллик минг ўқитувчи ишлар эди. Журнал ўзининг биринчи сонидан бошлабоқ халқ маорифи ходимлариға, ўқитувчи ва тарбиячиларға таълим-тарбия ишларини яхшилашда, мактаб билан жамоатчиликнинг илоқасини мустақамлашда кўмаклашди. Журналнинг қатор сонларида ўнлаб қизиқарли мақолалар берилди. Республикамининг ота-хон санъаткори Юнус Ражабий, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, забардаст қалам соҳибни Мақсуд Шайхзода, донгдор механизаторлар Турсунои Охунова ва Валентин Тюпка, СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Мукаррамахоним, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, болаларнинг севикли шоири Қуддус Мўхаммадий, атоқли халқ устаси Абдулла Болтаев, машхур соҳибкор Ризамат ота Мусамўхаммедов, икки марта Социалистик Меҳнат Қарамони, донгдор чўпон Жабай Балманов ва бошқаларнинг ўлариз ўринбосарлар тайёрлаш бодивеи самарали ишлари ёритилди.

«Совет мактаби» 50 ёшга тўлди. У энди ўқитувчи ва халқ маорифи ходимлариға астойдил хизмат қилмоқда. Журнал ҳозир олтинчи минг нусхада бошляпти.

«Совет мактаби» ўзининг: «Педагогика ва психология», «Таълим ва тарбия», «Политехник таълим ва меҳнат тарбияси», «Халқ маорифининг ташкилий масалалари», «Танқид ва тақриз», «Бизга ёсадилар» бўлимлари ҳамда «Халқ маорифининг кадрлари», «Партия турмуши», «Ўринбосарлар тайёрлаймиз», «Социалистик мамлакатлар», «Чет элларда», «Қардошларимиз таърибасидан» каби рубрикаларида хилма-хил мақола ва хабарлар ёритиб келляпти.

Редакциямиз аҳли ва унинг қўли сонли феола муаллимлари келушида журнал савиясини янада ошириш, халқ маорифи олдига ва зифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишида ўқитувчи ва тарбиячиларға илмий-назория ва амалий ёрдамни қийайтириш учун астойдил курашади.

Тоҳир ЗУФАРОВ,
саркотиб,

Ҳасан ЗУННУНОВ,
бўлим мудир.

башилар

дўстларимиз

маорифчилар

Мен, юрпим, республикам

Стол устидаги мрамар сиёҳдонга боқиб хайлга толдим. Илгари эътибор бермаган эканман. Иллар ўтган сари у ноёб мўъжизага айланб бораётганини сездим. Сиёҳдондаги «Устоздан шоғирда, ҳурмат билан» деган ёзув ўн йил бурунги воқеани ёдимга туширди.

— Баъзан қўл бўшаганда тош йўнишни ҳам эрмак қиламиз, ука,— деганди ўшанда Абдулла ака Ҳайитов сиёҳдонни менга тақдим қилаётди,— мендан сизга кичкина эсдалик.

Бир парча мрамарни шу қадаг чиройли, нафис ҳолатга келтирган устозимни кўргим, унинг мрамар қақидига ажойиб ҳикояларини яна бир бор тинглагим келди. Сиёҳдон баҳона— Ҳозгон томон равога бўлдим.

Ҳозгон мрамари Шарқда қадим-қадимдан машхур. Бир вақтлар ана шу нодин тошдан Арабистон, Эрон, Ҳиндистон ҳукмдорларига совғалар ясаб юборилган. Бундан қарийб икки юз йил муқаддам машхадлик машхур тошйўнар Шоали Машхадий ўз ҳукмдорининг буйруғи билан Ҳозгонга келди ва умрининг охиригача шу ерда тош тарошлайди. Устанинг қабри Ҳозгоннинг шимолий тарафидаги тоғ ёнбағрида. Қабр тошига Шоалининг ўз қўли билан битилган арабча ёзув унинг насл-насабини, касби-корини кўрсатади.

Ҳозгоннинг ўзидан ҳам моҳир тош наққошлари етишиб чиққан. Улар бойларнинг иморатлари, мачит-мадрасалар учун ана шу мрамардан наққинкор устуллар йўнишган. Чиройли сандалтош, нонтош, товоқ, лаъли, қўл ва сув тегирилларни, мандалдонлар ясаган. Ҳозир ҳам ғозгонликлар ва қўшни қишлоқлар хонадонларида халқ ўймакорлик санъатининг бу ноёб намуналарини учратни мумкин.

Ҳозгондан қарийб етмиш қақирим шарқда жойлашган Жўш қишлоғида бир мрамар тош бор. Тошдаги ёзувга кўра, унга тўрт юз йил муқаддам Мўхаммад Ҳозгоний сайқал берган. Мрамарга шоир Яъқуб Мирзо* томонидан айтилган тўрт мисра шеър наққош томонидан гоят нозик дид билан битилган:

Дунёки, дар ў сабот кам мебинам,
Дар ҳар фараҳаш ҳазор гам мебинам,
Чун қўҳна работестки аз ҳар тарафаш
Роҳи ба биёбони адам мебинам.

Яъни: Дунёнинг саботин гоят кам кўрдим,
Бир лаҳза қувончдан мингта гам кўрдим.
Бу кўҳна работга қаердан боқмай,
Йўқликка элтувчи йўл-қадам кўрдим.

Ҳозгоннинг шимолий томонида, Шоали қабридан беш юз қадамча гарбда Шоҳимардон «мозори» бор. Бу ерда мрамарга битилган ёзувларни, турли шаклдаги мрамар тахталарни ва мрамар устулларни истаганча учратасиз. Мозор сиртига, пештоқига юпка мрамар тошлар шундай устакорлик билан терилганки, наққош ва бинокорнинг дид-фаросатига, ақл-заковатига таҳсинлар ўқмай илжонингиз йўқ. Оқ, кул ранг мрамар тахталарнинг бўйи эллик, эни ўттиз сантиметр келади.

Шоҳимардон мазори ҳовлисиде турган катта дошқозон диққатимизни тортди. Шакли оддий қозонлардан фарқсиз. Қалинлиги ўн беш сантиметр. Диаметри бир ярим метр келади. Ичига олти юз эллик, етти юз литр сув сигади. Оғирлиги уч тоннадан зиёд. У йўнилиб, қозон шаклига келтиргунча таҳминан етти, саккиз тонна бўлса керак. Ажабо, бундай баҳайбат тошин улкан кўтарма кранлар бўлмаган замонларда жойидан қўзғатиб қандай ҳовлига киритган эканлар?

— Бу мрамар қозоннинг қандай ясалганини эс-эс биламан,— дейди кекса педагог Абдулла ака,— ўшанда саккиз, ўн ёшларда эдим. Уста Абдурахим. Умирбобо ва отам учови Бухоро амри Олимхоннинг буйруғи билан Сторан Мохи Хося учун шу қозонни ясаётганлариде бу ерга тез-тез келиб турардим. Усталарнинг гапларидан аналдимки, қозон фонган— сув отқич бўлармиш. Амир Ялтада кўрганидек, Бухорода ҳам фаввора ясаётмоқни ихтиёр этибди. Усталар тиним билмай ишлар, азондан хуфтонгача қозон атрофида куймаланишарди. Качо қараманг, уларнинг юз-қошлариде, соқоллариде тош гарди. Худди тегирилчиларға ўхшарди.

Баъзан ёрдамлашардим. Болға, метин, эгов ва бошқа асбобларни узатиб турар, улар бир шёла чой ичиб олгунча тош чўкичлаб ўтирардим. Отам менга ўз хунарини эринмай ўргатарди.

Уч киши заҳмат чекиб, салкам икки йилда тарашлаган мрамар қозон ҳам, шер ва денгиз балғининг бошига монанд қилиб ясалган обидалар ҳам жой-жойда қолди кетган. Инқилоб бошланиб, амир уларни Бухорога олиб кетишга улгиролмаган.

Маамар қозон ярим аср ётибди ҳамки, ўзгармабди, бирор ери емрилмабди. Валки, яна минг-янинг иллар шу холда турар? Лекин ноёб санъат намунаси бўлган обиданинг бу ерда, хилватда керакисз тошдай ётишидан на фойда? Уни бирор мўъжизага тошпириса аини мудоао бўларди.

Ҳозгонлик кексалар, усталар устаси Абдурахим Турдиев мрамардан дераза учун ойна ясаган Бобомурод ва Қурбонбой, шоир ва наққош Хайитмурод Йўлдошев (тахаллуси Сангкан)ларнинг номларини айнақса ҳурмат билан тилга олишарди.

— Отам ўз хунарини гоят севарди. Гоҳо ясаган товоғига зигирдай белги қўйиш учун соатлаб уларни, аммо сира номлимасди. Товоғи дидга ёқмагунча пардозлагани-пардозлаган эди. Диққатталаб, сермашақат, лекин фараҳбахш ишига қалб қўрини, кўз нурини аймай тўкарди,— дея аслайди Абдулла ака.

Ҳа, Хайитмурод — Сангкан шўнақа заҳматкаш одам бўлган. Унинг қўлида сайқал топанг товоқларнинг ҳар бирига бир-икки байт ўзбекча ёки тожикча шеър битилган. Мана, намуналар:

* Навоий, «Мажолис-ун-нафос», 172—173-бетлар.



БҮРИГУЛ

Табиат мўъжизакор. Ҳар бир туп ўсимлик, ҳар бир туп даракда ҳали инсонга маълум бўлмаган сир яширинган. ЎзССР Фанлар академияси Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари мана шу сирни очиб инсонга хизмат қилдириш устида иш олиб боришмоқда. Яқинда журнал ходими Шунурулла ФОЗИЛОВ институт дорихунослик лабораториясининг бошлиғи ҳузурда бўлиб, илмий ходимлар қандай муаммолар устида ишлашаётгани, қандай кашфиётлар очганлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Муҳаммадҷон СУЛТОНОВ:

— Кейинги ўн-ўн беш йил давомида институт ходимлари Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида ўсадиган ўсимликларни ҳар тарфлама ўрганиб, улардан юздан ортиқ ишқорсимон моддалар — алкалоидлар ажратиб олишди. Бу алкалоидларнинг кўпи дори-дармонлик хусусиятига эга. Улардан тайёрланган дорилар ҳозир жуда кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон ва Қирғизистон тоғларида чирмуқдай ўралиб-бурлиб ўсадиган «бўригул» ўти бор. Академик Собир Юнусов раҳбарлигидаги илмий ходимлар бўригул ўсимлигини қирқа яқин ишқорсимон модда ажратиб олишди. Шулардан йигирматаси илгари маълум бўлмаган янги алкалоидлардир.

Бўригул ўтининг сутидан олинган алкалоидлардан биттаси **виннинин** бўлиб, уни дори сифатида жамоатчиликка тавсия этишдан олдин, санжиз йил давомида дорихунослик лабораториясида ўрганилди. Тавсия кучи ҳар хил ҳайвонларда синая кўрилди. Янги натиканлар берганлиги учун Тошкент, Рига, Киев, Иркутск шаҳарларидаги медицина институтларининг асаб касалликлари клиникаларига юборилди. Уларда ҳам уч йил давомида сигналди. Янги натиканлар берди.

Виннинин — асосан, асаб (нерв) илпарининг ялғиланиши — неврит, полиневрит, радикулит касалликларини даволашда ишлатилади.

Гриппдан кейин гоҳо баъзи одамларнинг юзи қийшайди; (буни халқ «бузи чалибди» дейди), баъзиларнинг қулғи оғирлашади. Еш болаларда уйқусида сийдигини тўтолмаслик дарди учрайди. Булар бари асаб илпарининг ялғиланишидандир. Бу касалликларга **виннинин** яхши даво бўлади.

Қон босимининг ошиб кетиши гипертониянинг аиси — гипотония касаллиги ҳам борки, бу касалликка чалинган кишининг кўзи тинади, боши айланади, тез чарчайди, қулғи шанғиллайди.

Гипотонияга ҳам **виннинин** яхши даво бўлади: кишини кучга киритади, иш қобилиятини тиклайди.

Илгари асаб касалликларига даво **стрихнинини** мамлакатимиз чет эллардан олтин ҳисобига сотиб оларди. **Виннинининг** кашф этилиши Ватанимизнинг иқтисодий қудратини анадан мустақамлаштириб шубҳасиз.

Бўригул ўсимлигидан олинган **виннаметрин** алкалоиди ҳам диққатга сазовордир. Бу дори аёлларнинг кўз ёришини оsonлаштиради, қон нетишини камайтиради.

Упка ва юрак фаолиятини яхшилайдиган **эривинин** алкалоиди ҳам клиникаларда синая кўрилмоқда.

Бўригул ўсимлигидан олинган янги дорилар яратиларди учун институт ходимларидан санжиз кишига республиканинг биринчи даражали Беруний мукофоти берилди.

Бўригул ўсимлигидан **виннинин** алкалоиди олиб, уни кимёвий тарбибни текширишда жонбозлик кўрсатган Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Собир Юнусов, кимё фанлари доктори Фаттоҳ Йўлдошев, **виннинини** дори тайёрлаш лабораториясида ҳар тарфлама синаяда ҳамда яратишда қатнашган медицина фанлари доктори Муҳаммадҷон Султоновларнинг хизматлари катта.

Халқимиз орасида баъзи дорилар ҳақида қирқ дардага даво деган ривоят юради. Шифобахш бўригул ўсимлигидан олинган алкалоидлар ҳақиқатан ҳам қирқ дардага даводир.

Нест маро жуз табақ сози дигар хунар,
Ҳар киро илмаш набошад ҳамиша жабуру жафо астр.

Наққош демоқчики, унинг товоқозликдан бўлак хунари йўқ. Кимдаким илм-хунари бўлмаса, жабуру жафо ҳамиша унинг йўлдошидир. Қуйидаги мисраларда Ҳозгон мармаридан ясалган товоқ улуғланади:

Табаррук ин табақи санги мармар,
Чу бехтар аз табақи Чин-у Қашқар!

Яъни, бу мармар тошдан ясалган товоқ табаррукдир. Хитой ва Қашқар товоқларидан аълоққидир.

Мана бу икки мисра шеър аса Ҳайитмурод устанинг бир ўзбек ошмасига ҳада этган товоғидан кўчирилди:

Ҳар киши бу товоқда еса таом,
Минг яшаб-яшнанин жаҳонда мудом.

Бундай содда, самимий, ҳароратли мисраларни Санганнинг қўлида пардозланган ўнлаб мармар товоқларда ўқийсиз. Агар йўлингиз Бухорога тушса, тарих музейига албатта киришгилар. Бу ерда Ҳайитмурод уста ясаган товоқлардан намуналар кўйилган.

Ҳайитбой-товоқсоз маърифатпарвар киши бўлган. Фирдавсий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Ҳузудлий каби назм султонларининг асарларини севиб мўлола қилган, ўзи ҳам шеърлар биттаган. Илм ва одобни инсонийликнинг ўзаги деб билган. Бу фикримизни унинг бир марғилолик шоир дўстинга атаб ясаган ва ҳаном сақланаётган товоғиданги мана бу арабча сўзлари тўла-тўқис исботлайди: «шарафуд инсоани билт илму вал адаби ло билт моли ва насаб». «Яъни: «Инсоннинг шарафи (иззат-ҳурмати) моли ва насаби билан эмас, балки илми ва одоб билан белгиланади». У Октябрь ниқилобининг қувонч билан кутиб олади. Ўзи каби йўқсулар тарафида туриб, янги тузумнинг моҳиятини тартиб қилади. У кишлоқда янги мактаб очинишда ҳам ташаббус кўрсатади.

Нихоят, мактаб очилади, мулла Бақо Қомиллов деган киши ўқитувчи қилиб тайинланади. Ҳайитмурод ака мактаб талабаларни учун йигирмача сиёҳдон асаб беради. Унинг ўғли Абдулла ака ҳам шу мактабининг биринчи талабаларидан бўлган.

Афсуски, товоқсоз Октябрь самараларини кўролмади. 1920 йилда уни қўрбоши Муҳаммад бошлиқ босмачилар қўйиб ўлдирдилар.

Бир минг тўққиз юз ўттиз иккинчи йилда Охунбобоев номли колхоз аъзолари мармар заводи қуришга киришдилар. Қишлоқ Советининг раиси Ҳамро Наврўзов (ҳозир 84 ёлда) ва колхоз раиси Марҳум Амонуллага Яйиновлар раҳбарлигида бу қуришда икки юз-икки юз эллик киши ишлади. Бироқ кўп ўтмай, қуриш иш тўхтатилади. 1959 йилга келиб, колхозчилар тиклаган ўша бинонинг усти ёпилиб мактабга айлантирилди. Ҳозир бу ерда қончилар ва «Ҳозгон» совхози қорвдорларининг олти юздан зиёд жигарбанди таълим олмақда.

Абдулла Ҳайитов—ана шу мактаб илмий бўлимининг мудир. 44 йилдан бери ёшларга таълим-тарбия беради. Ярим асрдирки, бўш вақтини мармар тошлардан нафис идишлар ясашга бағишлайди. Халқ санъаткори Абдулла ака ясаган нафис мармар товоқ ва кема шаклидаги буюм 1947 йилда республика халқ санъаткорлик буюмлари кўригида биринчи даражали диплом ва пул мукофоти олган эди. Моҳир тоштарош отаси зиндан бериб, кўнгинга дўстлари, танишларига эсдалик сифатида мармар товоқлар ясаб берган.

...1956 йилнинг ёзида Ҳозгонга Абдулла акани излаб бир киши келади ва унга хат тоширади. Мактубни ўз ҳолича келтирмайди:

«Шул табақ устида қуёш бўлсин,
Қўл узатган кишига ош бўлсин.
Нурота устасин ким қилса ҳурмат,
Эл-юртига раҳбар, бош бўлсин.

Ҳурматли Абдулжон!

Саломдан сўнг сизга айтар сўзан шулки, бир варақ қоғоз орқали сиз билан танишмоқчиман. Келинг, дўст бўлайлик.

Ғафур Фулом,
Тошкент».


Абдула ака отахон шоирнинг илтимосини бажо келтирди. Мармардан бир товоқ ясаб, ичига юқориданги тўрт мисра шеърини ўйиб ёзди ва уни ўзи олиб бориб шоирга тоширди...

Кекса педагог Абдулла Ҳайитов республика ўқитувчиларининг III съезидига делегат сифатида қатнашди. Съезд делегатларига «Ўзбекистон ўқитувчиларининг III қурултойи қатнашчиларига Нурота педагогларидан аланали салом» деган сўзлар ёзилган бир товоқ тақдим этди. Халқ санъаткори Ҳозирги пайтда ўз хунарини ўғиллари Эркинжон ва Эминжонларга ҳам ўргатмоқда.

Ҳозгонда Бобоназар Жабборов, Бақо Қомиллов сингари мармар тош жилоркорлари ҳам борки, улар ясаган буюмлар кўпчиликка манзур. Бу наққошлар устахонасида ўнлаб турдаги безакли мармар анжомларни кўриш мумкин.

...Ҳозгон мармари ҳозир ҳам дунёга машҳур. Бу ноёб тошлар қудратли техника воситаси билан қазиб олинапти. Иттифоқимизнинг турли шаҳарларига, жаҳондаги ўттиз олти мамлакатга чиқарилимоқда. Ҳам иморатларимизга, ҳам умримизга безак. Мармардан тикланган бино асрлар оша завол кўрмайди. Мармарга битилган байтлар абадий ўчмайди. Мармардан обида ясаганининг умри боқий.

Раҳмон ЧИНМИРЗА,
Самарқанд.



Тогларнинг манзараси.

М. Туйчиев фотоси.



Қўлдаги Кенгуру дарс радиостанция тинглапти

Америкада галати бир қўл соати яратилди. Бу соат ҳам вақтни билдиради, ҳам росмана радиостанцияли вазифасини ўтайди.

Дунёда биринча марта Мельбурн шаҳрида кенгуруларни ўқитадиган мактаб очилди. Мактабни битирган ҳайвонлар чақалоқларга қараш, болалар билан футбол ўйнаш, хиёбондаги гулларни чилиби саранжомлаш ва бошқа юмушлар билан машғул бўладилар.

● Мўйчинак ● Мўйчинак ● Мўйчинак ● Мўйчинак ●

„Азамат“лар

Аширмат бува билан Турсумат бува иккови йўлда кетатиб, олисроқда уймалашиб турган одамларни кўриб қолишди.

— Ҳу, уни қара, Аширмат, машина атрофида савдо-сотiq қилишптимиз?— сўради Турсумат бува кўлини пешонасига соябон қилиб.

— Машинадан юн тушираётганларни томоша қилишппти, чамамда,— деди Аширмат бува.

— Ҳа, ҳа... Қара-қара... хўп азамат йигитлар экан, кўллари-кўлларига тегмайди-я..

— Ҳе, Турсумат, ҳали етмиш ёшга бормай туриб кўздан қопсан, кўздан. Юк тушираётганлар азамат йигитлар эмас, азамат чоллар.

— Оломон кўп-ку?...

— «Оломон»и, чамаси, кўлларини чўнтадан олмай чолларнинг кучини чамалашппти шекилли.

— Юр, азамат чолларга нўмаклашворайлик.

— Юр...

„Катта“ совхоз раҳбари

Хийла йиллардан бери ишлаётган совхоз директори фавқуллода айланиб юриб, ченароқ бригадага бориб қолди. Ҳўза оралаб юрган кишини кўриб:

— Ҳў анқов, бу ёнча нел!— деди.

Халиги одам:

— Ҳўп бўлади!— деб директор олдига келди.— Хуш кўрдик, ўртоқ директор.

— Келдик...— директор машина кабинасида хотиржам ўтирган кўйи жавоб қилди.

— Хайрият, бизнинг бригадамизга ҳам пойёздамингиз етар экан.

— Бригадининг қани?— директорнинг пешонаси тиришди.

— Мен, ўзим бригадир-ку!— деди у таажнубдан елкасини қисиб.

— Ие... Бригадирмас эдинг шекилли?..

— Ахир, шу йил, хув февралда бригадирликна тайинлаган эдингиз-ку..

— А... Шундаймиди... Совхоз натта бўлганидан кейин калавангнинг учини ҳам йўқотиб кўлар экансан-да:

Директор чуқур хўрсинди.

Исоқ УКТАМОВ.

● Мўйчинак

Шахмат

„Тож“ даъвогари энди битта

Минг бир тўсиқни енгиб, миллионлар орасидан отилиб чиққан, шахмат оламининг энг юксак унвонига даъвогар бўлган санкиз «пир» чинакам шахматчиларнинг гули ҳисобланадилар. Маълумки, чорак финал «довул»ларига чидаш бера олмаган «гул»лар намида уч йил муддатга «сўлди»лар. Бу ҳақда журнализмнинг санкизинчи сониди ҳикоя қилган эдик.

Ез ойлари қолган «гул»ларни ҳам қаттиқ синовдан ўтказди. Оқибат уларнинг биттаси— энг сараси қолди.

Ярим финалларнинг бирида Корчной билан Таль, иккинчисида эса Спасский билан Ларсен бел олишдилар. Жанг тафсилотлари бундай...

Таль армонда қолди

Матбуотда эълон қилинмаган сирли ва порасий бир галии ошкор қилишга жазм эдим. Машхур гроссмейстер билиб қолса, мени аф этар, деган умиддаман.

— Ефим Петрович, бу гал нима қилмоқчисиз?— сўради унинг маҳоратига тан бериб юрган дўстларидан бири.

— Иложим қанча, яна бой бераман-да,— жавоб берибди Геллер.

Бу савол-жавоб бундан бир йил мунақдам Тунисдаги зоналараро учрашув тугаб, маҳон чемпионлигига даъвогарлар ўртасида чен

ташладан кейин бўлган. Уч йил мунақдам совет гроссмейстерлари Е. Геллер билан В. Спасский чорак галиблари сифатида ярим финалда учрашган ва ҳисоб Спасскийнинг фойдасига 5,5:2,5 бўлган эди. Шундан сўнг Геллер 1967 йилги Москвадаги халқаро учрашувда Спасский устидан ажойиб галабага эришган эди. Лекин ҳисобда бор-йўғи бир-икки ютуқини фарқ бўлишига қарамай, Геллер олдинданок ўз мағлубиятини тан олганига дўсти кўп таажнубланди. Ахир, ҳатто шахмат оламиндаги довруги ва эътибори нақадар зўр Ботвинникни бир неча бор енгиб, унинг таҳсинига лойиқ бўлган Геллернинг Спасский деганда, «таслим» ишорасини қилганлиги қизиқ-да! Охири шундай бўлиб чиқди.

Шундай бўлгандан, кейин ҳал қилувчи курашгача ўзаро ҳисобнинг 1:9 эканлиги, яъни Таль Корчнойдан бир эмас, санкиз ютуқ қардорлиги тўфайли собиқ жаҳон чемпионининг кўнглидан нималар ўтгани ўзига аён.

Мухлислар бир нарсадан оғоҳ бўлишса, ўшани дастак қилиб оладилар. «Талнин омади келганда Корчнойга тушаринди». «Мижоз» «мижоз»лигича қолади. «Корчной рақибининг «тил»ини билади», деб аллақачоқ Тални «борса келмас»га бичиб кўйишган эди.

Аммо кураш ҳамма кутганидан бошқачароқ тус олди. Биринчи ва учинчи учрашувларда Таль шундай зўр ўйнадики, рақиби ҳалокат ёқасидан араг ўзини четга олиб қолди. Шахмат оламининг фикри ўзгариб: «Ригалин гроссмейстер онадан янги тугилгандай-ку!» «Корчнойдан чўниш у ёқда турсин, уни писанд ҳам қилмалпти-я!» дея бошлади. Дастлабки уч ўйинда зарбаларга чап бериб, «омон» қолган ленинградлик гроссмейстер навбатдаги тўртинчи учрашувда бир зўр зарба билан рақибинин «агдариб» ташлади. Уч олиш пайига тушган Таль бешинчи ўйинда

ниятига етай деб қолдию, лекин охиригача асаблари чидаш беролмади: ютуқ ўрнига пуч сон олди. Олтинчисида бунинг акси бўлди: Корчной ютаётиб ютқизиб кўйди. Сабаби, бир йўла уч ютуқ ошиб, олишув тақдирини тезроқ ҳал қилмоқчи бўлди-да. Жанг янада қизиқди. Таль ютиш учун, Корчной эса барча таҳликаларни рад этиб туришга, бинобарин ҳеч бўлмаса бир ютуқ устунигини кураш охиригача сақлашга астойдил ҳаракат қилдилар. 7—8—9 учрашувлар Корчнойнинг кўнглидагидек тугади. Учинчиси эса инсоф билан айтганда, Талнин галабаси билан яқулангани, кураш ҳисоби тенглашиши керак эди. Бу ҳолда томонлар биринчи галабага яна тортишардилар. Собиқ маҳон чемпиони бунинг удалай олмади.

Ларсен-чи?

Швециянинг йирин шаҳарларидан бири Мальмё Йопенгагендан шундоқ кўриниб турди. Ораси 70 чакирим, холос. Шунинг учун ҳам учрашув куналари бу шаҳарни данияликлар босиб кетди. Ахир, Дания спортчилари орасида ўз мамлакатига Бенг Ларсендек улкан шухрат бағишлаганлар кўп эмас-да!

Бу истёвдодли гроссмейстер эришган галабалар ҳатто шунга олиб келдини, қилдан қиниқ топувчи айрим фарб шарҳчилари бундан шошилинч равишда фойдаланишни кўзлаб қолдилар. «Мана, кўрпизсими,— деб жар солишди улар,— шахматда ҳам коммунистни гоғлар нор келмай қолди. Устунилик энди биз томонда». Совет гроссмейстери олдида биз галнинг тўтуруниси эканлигини исботлашдек масъул вазифа турарди. Қатъиятлик нагн тақдирини ортиқча гаплар ўрнига пухта қу-

БАЛИҚЧИ

Дарё ёқасида ўтирган балиқчидан бир ишни сўради:

— Сиз бу ерда бирор нарса тутаёсизми?

- Ҳа, иккита балиқ тутдим.
- Эрталабдан бери-я?
- 1946 йилдан бери.

ҚИСҚА КУН

— Менга сал каттароқ повот беринг, уни эртадан кечгача шимиб юраман,— деб тиланди болаки сотувчидан.

- Ма, болам, олақол!
- Бу жуда кичкина-ку...
- Ҳечқиси йўқ. Ҳозир кун ҳам қисқариб қолди.

БУРРО ЖАВОБ

— Дарсга доим кечикиб келасан, Бебошлик қиласан. Олганинг нуқул «2». Ахир, бу қанақа гап?— сўради муаллим.

— Олдингилари дарак гап, охирги сўроқ гап, — деди ўқувчи.

ТАШВИШЛИ УЙҚУЧИЛАР

— Кейинги пайтларда ўта беғам бўлиб кетяпсизлар, баъзи жой-

ларда ёгини чиққанда, сизлар ухлаб ётасизлар, — деди бошлиқ ўт ўчирувчиларга.

— Кечирасиз, биз ҳаминша ташвишда ухлаймиз,— деди ўт ўчирувчилардан бири.

Эрин МУЗАФФАРОВ.

АЖАБЛАНМАНГ

— Ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Ахир, паровоз ўтин билан юрадимми? Юради! Дастгоҳ ток билан юрадимми? Юради! Машина бензин билан юрадимми? Юради! Бас, шундоқ экан, мен ҳам ароқ ичмасдан юролмайман...

ЧУЧИЯМАН

— Кеча бир сурат чизгандим, эрталаб қарасам жон икириб уйнинг ичда учиб юрибди, — деди бир лофчи.

— Ҳе, шуям гапми, — деди иккинчи лофчи, — мен йўлбарсни чизиб қўйиб, ҳозир битиролмай сарсонман.

— Нега?

— Аввал бошини чизган экатман, ўкириб олдига йўлатмапти.

Анвар МАДРАҲИМОВ.

(Ҳазил).

Чанқовузим, чанқовуз, Узун тилли, тор оғиз. Бир маромда куйлашга Мажбур этди қай ёвуз! Чанқовузим, чанқовуз, Эгизимди азал биз!.. Менда эса қисқа тил, Сенда эса тор оғиз...

Жўра АЛИМАРДОНОВ.



— Во-ей, мунча совуқсан, жоним...

Рассом ВОРОБЕЙЧИКОВ.



Шер:

— Тагин оғзидан ароқ ҳиди ақиқатли-я!

● Мўйчинак ● Мўйчинак ● Мўйчинак ● Мўйчинак ● Мўйчинак

рол ёрдамида ҳал қилишга ўрганиб қолган Борис Спасский, курашининг дастлабки уч уchrашувидеяқ шахмат оламига ўз жавобини берди қўйди. Нетма-нет уч марта голиб чиққан совет гросмейстери шахматда қайси гол устузнаники исботлаб, оғиз кўпиртиришларга чек қўйди. Спасскийнинг эътироф этишича, учрашув охирида Ларсен билан дўстларча муносабатда бўлишган. АЙБ Ларсеннинг ўзида. Бўлса бўлмаса «тош» отавермаганда, балки 2,5:5,5 ҳисобида ютқазмасиди. Данияликнинг кейин дами чиқмади. «Нега энди Спасскийнинг қўлига топширдинг мени», деб у тандирдан роса хафа-хуноб бўлганга ўхшайди.

Ларсенга бу сабоқ бўлди. Тайёргарликни янада кучайтирса, жаҳон чемпиолигига даъвогарлар орасида ҳали уни кўп кўрамай. Ларсен жойида турибди.

Спасскийга тараф йўқ

Финал учрашув тафсилотларига кўчмасдан турибон, унинг аюнида айtilган гапни сарлавҳача қилиб қўйди. Буни беллашувда Спасскийдан мағлуб бўлган Корчной айтди. Бунга қўшимча қилиб: «Петросян-Спасский матчида ким ютади, деган савоалга у: — Спасскийнинг ишонарли ғалаба қозонишига имоним қилиб, деган дангал фикрни ўртага ташлади. Бироқ биз буни ҳозирча ечими учални осон бўлмаган муаммолигича қолдирайлик-да, Спасский — Корчной баҳсининг айри жойларига диққатни жалб қилайлик.

Замонамизнинг чинакам икки зўр шахматчиси, жаҳонда энг илгор совет шахмат мактабининг ванилларч Борис Спасский билан Виктор Корчной беллашувга тушмасдан олдин

жаҳон матбуотида нўпгина фикр-тахминлар эълон қилинди. Соёқ жаҳон чемпиолилари Макс Эйве билан Михаил Ботвинник ҳам, америкалик бообўру Ёш гросмейстер Роберт Фишер ҳам даъвогарларнинг маҳоратини юксак баҳоладилар-у, аммо ким ютиб чиқишини очини-ойдин айтишдан айтмаслигини афзал кўрдилар. Ҳақиқатан ҳам бу мушкул иш эди.

Сентябрь ойининг иккинчи кунини эди. Нима бўлдию, Москвада, Марназий шахмат саройида мен тасодифан Спасскийга дуч келиб қолдим. Саломлашгач, унга муваффақият тиладим. (Ичимда Корчнойга нисбатан ҳам шундай мойиллик борлигини сезиб турардим, албатта). У ташаккур билдирди. Чехрасидан найфияти яхшилиги сезилиб, ҳар қандай кескин жангга ҳам шайлиги кўриниб турарди.

Биринчи учрашувданок томонлар кескин жангга киришдилар. Бу текисда зўр ўйнаган Спасский рақибининг «эзиб» ташлади. Чунки ҳисоб шу орадаёқ 6,5:3,5 бўлиб қолган ва Спасскийга шуниси етарли эди-да!

Яна уч ойдан сўнг Борис Спасский жаҳон чемпиони Тигран Петросян билан иккинчи марта куч синашди. Эсингизда бўлса, бундан уч йил аввалги уларнинг учрашувда Петросян 12,5:11,5 ҳисобида голиб чиқиб, ўз увонини санлаб қолган эди. Кўзга илинмай диган афзаллидан ҳам усталик билан фойдаланувчи, оғир аҳволдан қўтулиб кетиш санъатидан яхшигина бохабар жаҳон чемпио-нининг яна минг бир говдан ўтиб, унга тақрор рўпара бўлаётган матонатли, ёш гросмейстер билан бўладиган кураши унча-мунча жанглардан бўлмайди. Бундай учрашув бўлишини уч йил бурун Петросян «каромат» қилганлиги аниқ бир ҳодиса бўлди-да!

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт устаси.

Бош муҳаррир: Иброҳим РАҲИМ.
Таҳрир ҳайъати: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Исандар ИКРОМОВ, Со-бир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир уринбосари), Унтам ОРИПОВ, Рустам РАҲ-МОН (масъул нотиб), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Қомил ЯШИН, Муҳаммаджон УРОЗБОВ, Тошму-ҳаммад ҚОРИ.НИЗИЯ.

«Гулистон» — обществено-политический и литературно-художественный иллюстриро-ванный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, 47,
КАРЛ МАРКС КУЧАСИ, 30-УЙ.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳар-рир — В-33520. Бош муҳаррир уринбоса-ри — В-33590. Масъул нотиб — В-33659. Ијтимоий-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадий бўлим — В-33519. Қабулхона — В-33519.

Теришга топширилди 29/Х-68 й. Босишга ижозат берилди 13/ХII-68 и. Қоғози 70×1081/2. Ҳажми 3,5 босма тобоқ. Буюртма 7910. Нухаси 143081. Баҳоси 30 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриятнинг босмаханаси.

БОЛАЛИК ТЕПА

СИРЛАРИ

ТОПИЛДИК

Биз санъат аънаналари, миллий شانл ҳақида кўп гапирамиз. Аммо Ўзбекистон шароитида бу сўзлар қандай мазмун касб этишини у қадар аниқ тасаввур этолмаймиз.

Совет археологлари томонидан Варахша, Тупроқ қалъа, Болалик тепа, Афросиёбда деворга ишланган монументал тасвирларнинг топиллиши Ўзбекистон тупроғида яшаган халқларда тасвирий санъат қадим замонда жуда ривож топганлигини кўрсатади.

Болалик тепа Сурхондарёнинг Ангор қишлоғида кенг пахтазор дала ўртасидадир. Ўзбекистон Фанлар академиясининг экспедицияси шу тепада қазув ишлари ўтказиб туриб сирли эфталитлар қабиласига мансуб чоғроқ бир қаср топилди. Қаср VII—VIII асрда яраблар ҳужуми пайтида ёниқ харобага айланган деб тахмин қилинади. Хона деворларида одамлар, жониворлар суратининг излари аниқ кўриниб турибди. Сувоқ кўчиб тушиши, ўт-алаф томир отиши, чумоли ин қўйиши туфайли деворга чизилган суратнинг кўп жойи емирилган. Сақланиб қолганлари ҳам шу қадар қорайиб, ўчиб кетганки, экспедиция қатнашчилари бир ярим минг йил муқаддам Уттан рассом нималарни тасвирлаганлигини билиб олиш учун кўп баш қотирдилар.

Йигирма беш квадрат метрли чорраха уйнинг меҳробидан топилган қурбонлик қолдиқлари ва диний руҳдаги тасвирларга қараганда бу ерда ҳосил худоси Анахита шарафига тантанали маросимлар ўтказилган. Ҳозир бўлган, теваракдаги суғаларда ўтиришган. Рассом уларни ранго-ранг хoshiяли кийимларда тасвирлаган.

Девордаги расмлар ис, чангчундан тозаланиб, махсус кимёвий бўёқлар билан бироз асли рангига келтирилгач, санъаткорона ишланган декоратив асар экани равшан кўриниб қолди. Қачонлардир бир вақтлар мавжуд бўлган ўзига хос миллий санъат аънаналарини баки шу ердан қидириш керакдир.

Мен экспедиция қатнашчиси, рассом бўлганим учун ҳам деворга ишланган бу асарнинг емирилган жойларини қандай тикласан экан, деб кўп ўйладим. Ахир француз олими Кюеве топилган битта суякка қараб туриб йўқ бўлиб кетган ҳайвоннинг қиёфасини тиклаган, совет ҳайкалтароши М. М. Герасимов чаноқ суяги асосида Амир Темур билан Улугбекнинг портретини яратган эди-ку. Одам анатомиясини яхши билгани учун ҳам у суякка гўё эл берди, тери берди. Герасимовнинг усули ҳаёт тажрибасида синовдан ўтди. Бахтга қарши, Болалик тепада

топилган расмларнинг айрим фрагментлари ва иккинчи даражали қисмларгина сақланган. Девор сувоғининг емирлиши туфайли ишрат қилаётган одамлар сурати тўла сақланмаган. Умум тасвир ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун сақланган бўлаклар устида чуқур ўйлашга тўғри келди. Қиёфа, кийим, нақш-ҳoshiя тасвирга қараб туриб ўзини бундан бир ярим минг йил илгари яшаб, ижод этган рассом ўрнига кўйиб, унинг услубини аниқлашга уриниб кўрдим. Натижада сақланиб қолган расм бўлаклари емирилган жойларини тўлатишга, ранги қандай эканлигини аниқлашга имкон берди. Одатда, ҳoshiя-безаклар такрорланади. Бу ҳам расмининг ранго-ранг безагини тиклашда кўл келади. Базан бу йўл ҳам иш бермаганда ҳар хил вариантларни йўллашга тўғри келди: новлаш, қидириш орқали топилган айрим ганж-сувоқ бўлакларини расмининг емирилган жой-жойига кўйиб то чизиқлари, бўёқлари ёпишиб тушмагунча таъқослаб кўрилди.

Археологлар ва рассом мана шундай оғир, машаққатли йўл билан қадимий маданият сирини очишга эришдилар. Натижада замондошларимиз ҳозиргача тарихдан қадимда эфталит қабиласи бўлганигини билишар эди, энди эса уларнинг қандай одамлар эканини, қиёфаларни, кийимларни, урф-одатларигача ўз кўзлари билан кўриб билиб олишлари мумкин.

Ана, ажойиб хонимлар, йигитлар бемалол мусаллас ичишиб суҳбатлашиб ўтиришибди. Хонимларнинг ялпонроқ пиёлани утагина бармоқчаларида назокат ила тутиб туришларини қаранг. Кийим-кечалари ҳам башанг, сочлари яни турманлашлари ҳозирги япон аёллариникига ўхшаб кетади. Кийимлар тикилган матолардаги гуллар эфталитларнинг кўп халқлар билан савдо-сотиқ қилганларини кўрсатиб турибди. Базиллари Ҳиндистондан, баъзилари Хитойдан, итинин боши солинган мато эса Мисрдан келтирилгани кўриб турибди. Бошқалари маҳаллий касиблар томонидан тўқилган бўлса ажаб эмас. Орна томонда турган навиэкилар меҳмонларини елличиг билан елиб туришибди. Бурчандаги созандалар эса куй чалиб, маишатга алоҳида жон киритишмоқчи.

Ҳа, Ўзбекистон санъат ва маданияти бой ўтмишга эга. Фақат узоқ асрлар оша бизгача етиб келган айрим топилмаларни кунт билан ўргана билиш керак. Шундагина мухташам шаҳар-қасрлар, у ерларда ривож толган қадимий маданият, фан ва санъат сирлари кўз олдимизда ҳар томонлама кенг очилади.

А ж о й и б н о м а

ҲОФИЗАЛИ АЁЛ

Ажойиботлар олами Ҳиндистон олимларини ҳайратда қолдирди: Шакунтала Деви деган жувон энг мураккаб ҳисоб масалаларини яшн тезлигида ечди.

Унга берилган мураккаб масалалардан бири «Факториал 73» деб аталади, масалан, бирни иккига, иккинчи учга, шундай қилиб етмиш учгача ҳосил бўлган сонни кўпайтириб борилаверади. Бу масалани Шакунтала икки минутда ечди. Унинг хотираси ниҳоятда ўткир: икки йил муқаддам ечган масалалари ёдидан чиқмайди. Шакунтала ҳозирги вақтда ҳисоб масалаларини тез ечишда ҳисоблаш машиналари билан мусобақалашмоқда.

Нью-Йорк телевидениеси уюштирган мусобақада Шакунтала ҳисоб масалаларини энг тўғри ва тез чиқариш машинасига қараганда олти секунд олдин ечди. Сиднейда эса мисоллар электрон миядан ўтиб бўлмасдан, у масалани ҳал қилиб бўлди.

Шакунтала Деви календарнинг ҳар қандай кунини аниқ айтиб бера олади. Мисол учун ундан «1921 йил 22 январь қайси кун эди?» деб сўрасангиз, у ўйлаб дарҳол бехато айтиб беради.

Шакунтала Девининг илми йўқ. Мактабда ўқишга қурбн етмаган.

ТУНГИ ЙЎЛ КЎРСАТКИЧИ

Кечалари автомобиль ҳайдаш анча машаққат. Йўл кўрсаткичлар кўзга илганмайди. Кимёгарлар шофёрларга тунги сафарни осонлаштирадиган кашфиёт яратишди. Тез вақтларда катта кўчалардаги йўл кўрсаткичлар кечалари ялтираб турадиган бўлади.

Ленсовет номидаги Технология институтининг коллоидлар кимёси кафедраси электр кучи билан яқриаб турадиган махсус модда яратишди. Бу люминофар деб аталадиган модда суртилган тахта тунда сафарга чиққан шофёрларга йўл кўрсатиб туради.

Ленинградликларга люминофарнинг фойдаси маълум: шаҳар томларининг рақамлари қоронги кечалари узоқ-узоқдан ҳам кўриниб туради.

ЗАРАРЛИ ГАЗЛАРГА ҚАРШИ

Чехословакия инженерлари бензин ёнганда ҳосил бўладиган зарарли газни 98 процентгача зарарсизлантирадиган ускуна яратдилар. Уни ер остида ишлайдиган машиналарга ўрнатиб фойдаланишмоқда. Шунингдек «Шкода-1000МВ» ҳамда «Гатра» автомобилларига ҳам ўрнатишмоқчи.

АҚШдаги «Локхид» фирмаси автомобиль бензинини аммиакка аралаштиришни тавсия этмоқда. Шундай қилинса бу аралашма ёнганда зарарсиз азот газни билан сув буғи ҳосил бўлар экан.

АҚШдаги «Дженерал электрик» фирмаси электравтомобил ишлаб чиқарди. Электравтомобил аккумуляторининг бир заряди 320 километр йўл босишга етади. Тезлиги эса соатига 130 километргачадир. Аккумуляторни заряд қилишга сақиз минутча вақт кетади. Бу электромилга рух аккумулятор қўйилса керак деб тахмин қилишади.





Самарқано 2500

ЯНВАРЬ

Душанба	6	13	20	27	
Сешанба	7	14	21	28	
Чоршанба	1	8	15	22	29
Пайшанба	2	9	16	23	30
Жума	3	10	17	24	31
Шанба	4	11	18	25	
Якшанба	5	12	19	26	

ФЕВРАЛЬ

Душанба	3	10	17	24
Сешанба	4	11	18	25
Чоршанба	5	12	19	26
Пайшанба	6	13	20	27
Жума	7	14	21	28
Шанба	1	8	15	22
Якшанба	2	9	16	23

МАРТ

Душанба	3	10	17	24	31
Сешанба	4	11	18	25	
Чоршанба	5	12	19	26	
Пайшанба	6	13	20	27	
Жума	7	14	21	28	
Шанба	1	8	15	22	29
Якшанба	2	9	16	23	30

АПРЕЛЬ

Душанба	7	14	21	28	
Сешанба	1	8	15	22	29
Чоршанба	2	9	16	23	30
Пайшанба	3	10	17	24	
Жума	4	11	18	25	
Шанба	5	12	19	26	
Якшанба	6	13	20	27	

МАЙ

Душанба	5	12	19	26	
Сешанба	6	13	20	27	
Чоршанба	7	14	21	28	
Пайшанба	1	8	15	22	29
Жума	2	9	16	23	30
Шанба	3	10	17	24	31
Якшанба	4	11	18	25	

ИЮНЬ

Душанба	2	9	16	23	30
Сешанба	3	10	17	24	
Чоршанба	4	11	18	25	
Пайшанба	5	12	19	26	
Жума	6	13	20	27	
Шанба	7	14	21	28	
Якшанба	1	8	15	22	29

ИЮЛЬ

Душанба	7	14	21	28	
Сешанба	1	8	15	22	29
Чоршанба	2	9	16	23	30
Пайшанба	3	10	17	24	31
Жума	4	11	18	25	
Шанба	5	12	19	26	
Якшанба	6	13	20	27	

АВГУСТ

Душанба	4	11	18	25	
Сешанба	5	12	19	26	
Чоршанба	6	13	20	27	
Пайшанба	7	14	21	28	
Жума	1	8	15	22	29
Шанба	2	9	16	23	30
Якшанба	3	10	17	24	31

СЕНТЯБРЬ

Душанба	1	8	15	22	29
Сешанба	2	9	16	23	30
Чоршанба	3	10	17	24	
Пайшанба	4	11	18	25	
Жума	5	12	19	26	
Шанба	6	13	20	27	
Якшанба	7	14	21	28	

ОКТАБРЬ

Душанба	6	13	20	27	
Сешанба	7	14	21	28	
Чоршанба	1	8	15	22	29
Пайшанба	2	9	16	23	30
Жума	3	10	17	24	31
Шанба	4	11	18	25	
Якшанба	5	12	19	26	

НОЯБРЬ

Душанба	3	10	17	24	
Сешанба	4	11	18	25	
Чоршанба	5	12	19	26	
Пайшанба	6	13	20	27	
Жума	7	14	21	28	
Шанба	1	8	15	22	29
Якшанба	2	9	16	23	30

ДЕКАБРЬ

Душанба	1	8	15	22	29
Сешанба	2	9	16	23	30
Чоршанба	3	10	17	24	31
Пайшанба	4	11	18	25	
Жума	5	12	19	26	
Шанба	6	13	20	27	
Якшанба	7	14	21	28	

1
9
6
9

